- Гидравлик қабул камерасини узунасига тиклаш тизими ёқилганида.
- Кўп функцияли дастак переключателларига муайян функциялар вазифаси юкланганида.
- Ўроқ ёқилганда.

Ўзгартириш тартиби:



H116962—UN—19DEC16

Автоматик бошқарув

1. Ўроқ иловасинининг бош экранида Авто бошқаришни танланг.



H116165—UN—19DEC16

ON/OFF

2. Узунасига тиклашни ёқиш/ўчириш учун танланг.

ҚАЙД: Машинанинг конфигурацияси ва кўп функцияли дастакдаги созланувчи переключатель ва тугмаларнинг созламаларига боғлиқ кўплаб комбинациялар мавжуд.



H118577—UN—19DEC16

Дастурлаштириладиган тугмалар

3. Узунасига оғишни белгиланган қийматини ўзгартириш учун, исталган дастурлаштириладиган C ёки D тугмасини босинг ва гидравлик қабул камерасининг узунасига оғиш переключателлари ёрдамида узунасига оғишини созланг.



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

4. Исталган созламаларни хотирага сақлаш учун исталган фаоллаштириш тугмасини 2 сония босиб туринг.



H116354—UN—19DEC16

Фаоллаштириш рақами

Бурчак устуни дисплейида намойиш бўлган фаоллаштириш рақами қайси тугма танланганини кўрсатади.

5. Қабул камераси олдинга оғиши учун переключателни тепа қисмини босиб туринг, ёки қабул камераси орқага оғиши учун переключателни пастки қисмини босиб туринг.

   Тирсакқўйгич дисплейи қабул камерасига уланган сенсор асосида қабул камерасининг узунасига оғиш ҳолатини кўрсатади.

   Кўп функцияли дастакда гидравлик узатмали қабул камерасининг узунасига оғиши переключателларини қўлда силжитиш тизимни ўчирилишига олиб келади.

   Тизимни қайта фаоллаштириш учун 1, 2 ёки 3 тугмаларини босинг. Гидравлик узатмали қабул камерасини узунасига оғиши автоматик тарзда дастлаб танланган ҳолатга силжийди.

ҚАЙД: Қабул камераси кўтарилиб, ўроқ ишлаб турганида қабул камерасининг узунасига оғиши автоматик тарзда олдинга силжийди. Бу қабул камераси хавфсизлик тиргаги ёқилишига имкон беради. Тушираётганда қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиши автоматик равишда сўнгги ҳолатига қайтади.

Ўроқ узилганида, қабул камерасини кўтараётганда олдинга/орқага эгилиши автоматик тарзда олдинга ҳаракатланади. Тушираётганда қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиши сўнгги ҳолатига қайтмайди.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

6. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000471-UZ-26FEB21

Паррак ҳолатини тиклаш

Паррак ҳолатини тиклаш парракни ременлар, шнек, ўроқ, пол ва ҳоказоларга нисбатан ҳолатни танлаш ва ушбу ҳолатга автоматик равишда қайтиш имкони беради.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

- Бир далада тик ўсувчи экинларнинг баландлиги турлича бўлганида.
- Йиқилган экинларни йиғишга кўмаклашишда.
- Ўрим якунида ўроқни тозалашда.

Ўсимлик массасини оптималлаштириш учун танланг:

- **Тик ўсувчи экинлар (Фаол баландлик датчикли)** — Парракни ўроқни остига шундай жойлаштирингки, у бошоқларга салгина тегиб турсин. Бу ҳосилни платформага тушишига ёрдам беради.

  Майда донли экинлар билан ишлашда парракни шнекдан бир оз олдинроқ жойлаштиринг, ҳосил шнекка тушсин. Паррак тишларини тўғри пастга ёки бир оз олдинга қаратиб жойлаштиринг. Агар ҳосил паррак билан бирга айланса, демак паррак ўта паст жойлашган. Агар паррак ҳосилни уриб, ўришдан олдин орқага-олдинга сакрашини кўрсангиз, паррак тезлигини камайтиринг. Парракнинг ўта юқори тезлиги ўроқдан айрилишга олиб келади.
- **Ётиқ экинлар (Фаол сузгич режимида)**— паррак ҳосилни уйиб йиғиши учун парракни ўроқ олдида жойлаштиринг. Ҳосилни кўтариб олишга ёрдам бериш учун паррак тишларини орқада жойлаштиринг. Агар сиздаги платформа тури учун кўтаргичлар мавжуд бўлса, улардан фойдаланиш имконини кўриб чиқинг.
- **Қайрилиш йўлаклари (Баландликни фаол тиклаш билан)** —Парракни имкон қадар тиғга яқинроқ жойлаштиринг. Бу дала четидаги қайрилишларда ҳосилни платформадан тўкилишини олдини олади.

Тизим қуйидаги ҳолларда ёқилади:



H116361—UN—19DEC16

Барабан ҳолатини тиклаш

ҚАЙД: Паррак ҳолатини тиклаш белгиси бурчак устуни дисплейида пайдо бўлади.

- Машинага тўғри жиҳозланган ўроқ (паррак ҳолати датчиклари билан) уланганида ва ва созланганида.
- Мотор ишламоқда.
- Қабул камераси ишга туширилганида.
- Йўлда ташиш режими переключатели Дала ҳолатида бўлганида.

Ўзгартириш тартиби:



H116962—UN—19DEC16

Автоматик бошқарув

1. Ўроқ иловасинининг бош экранида Авто бошқаришни танланг.



H116165—UN—19DEC16

ON/OFF

2. Паррак ҳолатини тиклашни ёқиш/ўчириш учун танланг.

ҚАЙД: Машинанинг конфигурацияси ва кўп функцияли дастакдаги созланувчи переключатель ва тугмаларнинг созламаларига боғлиқ кўплаб комбинациялар мавжуд.



H116349—UN—19DEC16

Парракни кўтаргичи

3. Паррак кўтаргичи переключателидан фойдаланиб парракни исталган баланликка кўтаринг.



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

4. Исталган созламаларни хотирага сақлаш учун исталган фаоллаштириш тугмасини 2 сония босиб туринг.

ҚАЙД: ҳар бир фаоллаштириш тугмаси ўз хотирасига парракнинг алоҳида ҳолатини олиши мумкин. Паррак ҳолатини хотирага сақлаш учун керакли тугмани 2 сония босиб туринг.



H116361—UN—19DEC16

Барабан ҳолатини тиклаш

ҚАЙД: Паррак ҳолатини тиклаш белгиси милтиллаши киритилган қиймат хотирада сақланганини билдиради.



H116354—UN—19DEC16

Фаоллаштириш рақами

Бурчак устуни дисплейида намойиш бўлган фаоллаштириш рақами қайси тугма танланганини кўрсатади.

Кўп функцияли дастакдаги парракни қўлда кўтариш переключатели паррак ҳолатини фаолсизлантиради.

Тизимни қайта фаоллаштириш учун 1, 2 ёки 3 тугмаларини босинг. Паррак автоматик тарзда аввал белгиланган баландликка қайтади.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

5. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000472-UZ-26FEB21

Дека плитаси ҳолатини тиклаш

Дека плитаси ҳолатини тиклаш декалар орасидаги масофани танлаш ва ушбу ҳолатга автоматик равишда қайтиш имкони беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Дека плиталари орасидаги масофани қуйидаги ҳолларда камайтиринг:

- Сўталар дека плиталарида уқаланишида.
- Сув босиш ёки ўғитларнинг етишмовчилиги туфайли калта ўсган экинли участкалар учун.
- Агар бундай муаммо мавжуд бўлса, дон исрофини камайтириш ва ўроқ шикастланишини олдини олиш учун.

Дека плиталари оралиғини қуйидаги ҳолларда кенгайтиринг:

- Маккажўхори ўроғидан тушадиган чиқиндиларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги сабабли тозаланган маккажўхори комбайннинг орқа томонидан чиқаётган бўлса.
- Маккажўхорининг пояси ва сўталари суғуриб чиқарилганда. Поялар валкалардан эркинроқ ўтмагунча дека плиталарини аста-секинлик билан очинг.
- Тозалагичга юкламани камайтириш мақсадида дондан камроқ материал ҳажми учун.
- Узатишни яхшилаш мақсадида ётиб қолган жўхориларни йиғиш ва машинага тушадиган чиқиндилар ҳажмини камайтириш учун.
- Ўрим якунида дека плиталари атрофида йиғилиб қолган ҳар қандай материалларни тозалаб ташлаш учун.

Тизим қуйидаги ҳолларда ёқилади:

- Машинага тўғри жиҳозланган ўроқ уланганда (дека плиталари датчикли) ва созланганда.
- Мотор ишламоқда.
- Қабул камераси ишга туширилганида.
- Йўлда ташиш режими переключатели Дала ҳолатида бўлганида.

Ўзгартириш тартиби:



H116962—UN—19DEC16

Автоматик бошқарув

1. Ўроқ иловасинининг бош экранида Авто бошқаришни танланг.



H116165—UN—19DEC16

ON/OFF

2. Дека плиталари ҳолатини тиклашни ёқиш/ўчиришни танланг.

ҚАЙД: Машинанинг конфигурацияси ва кўп функцияли дастакдаги созланувчи переключатель ва тугмаларнинг созламаларига боғлиқ кўплаб комбинациялар мавжуд.



H116349—UN—19DEC16

Парракни кўтариш ва олдинга/орқага юргизиш

3. Дека плиталари орасида исталган масофага эришиш учун парракни олдинга/орқага юргизиш переключателидан фойдаланинг.
   - Тугманинг чап томони масофани оширади.
   - Тугманинг ўнг томони масофани қисқартиради.

   Минимум: 0

   Максимум: 9

   Қадам: 1



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

4. Исталган созламаларни хотирага сақлаш учун исталган фаоллаштириш тугмасини 2 сония босиб туринг.



H116362—UN—19DEC16

Дека ҳолатини тиклаш

ҚАЙД: Дека плиталари ҳолатини тиклаш белгиси бурчак устуни дисплейида пайдо бўлади.



H116354—UN—19DEC16

Фаоллаштириш рақами

Бурчак устуни дисплейида намойиш бўлган фаоллаштириш рақами қайси тугма танланганини кўрсатади.

Кўп функцияли дастакдаги олдинга/орқага переключател ҳолатини қўлда ўзгартириш дека плиталарини тиклашни фаолсизлантиради.

Тизимни қайта фаоллаштириш учун 1, 2 ёки 3 фаоллаштириш тугмаларини босинг. Дека плиталари автоматик тарзда олдин танланган ҳолатга келади.

PR79369,0000473-UZ-26FEB21


Тиғ ҳолатини тиклаш

Тиғ ҳолатини тиклаш кўп функцияли дастакнинг 1, 2 ёки 3-фаоллаштириш тугмаларининг ҳар қайсиниси учун ўроқнинг сақланган ҳолатини дастурлаш имконини беради.

ҚАЙД: Тик экинлар учун стандарт ҳолат, ётиқ экинлар учун бошқа бир ҳолатни созлаш мумкин. Бу йўналишни орқа ва олдинга тез ўзгартириш имконини беради. Тиғ ҳолатини тиклаш фақат сурилиб чиқариладиган платформали Европа ўроқларида ишлайди.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:


- Баланд бўйли экинларнинг йиғим-терим олдидан нобудгарчилигини камайтириш учун. Тиғни узайтиришда.
- Калта бўйли экинларни узатилишини яхшилашда. Тиғни тортишда.



H127897—UN—31OCT19

Стол жуда қисқа


- Экин шнекка тушиб кетса, узатишни яхшиланг. Стол жуда қисқа. Столни узайтиринг.



H127898—UN—31OCT19

Стол жуда узун

- Экин шнекнинг олдига жуда узоқ тушиб кетса ва тўпланишни бошласа, узатишни яхшиланг. Стол жуда узун. Столни тортинг.



H127896—UN—31OCT19

Столнинг оптимал ҳолати

- Экин узатишни оптималланг. Экин шнек айланиши орасига тушади. Стол оптимал ҳолатда.

Ўзгартириш тартиби:



H116962—UN—19DEC16

Автоматик бошқарув

1. Ўроқ иловасинининг бош экранида Авто бошқаришни танланг.



H116165—UN—19DEC16

ON/OFF

2. Тиғ ҳолатини тиклашни ёқиш/ўчириш учун танланг.




H116168—UN—19DEC16

Сигнал белгиси

ҚАЙД: Ушбу автоматлашган опцияни ёқилишига тўсқинлик қиладиган бирор-бир муаммо мавжуд бўлса, Ёқиш/Ўчириш тумблери умумий огоҳлантириш тугмасига алмаштирилади. Ушбу тугмани танлашда носозликларни бартараф этишга ёрдам берадиган маълумот ойнаси намойиш бўлади.

ҚАЙД: Машинанинг конфигурацияси ва кўп функцияли дастакдаги созланувчи переключатель ва тугмаларнинг созламаларига боғлиқ кўплаб комбинациялар мавжуд.



H114081—UN—19DEC16

Тиғ ҳолати

3. Тиғ ҳолати саҳифасини очиш учун дисплейда Тиғ ҳолатини танланг.



H116150—UN—20DEC16

Ростлаш

4. Ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-)ни танлаб, ҳолатни исталгандек ўзгартиринг.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

5. Ёпиш учун танланг.



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

6. Исталган созламаларни хотирага сақлаш учун исталган фаоллаштириш тугмасини 2 сония босиб туринг.



H116354—UN—19DEC16

Фаоллаштириш рақами

Бурчак устуни дисплейида намойиш бўлган фаоллаштириш рақами қайси тугма танланганини кўрсатади.

Муқобил ўзгартириш жараёни:

ҚАЙД: Комбайнда экинларнинг бўйи ва похолнинг исталган баландлигини тирсакқўйгич дисплейига чиқариш имкони мавжуд. Ушбу маълумотлар йиғилган ҳосилнинг ҳажми кўрсаткичи билан биргаликда комбайнга ишни оптималлаштириш учун ўроқни олдиндан созлаш имконини беради.

ҚАЙД: Созлаш устасини ушбу ҳавола орқали ёки Маълумотлар ва созламалар бўлимидан ишга тушириш мумкин.



H116151—UN—19DEC16

Тиғни созлаш устаси

1. Тиғни созлаш устасини ишга тушириш учун танланг.



H116152—UN—19DEC16

Киритиш катаги

2. Рақамли клавиатурани очишни танланг ва экинларнинг исталган баландлигини киритинг.



H116152—UN—19DEC16

Киритиш катаги

3. Рақамли клавиатурани очишни танланг ва похолни исталган баландлигини киритинг.



H116154—UN—19DEC16

Сақлаш

- Ҳаволани ёпиш ва ҳолат созламаларини янгилашни танланг.



H116153—UN—19DEC16

Бекор қилиш

- Ҳаволани ҳолат созламаларини янгиламасдан ёпишни танланг.



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

4. Исталган созламаларни хотирага сақлаш учун исталган фаоллаштириш тугмасини 2 сония босиб туринг.



H116354—UN—19DEC16

Фаоллаштириш рақами

Бурчак устуни дисплейида намойиш бўлган фаоллаштириш рақами қайси тугма танланганини кўрсатади.

PR79369,00004B1-UZ-08MAR21

Парракнинг автоматик тезлиги

Парракнинг автоматик тезлиги ёки кўп функцияли дастакдаги ўроқни фаоллаштириш тугмаларига сақланган паррак тезлиги ёки камарнинг тортиб олиш тезлигини дастурлашга имкон беради. Тик экинлар учун стандарт паррак тезлигини ётиқ экинлар учун бошқа бир ҳолатни созлаш мумкин. Бу йўналишни орқа ва олдинга тез ўзгартириш имконини беради.

ҚАЙД: Парракнинг автоматик тезлиги созламалари ўроқни автоматлаштириш фаол бўлганида автоматик тарзда хотирага олинади.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Йиқилган экинларни йиғишда. Минимал тезлик шароитларга ва операторга боғлиқ.
- Экинлар парракда “янчилади”. Парракнинг автоматик тезлигини пасайтириб, паррак айланиши тезлигини камайтиринг.
- Паррак ўримни итариб чиқаради. Парракнинг автоматик тезлигини кўтариб, паррак тезлигини оширинг.

Тизим қуйидаги ҳолларда ёқилади:

- Машинага тегишли равишда жиҳозланган ўроқ уланганда.
- Мотор ишламоқда.
- Йўлда ташиш режими калити Дала ҳолатида бўлганида.
- Парракнинг автоматик тезлиги ЁҚИШ.
- Ўроқ ва сепаратор ишга туширилганда.
- Юриш тезлиги .25 км/с (.16 мил/с)дан каттароқ.

Ўзгартириш тартиби:



H116962—UN—19DEC16

Автоматик бошқарув

1. Ўроқ иловасининг бош экранида Авто бошқаришни танланг.



H116165—UN—19DEC16

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

2. Парракнинг автоматик тезлигини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ учун танланг.



H116168—UN—19DEC16

Сигнал белгиси

ҚАЙД: Ушбу автоматлашган опцияни ёқилишига тўсқинлик қиладиган бирор-бир муаммо мавжуд бўлса, Ёқиш/Ўчириш тумблери умумий огоҳлантириш тугмасига алмаштирилади. Ушбу тугмани танлашда носозликларни бартараф этишга ёрдам берадиган маълумот ойнаси кўринади.

ҚАЙД: Машинанинг конфигурацияси ва кўп функцияли дастакдаги созланувчи переключатель ва тугмаларнинг созламаларига боғлиқ кўплаб комбинациялар мавжуд.



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

3. Исталган фаоллаштириш тугмасини босинг.

ҚАЙД: Парракнинг автоматик тезлиги охирги маълум созламага қайтади.



H116360—UN—19DEC16

Парракнинг автоматик тезлиги

ҚАЙД: Парракнинг автоматик тезлиги белгиси бурчак устуни дисплейида пайдо бўлади.



H116352—UN—20DEC16

Паррак тезлиги мурвати

4. Паррак тезлиги мурвати ёрдамида тезликни ўзгартиринг.
   - Тезликни ошириш учун ростлаш мурватини соат мили йўналишида буранг.
   - Тезликни пасайтириш/камайтириш учун ростлаш мурватини соат милига қарши йўналишда буранг.

     Минимум: 0

     Максимум: 50

     Қадам: 1

ҚАЙД: Тик ўсувчи экинлар учун таклиф этиладиган нисбат — 4. Ётиқ экинлар учун таклиф этиладиган нисбат — 11.



H118305—UN—19DEC16

Рақамли дисплей

Бурчак дисплейидаги рақамли дисплей тезликнинг жорий нисбати созламасини кўрсатади.



H116352—UN—20DEC16

Паррак тезлиги мурвати

ҚАЙД: Паррак тезлигини ростлаш мурвати ёрдамида тезликни ўзгартириш дастлаб танланган созламани ўзгартиради. Дастлаб танланган созламага қайтиш учун дастурланган фаоллаштириш тугмасини босинг.

ҚАЙД: Танланган нисбат рақами қанчалик катта бўлса, паррак машинанинг юриш тезлигига нисбатан шунчалик тезроқ ишлайди.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

5. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000474-UZ-26FEB21

Поя кўтаргич камарининг автоматик тезлиги

Поя кўтаргич камарнинг автоматик тезлиги ёки кўп функцияли дастакдаги ўроқни фаоллаштириш тугмаларига сақланган ён камар тезлигини дастурлашга имкон беради. Тик экинлар учун стандарт ён камар тезлигини ётиқ экинлар учун бошқа бир ҳолатни созлаш мумкин. Бу йўналишни орқа ва олдинга тез ўзгартириш имконини беради. Поя кўтаргич камарининг тезлиги машинанинг юриш тезлигига пропорционал.

ҚАЙД: Поя кўтаргич камарининг автоматик тезлиги фақат поя кўтаргич платформаларида ишлатилади. Камарли йиғиштириш платформалари учун камар тезлигини тиклаш танловлари ҳақида кўпроқ маълумотлар учун Парракнинг автоматик тезлиги мавзусига қаранг.

Поя кўтаргич камарининг автоматик тезлиги созламалари Ўроқни автоматлаштириш фаол бўлганида автоматик тарзда хотирага олинади.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Узатиш самарадорлиги паст.
- Камар тезлигини ошириш афзал кўрилади.

Тизим қуйидаги ҳолларда ёқилади:

- Машинага тегишли равишда жиҳозланган ўроқ уланганда.
- Мотор ишламоқда.
- Йўлда ташиш режими калити Дала ҳолатида бўлганида.
- Поя кўтаргич камарининг автоматик тезлиги тизими ЁҚИЛГАН.
- Ўроқ ва сепаратор ишга туширилганда.
- Юриш тезлиги .25 км/с (.16 мил/с)дан каттароқ.

Ўзгартириш тартиби:



H116962—UN—19DEC16

Автоматик бошқарув

1. Ўроқ иловасининг бош экранида Авто бошқаришни танланг



H116165—UN—19DEC16

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

2. Парракнинг автоматик тезлигини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ учун танланг.



H116168—UN—19DEC16

Сигнал белгиси

ҚАЙД: Ушбу автоматлашган опцияни ёқилишига тўсқинлик қиладиган бирор-бир муаммо мавжуд бўлса, Ёқиш/Ўчириш тумблери умумий огоҳлантириш тугмасига алмаштирилади. Ушбу тугмани танлашда носозликларни бартараф этишга ёрдам берадиган маълумот ойнаси кўринади.

ҚАЙД: Машинанинг конфигурацияси ва кўп функцияли дастакдаги созланувчи калит ва тугмаларнинг созламаларига боғлиқ кўплаб комбинациялар мавжуд.

3. Исталган фаоллаштириш тугмасини босинг.



H116346—UN—19DEC16

Фаоллаштириш тугмалари

ҚАЙД: Поя кўтаргич камарининг автоматик тезлиги охирги маълум созламага қайтади.



H113541—UN—19DEC16

Ўроқ иловаси

4. Ўроқ иловасига киринг.



H131361—UN—02SEP20

Камар тезлиги

5. Ўроқнинг асосий саҳифасидан Камар тезлиги белгисини танланг. Поя кўтаргич камари тезлиги очилади.



H116148—UN—20DEC16

Ростлаш

6. Дисплейдаги тезкор тугмалар ёрдамида тезликни ўзгартиринг.
   - Тезликни ошириш учун плюс (+) тезкор тугмасини босинг.
   - Тезликни пасайтириш/тушириш учун минус (–) тезкор тугмасини босинг.

   Минимум: 0

   Максимум: 10

   Қадам: 1



H116149—UN—19DEC16

Киритиш катаги

Дисплейдаги киритиш катаги тезликнинг жорий нисбати созламасини кўрсатади.

ҚАЙД: Тезкор тугмалар ёрдамида тезликни ўзгартириш дастлаб танланган созламани ўзгартиради. Дастлаб танланган созламага қайтиш учун дастурланган фаоллаштириш тугмасини босинг.

ҚАЙД: Танланган нисбат рақами қанчалик катта бўлса, камар машинанинг юриш тезлигига нисбатан шунчалик тезроқ ишлайди.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

7. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000475-UZ-26FEB21

HydraFlex™ босими

HydraFlex™ Босим платформани ерга мослашишини оптималлаштиришга ёрдам беради ва ўриш аппаратининг тупроққа босимини ўриш баландлигига таъсир қилмасдан ўзгартириш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Баландликни ўлчаш дастаклари ёрдамида ерга тегмаган ўришда. Ўроқни мустаҳкам қотириш учун HydraFlex™ босимни кўпайтириш мумкин.
- Агар ўриш аппарати силжиган бўлса, босимни оширинг.
- Агар ўриш аппарати тепадан ўтса ёки ўрилмаган экинларни қолдирса, босимни камайтиринг.

Ўзгартириш тартиби:



H114076—UN—19DEC16

HydraFlex™ босими

1. HydraFlex™ босими саҳифасини очиш учун экранда HydraFlex™ босимини танланг.

HydraFlex – Deere & Company савдо белгиси



H116142—UN—20DEC16

Ростлаш

2. Босимни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-) ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.
   - Минимум: 0
   - Максимум: 20 684 Кпа (207 бар) (3000 фунт/кв. дюйм)
   - Қадам: 345 кПа (4 бар) (50 фунт/кв. дюйм)
   - Стандарт бўйича эмас



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

Тавсия қилинган созлаш параметрлар (600FD ва 700FD):

- 6894 кПа (69 бар) (1000 фунт/кв.дюйм) қаттиқ ер шароитлари учун.
- 8963 кПа (90 бар) (1300 фунт/кв.дюйм) нормал ер шароитлари учун.
- 11 031 кПа (110 бар) (1600 фунт/кв.дюйм) юмшоқ ер шароитлари учун.

Тавсия этилган параметрлар (600F):

- 7584 кПа (76 бар) (1100 фунт/кв.дюйм) қаттиқ ер шароитлари учун.
- 8963 кПа (90 бар) (1300 фунт/кв.дюйм) нормал ер шароитлари учун.
- 11 721 кПа (117 бар) (1700 фунт/кв.дюйм) юмшоқ ер шароитлари учун.

Муқобил ўзгартириш жараёни:



H116143—UN—19DEC16

Киритиш майдони

1. Навигация панели ва тирсакқўйгични созлаш мурватини ишга туширишни танланг.



H115035—UN—14MAR16

Навигация панелининг созлаш мурвати



H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

2. Зарур созламани танлаш учун навигация панели ёки тирсакқўйгични созлаш мурватидан фойдаланинг.
   - Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
   - Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

PR79369,0000476-UZ-26FEB21

Поя кўтаргич камари тезлиги

Поя кўтаргич ремени тезлиги ён поя қўтаргичлар ременларининг тезлигини бошқаради. Ремень тезлигини экинни асосий хусусиятларига кўра ўрнатинг ва материал ён поя кўтаргичларга бир текис тақсимланиши учун созланг.

ҚАЙД: Қоидага кўра, ишни ременнинг максимал тезлигида бошлаш, поя узатишда бирор-бир муаммо юзага келса, тезликни пасайтириш маъқул.

Ремень тезлигини қуйидаги ҳолларда оширинг:

- Ён ременларга ҳаддан ортиқ юклама тушса.
- Марказий ремень томонларига ҳаддан ортиқ материал юкланса.
- Узатиш парраги ва/ёки қабул камераси ўта ифлосланган бўлса.
- Ўрим платформа остига ён поя узаткичларда узатилса.
- Ременларда ўта катта ҳажмда материал йиғилиб, пичоқни тўхташига ва қирқилмаган экинларни қолиб кетишига сабаб бўлса.

Ремень тезлигини қуйидаги ҳолларда камайтиринг:

- Донли экинлар поя узаткич ременига тескари томондан узатилса.
- Узун яшил поя/сомонни янчишда исрофни камайтиришни истасангиз.

Ўзгартириш тартиби:



H114075—UN—19DEC16

Поя кўтаргич ремени тезлиги

1. Поя узатгич ремени тезлиги саҳифасини очиш учун экранда Поя узатгич ремени тезлигини танланг.



H116145—UN—19DEC16

Стандарт

2. Исталган ремень режимини танлаш учун алмаштириш тугмасидан фойдаланинг.



H116144—UN—19DEC16

Пасайтирилган тезлик

ҚАЙД: Ҳосил платформани тўлиқ кенглигида йиғилмаса, пасайтирилган тезликдан фойдаланинг.

ҚАЙД: Пасайтирилган тезлик режимида ленталар стандарт ҳолда завод созламаларигача секинлашади ва поя узатгич ремени тезлиги белгиси остида тошбақа белгиси милтиллай бошлайди.

ҚАЙД: Ремень тезлигини ошириш пасайтирилган тезлик режимини бекор қилади.



H116146—UN—20DEC16

Ростлаш

3. Тезликни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-) ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.

   Минимум: 0

   Максимум: 240 айл/дақ

   Қадам: 10 rpm

   Стандарт бўйича эмас



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

4. Ёпиш учун танланг.

Тавсия қилинган созлаш параметрлари

160—220 н/дақ

Қаттиқ тупроқ шароитларида одатда ременни каттароқ тезлиги талаб қилинади.

Муқобил ўзгартириш жараёни:



H116147—UN—19DEC16

Киритиш майдони

1. Навигация панели ва тирсакқўйгични созлаш мурватини ишга туширишни танланг.



H115035—UN—14MAR16

Навигация панелининг созлаш мурвати



H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

2. Зарур созламани танлаш учун навигация панели ёки тирсакқўйгични созлаш мурватидан фойдаланинг.
   - Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
   - Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

PR79369,0000477-UZ-26FEB21

Поя кўтаргичларнинг чайқалиш ҳолати

Поя узатгичларнинг чайқалиш ҳолати ғилдиракли копир ва марказий бўлим учун цилиндрлардаги босимни бошқаради.

ҚАЙД: Рақам қанча катта бўлса, ўроқ шунча енгил бўлади, у ғилдиракли копир/марказий бўлимнинг чайқалиш ҳолатда сақлаб туриш учун мой босимини оширади. Рақам қанча паст бўлса, ўроқ шунча оғирроқ, чайқалиш тизимидаги босим эса камроқ бўлади.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Фақат ердан ташқари ўриш учун:

- Тупроққа тегиб қолиш исталмаган ҳолатларини камайтирмоқчи бўлсангиз. Чайқалиш созламаларини кўпайтиринг.
- Тўлқинсимон ўришни камайтирмоқчи бўлсангиз. Чайқалиш созламаларини камайтиринг.
- Ўроқ ернинг ҳолати ўзгаришига жавобан секин ҳаракат қилса. Чайқалиш созламаларини камайтиринг.

Йиқилган экинлар:

- Ўроқ ўримдан олдин материални итариб чиқаради, бундай ҳолат баъзан юмшоқ ерларда учрайди. Чайқалиш созламаларини кўпайтиринг.
- Ўроқ ўриш аппарати ортида ўрилмаган экинларни ташлаб кетади, бундай ҳолат баъзан қаттиқ ерларда юз беради. Чайқалиш созламаларини камайтиринг.

Ўзгартириш тартиби:



H116130—UN—19DEC16

Поя узатгичларнинг чайқалиш ҳолати

1. Поя узатгичлар чайқалиши ҳолати саҳифасини очиш учун дисплейда Поя узатгичлар чайқалиш ҳолатини танланг.



H116148—UN—20DEC16

Ростлаш

2. Ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-)ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.

   Минимум: 1

   Максимум: 10

   Стандарт 5

   Қадам: 1



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш жараёни:



H116149—UN—19DEC16

Киритиш майдони

1. Навигация панели ва тирсакқўйгични созлаш мурватини ишга туширишни танланг.



H115035—UN—14MAR16

Навигация панелининг созлаш мурвати



H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

2. Зарур созламани танлаш учун навигация панели ёки тирсакқўйгични созлаш мурватидан фойдаланинг.
   - Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
   - Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

PR79369,0000478-UZ-26FEB21



H114077—UN—19DEC16

Тиғнинг оғиши

1. Тиғнинг оғиши саҳифасини очиш учун экранда Тиғнинг оғишини танланг.



H116155—UN—20DEC16

Ростлаш

2. Тиғни оғиши учун тепа ёки паст томонни танланг.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000479-UZ-26FEB21

Тиғнинг оғиши

Тиғнинг оғиши йиғим имкониятларини оптималлаштириш учун тиғни платформанинг қолган қисмига нисбатан оғиш даражасини бошқаради.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

Тиғни олд томон оғдириш:

- Йиқилган экинларни йиғишга кўмаклашишда.
- Ҳосилни ерга яқинроқ ўришда.

Тиғнинг орқа томон оғдириш:

- Тош, лой ва бошқа бегона жисмларни йиғилишини олдини олишда. Ерга яқин ўриш пайтида ўроқни текислаб олишда.
- Ўрилган экин тиғга ёпишиши ёки тиғда бошоқлар исроф бўлишини олдини олишда.

Ўзгартириш тартиби:

Дека плиталари оралиғи

Дека плиталари оралиғи дека плиталари ҳосилнинг шароитларига мос равишда очилиши учун созланади.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Далалар ўзгаришида ёки бир далани ўзида шароитлар ўзгаришида.

Дека плиталари орасидаги масофани қуйидаги ҳолларда камайтиринг:

- Сўталар дека плиталарида уқаланишида.
- Ўроқ исрофи сўталарнинг асос қисмида донни уқаланиши деб идентификация қилинса.
- Маккажўхори йиғимида доннинг шикастланишида. Сўталарга буфер яратиш учун дека плиталари орасидаги масофани камайтиринг.
- Ингичка пояларни йиғилишини оптималлаштирмоқчи бўлсангиз.

Дека плиталари оралиғини қуйидаги ҳолларда кенгайтиринг:

- Маккажўхори ўроғидан ҳаддан ортиқ чиқиндилар тушиши натижасида тозаланган маккажўхори комбайннинг орқа қисмидан чиқишида.
- Маккажўхори ўроғи жўхори поя ва сўталарни ўзига тортиб олишида. Поялар валкалардан эркинроқ ўтмагунча дека плиталарини аста-секинлик билан очинг.
- Поялар донни суриб чиқараётгандек бўлганида.
- Йўғон пояларни йиғилишини оптималлаштирмоқчи бўлсангиз.

Ўзгартириш тартиби:



H116349—UN—19DEC16

Дека плиталари оралиғи переключатели

- Оралиқни кенгайтириш учун переключателни чап томонини босинг.
- Оралиқни торайтириш учун переключателни ўнг томонини босинг.



H116362—UN—19DEC16

Дека плиталари оралиғи

ҚАЙД: Кўп функцияли дастакдаги переключателнинг ўнг ёки чап томонини босиш бурчак устуни дисплейидаги Дека плиталари оралиғи белгисини фаоллаштиради.

Минимум: 0

Максимум: 9

Қадам: 1

ҚАЙД: Электр декали ўроқда плиталар оралиғини созланишини таъминлаш учун оператор Кенгайтирилган созламаларга ўтиб, "Ташқи дека плитасини бекор қилиш"ни танлаши лозим.

Ушбу опция ёқилганидан кейин оператор Дека плиталари оралиғи иловасининг белгисини босиб, шартли равишда фойдаланиш мумкин бўлган созламаларни чиқариши мумкин.

PR79369,000047A-UZ-26FEB21

Орқага юриш шестерня ўқининг тезлиги

Орқага юриш шестерня ўқи тезлигини созлаш юриш тезлигига ва машина йиғиб олаётган материалнинг ҳажмига мувофиқ ўроқни узатилиши тезлигини оптималлаштириш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Орқага юриш шестерня ўқи тезлигини қуйидаги ҳолларда оширинг

- Пояларда хиралашиш содир бўлади.
- Поялар ердан суғуриб олинишида.

ҚАЙД: Орқага юриш шестерня ўқининг юқорироқ тезлиги ҳосил йиғишнинг юқори тезлигида ҳамда катта ҳажмда материал қабул қилинишида узатма компонентларига юкламани камайтириш учун тавсия этилади.

Орқага юриш шестерня ўқи тезлигини қуйидаги ҳолларда камайтиринг:

- Поялар узилиб, сепараторга тушишида.
- Сўталар дека плитасига жуда тез тушиши сабабли уқаланади.

ҚАЙД: Кам ҳажмли материалларни йиғишда орқага юриш шестерня ўқи тезлигини камайтириш сўталарни ишқаланиши ва ўроқда эркин донни ҳосил бўлишини камайтириши мумкин.

Ўзгартириш тартиби:



H116349—UN—19DEC16

Орқага юриш шестерня ўқи тезлигининг переключатели

- Юқорироқ узатмани танлаш ёки орқага юриш шестерня ўқи тезлигини ошириш учун переключателни юқори қисмини босинг.
- Пастроқ узатмани танлаш ёки орқага юриш шестерня ўқи тезлигини камайтириш учун переключателни пастки қисмини босинг.



H118498—UN—19DEC16

Рақамли дисплей

ҚАЙД: Кўп функцияли дастакдаги переключателни чап ёки ўнг томонини босиш бурчак устун дисплейида рақамли дисплейни фаоллаштиради.

ҚАЙД: Фақат CommandTouch™ кўп тезликли қабул камераси узатмаси учун.

Қабул камераси қуйи вали	
Белгиланган тезлик (агар жиҳозланган бўлса)	490 rpm
Оғир иш шароитларига созланадиган тезлик (жиҳозланган бўлса)	490-750 айл/дақ
Айланиш моменти юқори созланувчи тезлик (агар жиҳозланган бўлса)	490-750 айл/дақ
Кўп тезликли (агар жиҳозланган бўлса)	**1-узатма:** 490 айл/дақ **2-узатма:** 550 айл/дақ **3-узатма:** 600 айл/дақ **4-узатма:** 670 айл/дақ **5-узатма:** 750 айл/дақ

PR79369,000047B-UZ-26FEB21

Тиғ ҳолати


Тиғ ҳолати тиғ ҳолатини бошқариш имконини беради.

ҚАЙД: Фақат сурилиб чиқариладиган платформали Европа ўроқларида ишлайди.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

- Баланд бўйли экинларнинг йиғим-терим олдидан нобудгарчилигини камайтириш учун. Тиғни узайтиришда.
- Калта бўйли экинларни узатилишини яхшилашда. Тиғни тортишда.

Ўзгартириш тартиби:



H114081—UN—19DEC16

Тиғ ҳолати

1. Тиғ ҳолати саҳифасини очиш учун экранда Тиғ ҳолатини танланг.



H116150—UN—20DEC16

Ростлаш

2. Ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-)ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш жараёни:

ҚАЙД: Комбайнда экинларнинг бўйи ва похолнинг исталган баландлигини тирсакқўйгич дисплейига чиқариш имкони мавжуд. Ушбу маълумотлар йиғилган ҳосилнинг ҳажми кўрсаткичи билан биргаликда комбайнга ишни оптималлаштириш учун ўроқни олдиндан созлаш имконини беради.

ҚАЙД: Созлаш устасини ушбу ҳавола орқали ёки Маълумотлар ва созламалар бўлимидан ишга тушириш мумкин.



H116151—UN—19DEC16

Тиғни созлаш устаси

1. Созлаш устасини ишга туширишни танланг.



H116152—UN—19DEC16

Киритиш катаги

2. Рақамли клавиатурани очишни танланг ва экинларнинг исталган баландлигини киритинг.



H116152—UN—19DEC16

Киритиш катаги

3. Рақамли клавиатурани очишни танланг ва похолни исталган баландлигини киритинг.

CommandTouch —Deere & Company компаниясининг савдо белгиси



H116154—UN—19DEC16

Сақлаш

- Ҳаволани ёпиш ва янгиланган ҳолат созламаларини сақлашни танланг.



H116153—UN—19DEC16

Бекор қилиш

- Ҳаволани ҳолат созламаларини янгиламасдан ёпишни танланг.

PR79369,00004B2-UZ-08MAR21

Ўроқ сиқувчи кучи

Ўроқ сиқувчи кучи саҳифаси ўроқ сиқувчи кучи учун дастлабки созламаларни танлаш имконини беради. Ўроқ сиқувчи кучи фақат Баландлик датчиги режимида ишлаётганда ўзгартирилиши мумкин. Ердаги ўроқ сиқувчи кучи оғирроқ ўроқ сиқувчи кучи созламалари ёрдамида ортади.

ҚАЙД: Ўроқ сиқувчи кучи дастлабки созламалари нусхаловчи ғилдиракларнинг ҳолати ва автоматик ўроқ баландлиги белгиланган қийматига қараб ерлатиб ва ерлатмасдан ўриш учун мақбуллаштирилади.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Ер релъефига мослашган орттирилган реакция зарур. Оғирроқ ўроқ сиқувчи кучи созламасини танланг. Ердаги ўроқ сиқувчи кучи оғирроқ ўроқ сиқувчи кучи созламалари ёрдамида ортади. Оғирроқ ўроқ сиқувчи кучи созламаларида тезлашган детал ейилиши юз бериши мумкин.
- Ер шароитлари юмшоқ, ўроқ материални итармоқда ёки релъефнинг кескин хусусиятига мослаб ўроқнинг реакцияси заифлаштириш зарур. Енгилроқ ўроқ сиқувчи кучи созламасини танланг. Ердаги ўроқ сиқувчи кучи енгилроқ ўроқ сиқувчи кучи созламалари ёрдамида камаяди. Енгилроқ ўроқ сиқувчи кучи созламаларида камайган релъефга мослашган реакция юзага келиши мумкин.
- Ер шароитлари ишқаланувчи (қаттиқ, қуруқ, қумлоқ ёки тошлоқ) ва деталь умрини орттириш зарур. Енгилроқ ўроқ сиқувчи кучи созламасини танланг.

Ўзгартириш тартиби:




H132842—UN—06JAN21

Сиқувчи куч

1. Ўроқ сиқувчи кучи саҳифасини очиш учун Сиқувчи куч остидаги экран соҳасини танланг.

ҚАЙД: Агар фаол носозликлар мавжуд бўлса ёки дастлабки шартларга жавоб бермаса, ўроқ сиқувчи кучлари ростланиши имконсиз. Носозликлар тозалангач ёки дастлабки шартларга жавоб бергач, экран автоматик тарзда ростламалар экранига ўтади.



H132843—UN—06JAN21

Ростлаш

2. Жорий ер шароитларига асосан умумий ўроқ сиқувчи кучини ростлаш учун дастлабки созламани танланг. Одатда стандарт енгилроқ ўроқ сиқувчи кучи созламаси бўлади. Бу созлама аксарият ер шароитлари учун ишлатилиши мумкин. Релъефга мослашган реакцияни орттириш учун ерга нисбатан ўроқ сиқувчи кучини ошириш учун Оғир ёки Жуда оғир позицияни танланг. Юмшоқ, лой ёки ишқаланувчи шароитлар учун ерга нисбатан ўроқ сиқувчи кучини камайтириш учун Енгил ёки Жуда енгил позицияни танланг.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш жараёни:



H116669—UN—30JAN17

Қўшимча ўзгартиришлар

1. Ўроқ сиқувчи кучига махсус ростламаларни

киритиш учун Қўшимча ўзгартиришлар тугмасини танланг.

mm95366,1655934163013-UZ-22JUN22

Нусхаловчи ғилдираклар


Нусхаловчи ғилдираклар сизга шарнирли поя кўтаргичдаги нусхаловчи ғилдиракларни кўтариш ёки туширишга имкон беради.

МУҲИМ: Узаткич корпусини ортиқча туширишдан сақланинг. Ҳаттоки нусхаловчи ғилдиракларни тушириб ҳам автоном мослама рамаси ва узаткич корпуси пасайишда давом этиши мумкин. Узаткич корпусининг янада пасайтирилиши поя кўтаргич таглигига зарар етишига сабаб бўлган ҳолда мослама рамасини ва марказий поя кўтаргич таглигини ер ичига юргизади.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

- Экинни ерга яқин қилиб ўринг; нусхаловчи ғилдиракларни кўтаринг.
- Экинни ердан баландроқ қилиб ўринг; нусхаловчи ғилдиракларни туширинг.

Ўзгартириш тартиби:



H127473—UN—26SEP19

Нусхаловчи ғилдираклар

1. Нусхаловчи ғилдираклар саҳифасини очиш учун Нусхаловчи ғилдираклар остидаги экран соҳасини танланг.



H116155—UN—20DEC16

Ростлаш

2. Нусхаловчи ғилдиракларни зарур ҳолатга кўтаринг ёки тушириш учун танланг.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш жараёни:

ҚАЙД: Бу метод терраса ёки тепаликлар ҳосил қилаётганда поялар керагидан кўра баландроқ бўлганида фойдали ҳисобланади. Бу турдаги релъеф хусусиятлари сиздан доимий ўриш баландлигини сақлаш учун нусхаловчи ғилдиракларни кўтариш ва тушириш орқали ўриш панели ҳолатини қўлда ростлашни талаб қилиши мумкин.

1. Баландлик датчиги режими фаол эканини текширинг.



H116348—UN—19DEC16

Ўроқни кўтариш/тушириш калити

2. Нусхаловчи ғилдиракларни кўтариш ва узаткич корпусини тушириш учун ўроқни кўтариш/тушириш калитининг остки қисмини босинг. Бу ўриш баландлигини камайтиради. Бу ўриш баландлиги фақат вақтинча ҳисобланади.
3. Ўроқни кўтариш/тушириш калитини қўйиб юборинг. Нусхаловчи ғилдираклар ва узаткич корпуси асл ҳолатига қайтади ва асл ўриш баландлиги тикланади.

mm95366,1655933545077-UZ-22JUN22

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар батафсил созламаларга ўтиш ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.

Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд пунктлар:



N118434—UN—22JAN20

Белгилаш катаги

Ўрнатилган қўшимча жиҳозлар —Ўроқда жорий ўрнатилган қўшимча жиҳозларнинг ҳар бир қисмини танланг.

ҚАЙД: Ўрнатилган опцияларни белгилаб чиқиш подвескани хатти-ҳаракатини таъминлайди.



H116165—UN—19DEC16

ЁНИҚ/ЎЧИҚ

Авариявий режим —ёқиш ва ўчириш учун калитдан фойдаланинг.



H116669—UN—30JAN17

Ўроқ осмаси сервис режими

Ўроқ осмаси сервис режими — сервис ёки техник хизмат зарур бўлганида сервис режимига кириш учун танланг.



H116669—UN—30JAN17

Қанотни теңглаштириш

Қанотни теңглаштириш— асосий ҳолатига созлаш ва қанотлар асосий ҳолатига автоматик қайтишига имкон бериш учун танланг.



H114786—UN—10JAN17

Белгилаш катакчаси

Дека плитасини устма-уст чиқиши —дека плиталари орасидаги масофани электр созлашли ўроқларда дека плиталари оралиғини созлаш имконини беради. Ёқилганидан кейин ушбу параметр Ўроқ иловасида “Дека плиталари орасидаги масофа” белгисини танлаш ва дека плиталари орасидаги масофани созлаш саҳифасига кириш имконини беради.

mm95366,1655934569599-UZ-22JUN22

Авариявий режим

Тизимда носозлик аниқланганда машинани йиғиш, ишга тушириш, юргизиш ёки транспортировка қилиш имконини беради.

Фойдаланиш мумкин бўлган авариявий режимлар:

- Узунасига оғиш
- Паррак ва қабул камераси
- Йиғилувчи жўхори ўроғи
- Қанот бошқаруви

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Машинада носозликлар пайдо бўлса, аммо машина компонентларининг ишлаши зарур бўлса, Авариявий режим белгисини қуйидагиларга ўрнатинг:

- Ҳосил йиғишни давом эттириш.
- Шосседа траспортировка қилиш. Трейлерга юклаш.
- Машинани бинога жойлаштириш.

Ўзгартириш тартиби:

ҚАЙД: Авариявий режим фақат датчик ишдан чиққанда ёки носозлик коди мавжудлигида намойиш бўлади.



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча

1. Қўшимча созламалар ва баъзи бир созламаларга кириш учун Қўшимча созламаларни танланг.



H116165—UN—19DEC16

ON/OFF

2. Авариявий режимни ЁҚИШ/ЎЧИРИШни танланг.

ДИҚҚАТ: Сиз Авариявий режим ишга туширилганда компонентларнинг ўзаро тўқнашуви учун жавобгарликни ўз зиммангизга оласиз.



H116648—UN—19DEC16

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,000047D-UZ-26FEB21

Қанотни тенглаштириш

Қанотни тенглаштириш сизга асосий ҳолатни танлаш ва қанотларга юқоридан, қуйидаг ёки ҳар иккала йўналишдан асосий ҳолатга қайтишга имкон беришни танлаш имконини беради.

Қанотни текислаш саҳифасида мавжуд элементлар:

Қанот текислиги— қатонларни ёқилган йўналишлардан қўлда асосий ҳолатга қайтариш учун босиб туринг.



H127434—UN—26SEP19

Қанот текислиги

ҚАЙД: Тугмани қўйиб юборсангиз, қанотлар ҳаракатланишдан тўхтайди.



H127435—UN—26SEP19

Текис бошланғич ҳолат



H127436—UN—26SEP19

Бироз кўтарилган бошланғич ҳолат


Асосий ҳолати— текис асосий ҳолат ва бироз кўтарилган асосий ҳолат орасида танлаш учун радио тугмаларидан бирини танланг.



N118434—UN—22JAN20

Белгилаш катакчаси

Асосий ҳолатга қайтиш— агар баландликни тиклаш фаол бўлса, қанотларни юқори, қуйи ёки ҳар иккала йўналишдан асосий ҳолатга автоматик қайтаришга имкон бериш учун танланг.



H127437—UN—26SEP19

Асосий ҳолатга қайтариш

ҚАЙД: Уйғунлашган график танланган асосий ҳолат ва автоматик асосий ҳолатга қайтишни кўрсатиш учун янгиланади.

Ўзгартириш тартиби:

Қўлда қанотни текислаш:



H116995—UN—19DEC16

Радио тугмаси



N118434—UN—22JAN20

Белгилаш катакчаси

1. Керакли асосий ҳолат ёнидаги Радио тугмасини танлаш ва керакли асосий ҳолатга қайтариш ёнидаги Белгилаш катакчасини танлаш орқали қанотни текислашни ёқинг.



H127434—UN—26SEP19

Қанот текислиги

2. Қанот текислиги тугмасини босиб туринг.

Қўлда қанотни текислаш (Қайта созланадиган тугма ёрдамида)



H116995—UN—19DEC16

Радио тугмаси



N118434—UN—22JAN20

Белгилаш катакчаси

1. Керакли асосий ҳолат ёнидаги Радио тугмасини танлаш ва керакли асосий ҳолатга қайтариш ёнидаги Белгилаш катакчасини танлаш орқали қанотни текислашни ёқинг.



H134131—UN—21JUN22

Қанот текислиги

2. Қанотни текислашни қайта созланадиган тугма ёрдамида тайинланг. (Батафсил маълумот учун Бошқарув элементларини созлаш иловасига қаранг.)

3. Ўроқ узилганида аввал тайинланган қайта созланадиган тугмани босиб туринг.

Қанотни автоматик текислаш (Текис асосий ҳолат)



H116995—UN—19DEC16

Радио тугмаси

1. Керакли асосий ҳолат ёнидаги Радио тугмасини танлаш ва керакли асосий ҳолатга қайтариш ёнидаги Белгилаш катакчасини танлаш орқали қанотни текислашни ёқинг.



N118434—UN—22JAN20

Белгилаш катакчаси



H127435—UN—26SEP19

Текис бошланғич ҳолат

2. Текис асосий ҳолатни танланг.



H116346—UN—19DEC16

Ўроқни фаоллаштириш тугмалари

3. Ўроқни тушириб, экинга киритиш учун кўп функцияли дастакнинг олд қисмидаги 2 ёки 3-ўроқни фаоллаштириш тугмасини босинг.



H116346—UN—19DEC16

Ўроқни фаоллаштириш тугмалари

4. Ўроқни кўтариш учун кўп функцияли дастакнинг олд қисмидаги ўроқни фаоллаштириш 1 тугмасини босинг. Қанотлар автоматик текисланади.

Қанотни автоматик текислаш (Бироз кўтарилган асосий ҳолат)



H116995—UN—19DEC16

Радио тугмаси



N118434—UN—22JAN20

Белгилаш катакчаси

1. Керакли асосий ҳолат ёнидаги Радио тугмасини танлаш ва керакли асосий ҳолатга қайтариш ёнидаги Белгилаш катакчасини танлаш орқали қанотни текислашни ёқинг.



H127436—UN—26SEP19

Бироз кўтарилган бошланғич ҳолат

2. Бироз кўтарилган асосий ҳолатни танланг.



H116346—UN—19DEC16

Ўроқни фаоллаштириш тугмалари

3. Ўроқни тушириб, экинга киритиш учун кўп функцияли дастакнинг олд қисмидаги 2 ёки 3-ўроқни фаоллаштириш тугмасини босинг.



H116346—UN—19DEC16

Ўроқни фаоллаштириш тугмалари

4. Ўроқни кўтариш учун кўп функцияли дастакнинг олд қисмидаги ўроқни фаоллаштириш 1 тугмасини босинг. Қанотлар автоматик бироз кўтарилган ҳолатга ростланади.

mm95366,1655754489749-UZ-28JUN22

Ўроқ сиқувчи кучи қўшимча ўзгартиришлари

Ўроқ сиқувчи кучига Қўшимча ўзгартиришлар киритиш сизга танланган дастлабки созлама диапазонида ўроқ сиқувчи кучига махсус ростламалар киритиш имконини беради. Қўшимча ўзгартиришларга ростламалар киритиш барча баландлик датчиги белгиланган қийматларига таъсир қилади (2 ёки 3-ўроқни фаоллаштириш тугмаси).


ҚАЙД: Ўроқ оғирлик ўзгаришларига нисбатан сезувчандир. Сотувдан кейин олинган ҳаво рельслари, ён пичоқлар ва экин фильтрлари каби аксессуарлар ўроқ мувозанатини ўзгартириши мумкин. Ростламалар сифатсиз унумдорликдан сақланиш учун талаб қилиниши мумкин. Ўроқ иловасининг Кенгайтирилган созламалар саҳифасидаги Ихтиёрий ускуналар созламаларини ўзгартириш орқали бошланг.

Ўроқ сиқувчи кучига қўшимча ўзгартиришлар киритиш саҳифасида мавжуд элементлар:

Тақсимланадиган сиқувчи куч

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Зарур сиқувчи куч иккала ўроқ сиқувчи кучи созламалари орасида бўлади.
- Ер релъефига мослашган орттирилган реакция зарур. Тақсимланадиган сиқувчи кучини оширинг. Юқорироқ тасқимланадиган сиқувчи куч созламаларида тезлашган детал ейилиши юз бериши мумкин.
- Ер шароитлари юмшоқ, ўроқ материали итармоқда ёки релъефнинг кескин хусусиятига мослаб ўроқнинг реакцияси заифлаштириш зарур. Тақсимланадиган сиқувчи кучини камайтиринг. Қуйироқ тақсимланадиган сиқувчи куч созламаларида камайган релъефга мослашган реакция юзага келиши мумкин.
- Ер шароитлари ишқаланувчи (қаттиқ, қуруқ, қумлоқ ёки тошлоқ) ва деталь умрини орттириш зарур. Тақсимланадиган сиқувчи кучини камайтиринг.
- Қўшимча ўзгартиришлар созламалари релъефни кузатишга оид муаммоларга олиб келди. Аслий қайтариш тугмасини босиб, стандарт созламаларга қайтинг. Стандарт созламалар орқали заруратга қараб кейинги ростламаларни бажаринг.



H127389—UN—26SEP19

Тақсимланадиган сиқувчи куч


Тақсимланадиган сиқувчи куч— бутун ўроқни айлантируви сиқувчи кучни ростлайди.



H127429—UN—26SEP19

Ўчириб-ёқиш

Аслига қайтариш — жорий фаол дастлабки созламани завод стандарт қийматига қайтариш учун босинг.



H127431—UN—26SEP19

Слайдер ўлчагич

Слайдер ўлчагич— жорий сиқувчи куч қийматини билдиради. Қийматлар танланган дастлабки созлама диапазонигача чекланади.



H127432—UN—26SEP19

Ростлаш

Ростлама— сиқувчи кучни ошириш учун плюсни (+) ёки камайтириш учун минусни (-) босинг.

Қанот сиқувчи кучи

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:


- Ўроқ қанотларнинг учига яқин баландроқ пояни ташлаб кетмоқда ёки ўроқ ўроқнинг марказига яқин материали итармоқда. Қанот сиқувчи кучини оширинг.
- Ўроқ марказига яқин баландроқ пояни ташлаб кетмоқда ёки ўроқ қанот учига яқин материали итармоқда. Қанот сиқувчи кучини камайтиринг.



H127388—UN—26SEP19

Қанот сиқувчи кучи


Қанот сиқувчи кучи— ўроқнинг ажратилган ёки бошқа томонидаги сиқувчи кучни ростлайди.



H127430—UN—26SEP19

Слайдер ўлчагич

Слайдер ўлчагич— ўроқнинг ҳар бир томони бўйича жорий сиқувчи куч қийматини билдиради.



H127433—UN—26SEP19

Ростлаш

Ростлама— ўроқнинг ҳар бир томони бўйича сиқувчи кучни ошириш учун плюсни (+) ёки камайтириш учун минусни (-) босинг.

mm95366,1655912317297-UZ-22JUN22

Донга ишлов бериш иловаси

Донга ишлов бериш ускунасини бошқариш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари иловаси



H114773—UN—10JAN17

Донга ишлов бериш

3. Донга ишлов бериш

Иловага навигация панели орқали кириш:




H114775—UN—10JAN17

Донга ишлов бериш

Дисплей остидаги навигация панелидаги Донга ишлов бериш тугмасини босинг.

N0LMWLO,0000354-UZ-16JUL20

Донга ишлов бериш иловасининг бош саҳифаси



H119900—UN—10JAN17

Донга ишлов бериш

ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Донга ишлов бериш иловаси дон сатхи, намлиги ва аниқлигини бошқариш учун ишлатилади. Кенгайтирилган созламалар дон миқдори автоматик чироғи, бункерни бўшитиш офсети ва махсус миқдор сигналини ўзгартириш учун ишлатилади.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H114778—UN—10JAN17

Намлик

Донга ишлов бериш иловасининг бош саҳифасидаги мавжуд бўлимлар:


Намлик- намлик сигнализациясини ёқиш ёки ўчириш, максимал ва минимал намлик даражаларини белгилаш ва намликни тўғрилашни созлаш.



H114779—UN—10JAN17

Ҳосилни калибрлаш

Аниқлик- донни калибрлашни бошқариш.



H115000—UN—10JAN17

Дон миқдори

Дон миқдори

Дон миқдори- дон бункерининг ҳолатини кўрсатади.



H114776—UN—10JAN17

Тўла ҳолатини белгилаш

Тўлиш даражасини белгилаш- дон бункерининг тўлиш даражасини белгилаш.



H114777—UN—10JAN17

Бўш ҳолатни белгилаш

Бўш даражасини белгилаш- дон бункерининг бўш даражасини белгилаш.




N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар– қўшимча белгилашлар ва кам ишлатиладиган созламаларга кириш.



H116266—UN—31JAN17

Дон миқдори

Ишга тушириш саҳифаси модуллари

Ушбу илова модуллари Схема менежери ёрдамида саҳифани ишга тушириш учун қўшилиши мумкин.

Мисол:

Дон миқдори - дон миқдори иловасига тўғридан-тўғри кириш имконини беради.

ҚАЙД: Сепишингиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланиш мумкин.

PR79369,00003B2-UZ-02FEB21

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар батафсил созламаларга ўтиш ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд элементлар:



H114785—UN—10JAN17

Белгилаш катакчаси

Дон миқдори автоматик чироғи — чироқ дон бункерининг 3/4 қисми тўлганда ёки дон бункери тўлиқ тўлганда автоматик тарзда ёнади.



H126193—UN—24APR19

Силжиш


Дон бункерини бўшатиш офсети — агар дон бункери охиригача бўшамаётган бўлса ёки бўшатиш қурилмаси дон бункери бўшагандан кейин ҳам ишлашда давом етаётган бўлса, бункерининг бўш даражасини қайтадан белгиланг.



H113848—UN—04JAN17

Махсус миқдор сигнали

Махсус миқдор сигнали — дон бункерининг етарлича бўшагани ҳақидаги хабар экранда пайдо бўлади.



H119129—UN—10JAN17

Махсус миқдор сигналини киритиш қутиси

Махсус миқдор сигналини киритиш қутиси — махсус миқдор сигналини ўзгартириш учун киринг.

PR79369,00003B3-UZ-12MAY21

Қўшимча созламалар | Дон миқдори автоматик чироғи

Дон миқдори автоматик чироғи - чироқ дон бункерининг 3/4 қисми тўлганда ёки дон бункери тўлиқ тўлганда автоматик тарзда ёнади.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

- Дон миқдори автоматик чироғини ёқиш ёки ўчириш.
- Дон миқдори автоматик чироғи дон ташувчи операторга дон бункерининг 3/4 қисми тўлгани ёки лиқ тўлгани ҳақида сигнал беради.

Ўзгартириш тартиби:



H114785—UN—10JAN17

Белгилаш катакчаси

Дон миқдори автоматик чироғини ёқиш ёки ўчиришни танланг.

PR79369,00003B4-UZ-02FEB21

Қўшимча созламалар | Бункерни бўшатиш офсети

Дон бункерини бўшатиш офсети, агар бункер охиригача бўшамаётган бўлса ёки бункер бўшагандан кейин ҳам дон миқдори 0% ни кўрсатмаётган бўлса, сизга бункернинг бўш даражасини бошқатдан белгилаш имконини беради. Бошоқли экининг оғирлик ва намлиги дон бункери датчикларининг сезувчанлигига таъсир қилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Бункердаги дон миқдори 0%ни кўрсатганда ҳам бункерда дон қолганда.
- Бункердаги дон миқдори 0% ўқимасидан олдин бункерда дон қолмаганда.

Ўзгартириш тартиби:

- Бункердаги миқдор 0% кўрсатганда ҳам дон бункерда қолса офсет қийматини камайтиринг.
- Бункердаги миқдор 0% ўқимасидан олдин бункерда дон қолмаса офсет қийматини оширинг.



H114780—UN—10JAN17

Камайтириш

Қийматни камайтириш учун танланг.



H114781—UN—10JAN17

Ошириш

Қийматни ошириш учун танланг.

Минимум: -15 бу/сек

Максимум: 15 бу/сек

Қадам: (+/-).5 бу/сек

PR79369,00003B5-UZ-02FEB21

Қўшимча созламалар | Махсус миқдор сигнали

Махсус миқдор сигнали сизга дон бункерининг ҳолати белгиланган меъёрга етганида экранда пайдо бўладиган хабарни созлаш имконини беради.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

- Махсус миқдор сигналини ёқиш ва ўчириш.
- Дон бункери 3/4 қисми тўлиши ёки лиқ тўлишидан олдин кўрсатиладиган огоҳлантириш хабарини киритинг.
- Пастки сигнал чегарасини белгиланг.


Ўзгартириш тартиби:



H114769—UN—22OCT15

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

1. Махсус миқдор сигналини ёқиш ва ўчиришни танланг.



H119129—UN—10JAN17

Киритиш катаги

2. Рақамли клавиатурани очинг ва керакли рақамни киритинг.



H114789—UN—10JAN17

ОК

3. Қийматни сақлаш учун ОК ни танланг.

ҚАЙД: Бункер ҳолати махсус миқдор сигналига етганида хабар экранда пайдо бўлади. Хабарни экрандаги Холат марказида кўриш мумкин.

PR79369,00003B6-UZ-11MAY21

Дон миқдори

Дон бункерининг тўлиш даражаси сизга бункердаги миқдор тўғри кўрсатилмаётганда бункернинг тўлиш ва бўшлик даражасини белгилаш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Тепалик шароитида ишлаганда дон ён томонларга тўкилиб кетаётганда. Бункердаги миқдорнинг қуйи даражасини белгилаш.
- Дон бункери тўла ва сиз бункердаги миқдорни 100% деб белгилашни истайсиз. 100% ли

даражани созлаш учун "Тўла ҳолатни белгилаш" тугмасини босинг.

- Дон бункери бўш, аммо тизим уни бўшатишда давом этмоқда. Бўш даражани созлаш учун "Бўш ҳолатни белгилаш" тугмасини босинг.

Ўзгартириш тартиби:



H114776—UN—10JAN17

Тўла ҳолатини белгилаш

- Дон бункери тўла ҳолатини сақлашни танланг.



H114777—UN—10JAN17

Бўш ҳолатни белгилаш

- Дон бункери бўш ҳолатини сақлашни танланг.

ҚАЙД: Бўш ҳолатни белгилаш бункерни бўшатиш офсетини автоматик равишда тўғирлайди.

Қўшимча созламалар батафсил созламаларга ўтиш ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд пунктлар:



H116272—UN—27JAN17

Сепаратор аниқлиги

Сепаратор аниқлиги—сепаратордаги йўқотиш индикатори учун бурчакдаги устунсимон VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).



H116272—UN—27JAN17

Тозалагич аниқлиги

Бошмоқ аниқлиги– VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).



H116669—UN—30JAN17

Исроф датчигини босиб синаш

Исроф датчигини босиб синаш тести– дон исрофини назорат қиладиган турли датчиклар тўғри ишлашини ва дон исрофини аниқлашини текшириш имконини беради. Дон исрофини назорат қилувчи датчикни босиб синаш тестини очиш учун танланг.

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Дон исрофини назорат қилувчи датчикни босиб синаш тестига Калибрлаш ва тартиблар саҳифасига орқали ҳам кириш мумкин.

PR79369,00003D1-UZ-08FEB21

Қўшимча созламалар | Сепаратор аниқлиги

Сепаратор аниқлиги сепаратордаги йўқотиш индикатори учун бурчакдаги устунсимон VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).

Ўзгартиришдан олдин:



H119125—UN—27JAN17

Жорийга созланг

1. Машинада йиғимни бошланг ва ва жорийга созлаш тугмасини босинг.
2. Қувват манбасини ўчиринг, (Маълумот учун оператор қўлланмасига қаранг.
3. Сепараторда дон исроф бўлмаётганини текширинг.

ҚАЙД: Агар исроф бўлса, исроф VisionTrak™ дисплейида акс этган чизиқлар сонига мақбуллигини текширинг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- VisionTrak™ дисплейида сепаратордан дон исрофига оид мақбул миқдор акс этмайди.
- Янчиш ва ажратиш бўлимларида дон исрофига кўпроқ урғу бериш учун сепаратор аниқлигини оширинг.
- Янчиш ва ажратиш бўлимларида дон исрофига камроқ урғу бериш учун сепаратор аниқлигини туширинг.


Ўзгартириш тартиби:



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

1. Қўшимча созламалар тугмасини танланг.



H118553—UN—27JAN17

Сурилгич

ҚАЙД: Сурилгич жорий аниқликни билдиради.



H116272—UN—27JAN17

Сепаратор аниқлиги

2. Сепаратор аниқлигини ошириш учун (+) ва пасайтириш учун (-) белгисини танланг.

   Минимум: -5

   Максимум: 5

   Бирламчи: 0

   Қадам: 1



H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003D2-UZ-08FEB21

Қўшимча созламалар | Тозалагич аниқлиги

Тозалагич аниқлиги тозалагичдаги исроф индикатори учун бурчак устунидаги VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).

Ўзгартиришдан олдин:



H119125—UN—27JAN17

Жорийга созланг

1. Машинада йиғимни бошланг ва ва жорийга созлаш тугмасини босинг.
2. Қувват манбасини ўчиринг, (Маълумот учун оператор қўлланмасига қаранг.
3. Дон тозалагичда дон исроф бўлмаётганини текширинг.

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Агар исроф бўлса, исроф VisionTrak™ дисплейида акс этган чизиқлар сонига мақбуллигини текширинг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- VisionTrak™ дисплейида дон тозалагичдан дон исрофига оид мақбул миқдор акс этмайди.
- Дон тозалагич бўлимида дон исрофига кўпроқ урғу бериш учун бошмоқ аниқлигини оширинг.
- Дон тозалагич бўлимида дон исрофига камроқ урғу бериш учун бошмоқ аниқлигини туширинг.


Ўзгартириш тартиби:



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

1. Қўшимча созламалар тугмасини танланг.



H118553—UN—27JAN17

Сурилгич

ҚАЙД: Сурилгич жорий аниқликни билдиради.



H116272—UN—27JAN17

Тозалагич аниқлиги

2. Тозалагич аниқлигини ошириш учун (+) ва пасайтириш учун (-) белгисини танланг.

   Минимум: -5

   Максимум: 5

   Бирламчи: 0

   Қадам: 1



H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003D3-UZ-08FEB21

Унумдорлик режаси

Самарадорлик мўлжали агар VisionTrak™ бурчакдаги дисплейдаги панеллар тозалагичдаги исроф индикатори, сепаратор исрофи индикатори ва умумий исроф индикатори сонини машинадан чиқаётган дон йўқотилишининг даража намунасига ростланишига имкон беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Экин турини алмаштириш.
- Ҳосил йиғиш шароитлари бир-биридан фарқланади (нам ва қуруқ экин, жуда нам ва бироз нам, А вариант ва Б вариант, ёки уруғ шаклидан катта ҳажм ёки ҳосилдорлик).

ҚАЙД: Ушбу экин тури ва ҳосил йиғиш шароитлари учун охирги унумдорлик режасини ишлатаётган бўлсангиз, янги режасини ўрнатиш шарт эмас.

Ўзгартириш тартиби:

ҚАЙД: Маккажўхори ёки соя дони каби йириқроқ уруғлар одатда буғдой ёки канолага қараганда пастроқ рақамли калибрлаш қийматига эга бўлади.

ҚАЙД: Пастроқ калибрлаш қийматини танлаш дисплейда худди шу мақбул дон исрофи учун янада кўп чизиқларни акс эттиради.

Автоматик:

ҚАЙД: Машинани кераклi унумдорликда ишлатинг ва жорийга созлаш тугмасини босинг, бу ишчи хусусиятларини хотирага сақлайди ва жами йўқотиш индикаторини марказлаштиради.

ҚАЙД: Combine Advisor™ иловасида унумдорлик режасини ўрнатиш тугмасига босиш ҳам дон исрофига оид автоматик режани бажаради.



H119125—UN—27JAN17

Жорий сифатида ўрнатиш

Жорий сифатида ўрнатишни жорий йўқотиш даражасига VisionTrak™ дисплейининг баландликнинг жами йўқотилиши устунини созлаш учун танланг.

Қўлланма:



H119105—UN—27JAN17

Киритиш катаги


Рақамли клавиатурани очинг ва керакли қийматни киритинг.

Минимум: 1

Максимум: 99

Қадам: 1

ҚАЙД: Автоматик созлама тавсия этилади. Қўлда созлаш функцияси фақатгина автоматик созлама керакли натижани тақдим этмаганда ишлатилиши керак.



H117836—UN—22DEC16

Умумий исроф индикатори

ҚАЙД: Умумий исроф индикатори панелидаги график ҳозир визуал йўриқнома вазифасини бажаради. Умумий исроф ҳажмини ошириш ва тушириш учун ора-орада бурчакдаги устунсимон дисплейга қарашингиз мумкин.

Умумий исроф индикатори панелидаги график яшил соҳадан тепада ёки пастда бўлса ва исроф даражаси мақбул бўлса, дон исрофини назорат қилиш функцияси ё нотўғри созланган ёки ушбу функция охирги марта калибрлангандан бери машинадан юқори оқимдаги жисмлар мавжуд. Юқори оқимдаги жисм юқори ҳаракат тезлиги ёки юқори экин ҳосилдорлиги сабаб пайдо бўлиши мумкин.

Агар машина “тиқилиб” қолса, ўртадаги гистограмма юқорига қараб қимирлайди (15–20 сония) ва аввалги кўрсаткичга қайтади. Бундай ҳолат юз берса, уни эътиборсиз қолдиринг.

PR79369,00003D4-UZ-08FEB21

Мотор иловаси

Моторга кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи



H113552—UN—09MAR16

Мотор

3. Мотор

Иловага навигация панели орқали кириш:




H113709—UN—04JAN17

Мотор иловаси тугмаси

Дисплей остидаги навигация панелида мотор тугмасини босинг.

PR79369,00003D6-UZ-09FEB21

Моторнинг бош саҳифаси



H133251—UN—02MAR21

Мотор


ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Мотор иловаси мотор созламаларига кириш ва уларни ўзгартириш учун ишлатилади.

Моторнинг бош саҳифасида мавжуд элементлар:

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H113549—UN—04JAN17

Мотор қуввати


Мотор қуввати– мотор сарфлаётган қуввати миқдори.



H115017—UN—04JAN17

Мотор ишлаш вақти

Мотор соатлари — тўпланган мотор соатлари.



H113829—UN—04JAN17

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш


Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш– автоматлаштирилган жараён бўлиб, зарур бўлганда чиқинди газлар фильтрини тозалаб беради.



H113830—UN—04JAN17

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш– тўхтаб туриш режимида тизимга чиқинди газ фильтрини қўшимча тозалаш имконини беради.



H126195—UN—24APR19

Чиқитларни бошқариш

Чиқитларни бошқариш фильтрининг ҳажми– ишлатилган ва қолган фильтр ҳажмининг индикатори.



H118112—UN—04JAN17

Ҳаво компрессори

Ҳаво компрессори– ҳаво компрессорини ёқиш ёки ўчириш учун тугмани тортинг.

Ишга тушириш саҳифаси модуллари

Ушбу илова модуллари Схема менежери ёрдамида саҳифани ишга тушириш учун қўшилиши мумкин.

Мисол:



H115023—UN—04JAN17

Мотор қуввати

Мотор қуввати — мотор соатлари ва моторнинг чиқувчи кучини кўрсатади.

ҚАЙД: Сепишингиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланиш мумкин.

Қисқа тугмалар

Ушбу илова учун қисқа тугмалар Layout Manager ёрдамида ёрлиқлар панелига қўшилиши мумкин.



H118309—UN—04JAN17

Ҳаво компрессори

Ҳаво компрессорининг тезкор тугмаси — ҳаво компрессорини тезда ёқиш ёки ўчириш имконини беради.


PR79369,00003D5-UZ-10FEB21

Мотор қуввати

Мотор соатлари ишлатилаётган мотор қуввати ва тўпланган мотор соатларини кўриш имконини беради. Қувват ўлчагичи дисплей ва бурчакдаги устунсимон дисплейда акс этиб, жорий қувват сарфини намойиш қилиб туради.

МУҲИМ: Агар сигнал ёки ортиқча тутун пайдо бўлса, диагностика учун Жон Дир дилери ёки бошқа малакали сервис провайдерига мурожаат қилинг.

Мотор қуввати саҳифасида акс этадиган элементлар:



H113549—UN—04JAN17

Мотор қуввати

Мотор қуввати– мотор сарфлаётган қуввати миқдори.



H115017—UN—04JAN17


Мотор ишлаш вақти

Мотор соатлари— тўпланган мотор соатлари.

Изохрон мотор регулятори

Моторнинг номинал қувватидан ошиб кетмагунча, унинг унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун мотор ва унинг ҳаракатланувчи компонентлари тезлигини сақлаб туради.


Қувват ўлчагич



H113549—UN—04JAN17

Яшил соҳа

- **Яшил соҳа**– машина самарадорлигини максималлаштириш ва моторнинг мунтазам тезлигини сақлаб туриш учун моторнинг яшил соҳанинг юқори бўлагида ишлатади.




H113551—UN—04JAN17

Сариқ соҳа

- **Сариқ соҳа**— мураккаб шароитларда ишлатиладиган керакли юқори чеклов. Бу соҳада камроқ қувват қавариқлиги мавжуд.

  Бўшатиш шнекини ишлатишдан олдин сариқ соҳанинг пастроқ диапазонини созланг.



H113550—UN—04JAN17

Қизил соҳа

- **Қизил соҳа**– қувватнинг юқори даражаси бўлиб, унда қувват сақланмаслиги боис узоқ муддат ишлатиш тавсия этилмайди.

МУҲИМ: Индикатор чизиғи қизил соҳага силжиса, мотор қуввати максималлашади ва ушбу ҳолатда машина ўчиб қолиши мумкин. Индикатор яшил ва сариқ соҳаларга силжигунча агрегатга тушадиган юкни камайтиринг.

Қуйидаги шароитларда ишлаш қувват сарфи оширади:

- Тепалик ерлар
- Оғир ёки нам экин
- Ҳўл ер
- Ҳаддан ортиқ юриш тезлиги

N0LMWLO,0000371-UZ-16JUL20

Чиқинди газ фильтри тизими ҳақида

Машинангиз чиқинди газларни тозалайдиган ва фильтрлайдиган, эмиссия талабларига жавоб берадиган мотор билан жиҳозланган. Одддий ишчи режимида ва АВТО режимида ишлаганда, тизим операторнинг минимал аралашувини талаб этади.



H113829—UN—04JAN17

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш

Чиқинди газ фильтри тизимида дизель зарралари ёки қурум тўпланишининг олдини олиш учун:

- Чиқинди газ фильтрини тозалашнинг АВТО режимидан фойдаланинг.
- Кераксиз холостойда ишлашга йўл қўйманг.
- Тегишли мотор мойидан фойдаланинг.
- Таркибида олтингугурт ўта кам бўлган ёқилғи туридан фойдаланинг.

ҚАЙД: Батафсил маълумот учун оператор қўлланмасидаги "Ёқилғи ва смазкалар" бўлимига қаранг.

ДИҚҚАТ: АВТО ёки ТЎХТАБ ТУРИШ тозалаш режими ёқилган бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди гази фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди гази фильтрларини автоматик ёки қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва 45 дақиқигача юқори ҳароратда ишлайди. Шикаст етиши ёки ёнғиннинг олдини олиш учун чиқинди газ фильтри, машина қисмлари ва чиқариш мосламаларида чиқит йўқлилига ишонч ҳосил қилинг. Бутун жараён давомида газ чиқариш туйнугини одамлардан, бинолардан ва эриши, ёниши ёки портлаши мумкин бўлган ҳар қандай нарсадан узоқда тутинг.

АВТО режими– автоматлаштирилган жараён бўлиб, нормал иш давомида чиқинди газлар фильтрини тозалаб беради.

Чиқинди газ фильтрини ундаги ҳарорат кўтарилиб, хавф туғдирганда ўчиринг.



H113830—UN—04JAN17

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш– тўхтаб туриш режимида тизимга чиқинди газ фильтрини қўшимча тозалаш имконини беради.

Моторни совитиш– чиқинди газ фильтри тозалангандан кейин моторни совитиш даври.

PR79369,00003D7-UZ-09FEB21

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш



H113829—UN—04JAN17

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш

АВТО режими чиқинди газларни фильтрлаш тизимига керак бўлганда фильтрларни тозалашга имкон беради. Бурчак дисплейи индикатори ва тирсакқўйгич дисплейи операторга чиқинди газлар

фильтри тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларини кўрсатади.



H113811—UN—04JAN17

Чиқаётган газларнинг юқори ҳарорати индикатори

Чиқаётган газларнинг юқори ҳарорати индикатори бурчакдаги устунсимон дисплейда чиқариш тизимидаги ҳарорат кўтарилганда ёнади.

ДИҚҚАТ: АВТО ёки ТЎХТАБ ТУРИШ тозалаш режими ёқилган бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин. Чиқинди газ ҳароратининг кўтарилиши хавф туғдирганда чиқинди газ фильтрини тозалаш тизимини ўчиринг.

ҚАЙД: Агар тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш якунланса, тизим АВТО режимга ўрнатилади.

Чиқинди газ ҳароратининг кўтарилиши хавф туғдирганда Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш тизимини ўчиринг.

МУҲИМ: Агар чиқиш фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш якунланиши билан мотор ўчирилса, мотор қисмлари ишдан чиқиши мумкин. Сигнал чалинади ва дисплейда огоҳлантирувчи хабар пайдо бўлади. Машинани ишга туширинг ва компонентлар совиши учун дисплейдаги хабарларни бажаринг. Моторни совитиш ривожига. қаранг.

PR79369,00003D8-UZ-09FEB21

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш функцияси зарур бўлганда чиқинди газлар фильтрини тозалаш учун сиз ишга туширадиган жараёндир.

Жараён давомида моторнинг тезлиги тизим томонидан бошқарилади ва амалиётни бажариш учун машина тўхтаб туриши талаб этилади. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёни учун талаб этиладиган вақт чиқинди газ фильтрини чеклаш даражасига, атроф-муҳит ҳарорати ва чиқинди газнинг ҳозирги ҳароратига боғлиқ.

Ўзгартириш тартиби:

ДИҚҚАТ: АВТО ёки ТЎХТАБ ТУРИШ тозалаш режими ёқилган бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди гази фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди гази фильтрларини автоматик ёки қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва юқори ҳароратда ишлайди. Чиқаётган газлар ва фильтр қисмлари қизиб кетиб, одамни куйдириши, аланга чиқариши ёки оддий буюмларни эритиши мумкин.

МУҲИМ: Агар чиқиш фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш якунланиши билан мотор ўчирилса, чиқинди газларни тозалаш компонентлари ишдан чиқиши мумкин. Машинани ишга туширинг ва компонентлар совиши учун дисплейдаги хабарларни бажаринг. Моторни совитиш ривожига. қаранг.

ҚАЙД: Тўхтаб туриш режимида чиқинди газлар фильтрини тозалаш 40 дақиқадан ошиши мумкин.



H113804—UN—09MAR16

Бекор қилиш

Тўхтаб туриш режимида фильтрни тозалаш буйруғини тўхтатиш учун Бекор қилиш тугмасини босинг.



H113830—UN—04JAN17

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

1. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш тугмасини босинг.
2. Машина тўхтаб туриш режимида фильтрни тозалашга созланганини текширинг.
   - Машинани ташқарида жойлаштиринг
   - Машина ҳаракатини тўхтатинг
   - Мотор тезлигини секин холостойга қўйинг
   - Тўхтаб туриш тормозини ишга туширинг
   - Сепараторни узинг
   - Яқинлик датчигини тозаланг

- Мотордаги чиқитларни бошқариш тизимининг вазифалари



N118440—UN—09MAR16

Белгини текшириng

Шарт бажарилганда қутидаги шарт ёнида яшил белги пайдо бўлади.



H113803—UN—09MAR16

Кейинги

3. Барча шартлар бажарилгач, кейинги тугмасини танланг.

ҚАЙД: Чиқинди газ фильтри тизими чиқинди газ ҳароратини ошириш учун мотор тезлигини бошқаради.



H113801—UN—04JAN17

Ривож индикатори

Чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнини ривож индикатори кўрсатади.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

4. Тугма босилгач, дисплейдаги ҳолат марказида акс этувчи хабар пайдо бўлади.

ҚАЙД: Ёпиш тугмаси босилгач, тозалаш жараёни давом этади.



H113816—UN—04JAN17

Ҳолат маркази

Тартиб ҳолатини текшириш ва ҳолат марказини очиш учун ҳолат марказини танланг.



H118543—UN—04JAN17

Ҳолатни текшириng

Тозалаш жараёнини кўриш учун ҳолатни текшириш тугмасига босинг.



H113825—UN—04JAN17

Тозалаш жараёни якунланди

Чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёни якунланганда тизим бу ҳақда сизни огоҳлантиради.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

5. Дисплейга қайтиш учун босинг.

Агар сиз процедурадан кейин дарҳол машинани хизматга қайтармасангиз, моторни тўхтатишдан олдин унинг нормал иш ҳароратига қайтишига имкон беринг. Моторни совитиш ривожига. қаранг.

ҚАЙД: Агар тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш якунланса, тизим АВТО режимга ўрнатилади.

PR79369,00003D9-UZ-09FEB21

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш режимни ўчириш


Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалашга оид автўчирилган.

МУҲИМ: Чиқинди газ фильтрини тозалаш тизимини фақат зарур бўлганда ўчиринг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Уй ичида ёки том остида, агар юқори ҳароратли газларни ташқарига чиқариш тизими уланмаган бўлса.
- Машинани ўчиришдан олдин тозалаш циклини тугатиш учун етарли вақт бўлмаса.
- Кўп миқдордаги экин чанги ёки сомон бўлса.
- Ёқилғи қуйиш жойи яқинида.

Ўзгартириш тартиби:



H113829—UN—04JAN17

Автоматик

1. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш функциясини очиш учун танланг.



H113848—UN—04JAN17

ON/OFF

2. Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш функциясини ёқиш ёки ўчириш учун босинг.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

3. Чиқинди газ фильтрини тозалаш функциясини ёпиш учун танланг.

PR79369,00003DA-UZ-09FEB21

Мотор совитилмоқда

Моторни совитиш – бу мотор ва унинг қисмларининг совиши учун талаб этиладиган муайян вақт давридир.

МУҲИМ: Агар чиқиш фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш якунланиши билан мотор ўчирилса, чиқинди газларни тозалаш компонентлари ишдан чиқиши мумкин. Сигнал чалинади ва дисплейда огоҳлантирувчи хабар пайдо бўлади. Машинани ишга туширинг ва компонентлар совиши учун дисплейдаги хабарларни бажаринг.

Мотор совитилмоқда режимига кириш



H127479—UN—26SEP19

Моторни совитиш белгиси

1. Мотор совитилмоқда сигнали экранда пайдо бўлиб, машина ўчирилишига қадар қолган вақтни кўрсатади.



H113812—UN—04JAN17

OK


2. Мотор совитилмоқда сигналининг устида ОК тугмасини босинг.



H127477—UN—26SEP19

Ҳолат маркази

3. Мотор совитилаётганда моторни совитиш белгиси ҳолат марказида акс этади.



H127983—UN—19NOV19

Ҳолат маркази дисплейи

4. Жараённи кўриш учун ҳолат маркази дисплейида моторни совитиш белгисини босинг.



H127510—UN—26SEP19

Мотор совитилди

5. Моторни совитиш вақти ўз ниҳоясига етгач, мотор ОК белгиси экранда пайдо бўлади.

МУҲИМ: Агар мотор совитилаётганда мотор ўчиб қолса, экранда уни ёқиш зарурлигини билдирадиган сигнал пайдо бўлади.



H113812—UN—04JAN17


OK

6. Мотор совитилгани ҳақидаги хабар пайдо бўлиб, машинани ўчириш мумкинлиги ҳақида хабар беради. Хабарни ёпиш учун танланг.

PR79369,00003DB-UZ-09FEB21

Чиқитларни бошқариш фильтрининг ҳажми


Чиқитларни бошқариш фильтрининг ҳажмини кўрсатадиган индикатор.



H126195—UN—24APR19

Яшил соҳа

- **Яшил соҳа—** фильтр ҳажми етарли.



H126196—UN—24APR19

Сариқ соҳа

- **Сариқ соҳа—** фильтр ҳажми кам қолган. Яқин вақтда фильтрни ечинг ва тозаланг.

ҚАЙД: Экранда ҳар бир калит цикли давомида фильтр тозалангунга қадар қайта ишга тушадиган хабар пайдо бўлади.



H126197—UN—24APR19

Қизил соҳа

- **Қизил соҳа—** фильтрда етарли ҳажм мавжуд эмас. Ҳозироқ фильтрни ечинг ва тозаланг.

ҚАЙД: Индикатор қизил соҳага кирганда, стоп DTC сигнали ишга тушади. Мотордаги чиқитларни бошқариш фильтрини ечинг ва тозаланг.

N0LMWLO,0000377-UZ-16JUL20

Ҳаво компрессори

Ҳаво компрессори машина тозалаш учун қўшимча сиқилган ҳаво билан таъминлайди.

Ҳаво компрессори қуйидаги шартлар бажарилгандагина ишлайди:

- Мотор ишламоқда.
- Машина тўхтаб туриш режимида.
- Сепаратор ўчирилган.
- Ўроқ ўчирилган.
- Машинанинг ташқи қисмлари ҳаракатланмаяпти.

Ўзгартириш тартиби:

МУҲИМ: Ҳаво бакидаги намликни ҳар куни қуритиб туринг. Тафсилотлар учун оператор қўлланмасига қаранг.

МУҲИМ: Машина мотори ишлаб турганида ҳеч қачон ҳаво фильтрлари ёки чиқинди бошқаруви ҳаво фильтрларини тозаламанг.

ҚАЙД: Борт ҳаво компрессори машинадаги шиналарни дамлаш ёки пневматик мосламаларни ишлатиш учун тавсия этилмайди.



H113822—UN—04JAN17

Ҳолат кўрсаткичи

Ҳолат индикатори– ҳаво компрессори талабларига оид ҳолатларни акс эттиради.



H116670—UN—04JAN17

ON/OFF

Ҳаво компрессорини ёқиш ёки ўчириш учун босинг.

ҚАЙД: Ҳаво компрессори фаол бўлганда, яшил рангли ҳолат индикатори милтиллаб, сепаратор, ўроқ, бўшатиш шнеки ва пропулция тизимларининг унумдорлиги тушганини сизга эслатади.

ҚАЙД: Бирламчи шартлар бажарилмаганда, суриладиган ЁҚИШ/ЎЧИРИШ тугмаси Ҳаво компрессори ҳолати экранда пайдо бўлиб, тизимни ишга тушишдан тўсаётган носозликни бартараф этишга ёрдам беради.

PR79369,00003DC-UZ-09FEB21

Ҳаво компрессори ҳолати

Ҳаво компрессори ҳолати унга ҳаво компрессори тизимини ишга тушириш учун зарур бўлган талабларни кўрсатади.



H116670—UN—04JAN17

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

Барча талаблар бажарилмаганда ҳаво компрессори ҳолати саҳифасини очиш учун суриладиган ON/OFF тугмасини босинг.

Ҳаво компрессори ҳолати саҳифасида мавжуд элементлар:



H113824—UN—04JAN17

Кулранг

Тайёр эмас— талаблар бажарилмаган.



H113824—UN—04JAN17

Кулранг

Тайёр— талаблар бажарилган, аммо ёқилмаган.



H113822—UN—04JAN17

Яшил

Фаол— талаблар бажарилган ва тизим ёқилган.

Ҳаво компрессори талаблари

- Мотор ишламоқда.
- Машина тўхтаб туриш режимида.
- Сепаратор ўчирилган.
- Ўроқ ўчирилган.
- Машинанинг ташқи қисмлари ҳаракатланмаяпти.



H113826—UN—04JAN17

Сигнал хабари

Хабар талаб бажарилмаганда кўрсатилади.



H113825—UN—04JAN17

Белгини текширинг

Шарт бажарилганда, яшил белги пайдо бўлади.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

Ҳаво компрессори ҳолатини ёпиш учун босинг.

SS43267,00008A2-UZ-19NOV19

HVAC иловаси

HVAC тизимига кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи



H114795—UN—04JAN17

HVAC

3. HVAC

Иловага навигация панели орқали кириш:




H114794—UN—17MAR16

HVAC

Дисплей остидаги навигация панелида HVAC тугмасини босинг.

PR79369,00003DD-UZ-09FEB21

Иситиш, вентиляция ва кондиционер тизими (HVAC) бош саҳифаси



H120313—UN—04JAN17

HVAC

ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

HVAC иловаси ҳарорат, вентилятор тезлиги, кабина ичида ҳаво айланиши режими ва ташқи ҳароратни кўриш функцияларини созлаш учун ишлатилади (жиҳозланган бўлса).



H119378—UN—15SEP16

Ҳароратни ўрнатиш

HVAC бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:

Ҳарорат ўрнатиш — кабина ичидаги ҳароратни ростлайди.



H114797—UN—17MAR16

Ҳаво Оқими Режими

Ҳаво оқими режими — кабина ичида ҳаво тақсимотини ростлайди.



H114801—UN—17MAR16

Вентилятор тезлиги

Вентилятор тезлиги — кабина ичидаги вентилятор тезлигини созлаш имконини беради.



N145869—UN—26SEP19

Кондиционер

Кондиционер(A/C)– ҳавони совитиш/иситиш тизимини ёқиш ёки ўчириш имконини беради.



H119377—UN—16SEP16

Ташқарида

Ташқарида — жорий ташқи ҳароратни кўриш имконини беради.



H115024—UN—04JAN17

A/C

Ишга тушириш саҳифаси модуллари

Ушбу илова модулларини Схема менежери ёрдамида ишга тушириш саҳифаларига қўшиш мумкин.

Мисол:

A/C— сурилувчи тугмаси бевосита кондиционерни ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

ҚАЙД: Сепишингиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланиш мумкин.

Қисқа тугмалар

Бу илова учун ёрлиқлар Схема менежери ёрдамида ёрлиқ панелига қўшилиши мумкин.

Мисол:



H116265—UN—04JAN17

A/C ON/OFF

A/C ON ва OFF– кондиционерни бевосита ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

ҚАЙД: Иловада ҳар хил тезкор тугмаларни ишлатиш мумкин.

PR79369,00003DE-UZ-09FEB21

Ҳароратни ўрнатиш

Ҳароратни ўрнатиш функцияси кабина ичида керакли ҳарорат даражасини ўрнатиш имконини беради.

Ўзгартириш тартиби:



N145866—UN—26SEP19

Ҳароратни ўрнатиш

1. Кабинадаги ҳарорат созламаларини ўзгартириш учун ҳароратни ўрнатиш менюсидаги қийматни танланг.



H114792—UN—22JAN20

Камайтириш

2. Қийматни камайтириш учун танланг.



H114791—UN—22JAN20

Ошириш

3. Қийматни ошириш учун танланг.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

4. Кабина ҳароратини созлаш менюсини ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш тартиби:

CommandARM™ ҳарорат назорати — ҳароратни ўзгартириш учун тирсакқўйгичдаги ҳароратни ошириш ёки тушириш тугмаларини босинг.

PR79369,00003DF-UZ-09FEB21

Вентилятор тезлиги

Вентилятор тезлиги кабина ичидаги вентилятор тезлигини ўзгартириш имконини беради.



H114801—UN—17MAR16

Вентилятор тезлиги

Ўзгартириш тартиби:

1. Уни ўзгартириш учун Вентилятор тезлиги саҳифасидаги экран соҳасини танланг.



H114802—UN—17MAR16

Индикатор

2. Индикатор минус (–) ёки плюс (+) тугмалари босилганда, танланган вентилятор тезлиги, автоматик режим ёки ўчиш функциясига қараб ҳаракатланади.



H114998—UN—04JAN17

Камайтириш

   a. Вентилятор тезлиги ёки АВТО режим ёки Ўчиқ ҳолат танлангунча камайтириш учун танланг.



H114997—UN—04JAN17

Ошириш

   b. Вентилятор тезлигини ошириш учун танланг. Энг юқори созламага етгунча, вентилятор тезлиги ошади.

Индикатор ЎЧИРИШ ҳолатига қўйилганда вентилятор ўчирилади. Индикатор АВТО режимига қўйилганда вентилятор тезлиги автоматик бошқарилади.

ҚАЙД: АВТО режими танланганда, ҳарорат Белгиланган нуқтага етгунича, вентилятор тезлиги пасаяди.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

3. Вентилятор тезлигини созлаш менюсини ёпиш учун танланг.

ҚАЙД: АВТО режимида ҳарорат белгиланган нуқтага етиши билан вентилятор тезлиги тушади.

Муқобил ўзгартириш тартиби:

ClimaTrak™ автоматик ҳарорат назорати — вентилятор тезлигини ўзгартириш учун тирсакқўйгичдаги вентилятор тезлигини ошириш ёки тушириш тугмаларини босинг.

PR79369,00003E0-UZ-09FEB21

Ҳаво оқими режими

Ҳаво оқими режими кабина ичидаги ҳаво тақсимотини созлаш ва олд ойнадан музни эритиш имконини беради.

Ўзгартириш тартиби:



H114797—UN—17MAR16

Ҳаво оқимлари режимлари

Тумблерда исталган ҳаво оқими режимини танланг.



H114798—UN—17MAR16

Автоматик

Автоматик — жорий ҳарорат ва кабинага зарур ҳароратга қараб ҳаво оқимини автоматик тақсимлайди ва қайта йўналтиради.



H114799—UN—17MAR16

Музни эритиш, оператор ва пол

Музни эритиш, оператор ва пол — ҳаво оқимини кабина бўйлаб тенг тақимлаб, олд ойнадаги музни эритади.

ҚАЙД: Музни эритишга хизмат қиладиган режим танланганда кондиционер ёнади.



H114800—UN—17MAR16

Оператор

Оператор — ҳаво оқимини сиз томонга йўналтиради.

Муқобил ўзгартириш тартиби:

ClimaTrak™ автоматик ҳарорат назорати — режимлар орасида алмашиш учун ҳаво оқими режими тугмасини босинг.

PR79369,00003E1-UZ-09FEB21

Кондиционер (A/C)

Кондиционер менюси кондиционерни ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

ҚАЙД: Музни эритишга мўлжалланган ҳаво оқими режими танланганда кондиционер ёнади.



H114790—UN—04JAN17

ON/OFF

Ўзгартириш тартиби:

Кондиционерни ёқиш учун ўчириш учун босинг.

PR79369,00003E2-UZ-09FEB21

Ташқи ҳарорат

Ташқарида менюси ташқаридаги жорий ҳароратни кўриш имконини беради.



H119377—UN—16SEP16

Ташқи ҳарорат

Ўзгартириш тартиби:

Жорий ташқи ҳароратнинг каттароқ дисплейини очиш учун Ташқарида менюсидаги экран соҳасини босинг.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

Ташқи ҳарорат менюсини ёпиш учун танланг.

PR79369,00003E3-UZ-09FEB21

Трансмиссия иловаси

Трансмиссияга кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи



H113843—UN—30OCT15


Трансмиссия

3. Трансмиссия

PR79369,000041B-UZ-10FEB21

Трансмиссия асосий саҳифаси

ҚАЙД:



H128141—UN—06JAN20

Трансмиссия

Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Трансмиссия иловаси трансмиссия маълумоти ва ростлаш созламаларини акс этиш учун ишлатилади.

ProDrive трансмиссияси бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:

ҚАЙД: Трансмиссия иловаси йўл режими фаол бўлганида ишламайди. Йўл режимини ёқиш ёки ўчириш учун Йўлда ташиш режими ажраткичи тугмасини босинг.



H126972—UN—26SEP19

Максимал тезлик 1

Максимал тезлик 1— максимал тезлик 1 фаол бўлганда етадиган максимал тезлик. Созламани ростлаш учун маълумот киритиш катагини танланг.



H126973—UN—26SEP19

Максимал тезлик 2

Максимал тезлик 2— максимал тезлик 2 фаол бўлганда етадиган максимал тезлик. Созламани ростлаш учун маълумот киритиш катагини танланг.



H135683—UN—21JUN22

Максимал тезлик диапазони

ҚАЙД: Катакча тезлик диапазонларидан бирига ростламалар киритаётганда танланган максимал тезлик иконкаси атрофини кўрсатади.



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар — кейинги созламаларга ўтиш ва камроқ тарқалган созламаларга кириш имконини беради.

Тугмали трансмиссияли машиналар бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



H126976—UN—26SEP19

Жорий узатма

Жорий узатма — танланган жорий узатмани кўрсатади.

Жорий узатмани ўзгартириш учун тугма калитли трансмиссия тугмаларини босинг.



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар — кейинги созламаларга ўтиш ва камроқ тарқалган созламаларга кириш имконини беради.

mm95366,1655498528580-UZ-28JUN22


Максимал тезлик 1 ва 2

Максимал тезлик қулай ҳосил йиғиш ёки ташиш тезлигини ўрнатиш учун фойдаланилади. Керакли юриш тезлиги ўрнатилганда ва кўп функцияли дастак тўлиқ олдинга сурилганда, мотор юқори холостойда бўлганда машина танланган режим қийматидан ортиқ ишламайди. Иккита режим бор.

ҚАЙД: Максимал тезлик 1 режимида ўрнатилган жорий максимум тезлик 2 дан юқори ўрнатиб бўлмайди.

ҚАЙД: Юқорироқ максимум ўрнатмалар машинанинг янада кучлироқ ҳаракатланишига олиб келади. Аниқ ҳаракатларни амалга оширганда (ўроқни улаганда), пастки максимум ўрнатма билан пастки диапазондан фойдаланиш энг маъқули саналади.

- Мисол 1: Ўроқни машинага ўрнатиш ва керакли ҳосилни йиғиб олиш. Максимал тезлик 1 1.6 км/соат (1 мил/соат) га созланган. Максимал тезлик 2 11.3 км/соат (7 мил/соат) га созланган.
- Мисол 2: Сув йўли усуллари ва керакли ҳосилни йиғиб олиш. Максимал тезлик 1 4.8 км/соат (3 мил/соат) га созланган. Максимал тезлик 2 11.3 км/соат (7 мил/соат) га созланган.



H126975—UN—26SEP19

Қиймат

Қўшиш (+) тугмасини қийматни ошириш учун танланг.

Айириш (-) тугмасини қийматни камайтириш учун танланг.

ҚАЙД: Тирсакқўйгичдаги ProDrive™ режим тугмаларидан фойдаланиб тезлик созламаларини алмаштирар экансиз, экранда ҳозирда фаол бўлган тезлик созламаларини эслатиб турадиган хабар пайдо бўлади. Хабарни экрандаги Холат марказида кўриш мумкин.

PR79369,000041D-UZ-10FEB21

ProDrive™ қўшимча созламалари

“Кенгайтирилган созламалар” саҳифасида мавжуд элементлар:

Авариявий режим— машинани куч узатмаси датчиги

ProDrive — Deere & Company савдо белгиси

носозлигида хавфсиз жойга ёки сервис кўрсатиладиган жойга кўчиришни ёқади.

Шатакка олиш режими— машинани шатакка олиш учун ёқилади.

N0LMWLO,0000382-UZ-16JUL20

ProDrive™ қўшимча созламалари шатакка олиш режими

Машина ўчганида ва шатакка олиш зарур бўлса, трансмиссияни ҳимоялаш учун шатакка олиш режимини ёқишингиз мумкин.

ДИҚҚАТ: Машинани тросс билан шатакка олманг. Узилиб кетса, тан жароҳати етказиши мумкин.

Муфталарни олиб ташламанг. Муфталар олиб ташланса, тормоз ишламайди.

Электр линиясига илашиб қолманг. Ташишдан олдин бункернинг қопқоқлари ёпиқ ва радио антеннаси олиб ташланиши керак. Батафсил маълумот учун CommandCenter™ дисплейида Йиғиш иловаси ва оператор қўлланмасининг оператор иш жойи бўлимида радио антеннаси мавзусига қаранг.

Машинани катта йўлда ҳайдаш ёки шатакка олишга оид маҳаллий қоидалар билан танишинг. Йўл ҳаракати қатнашчиларини оогоҳлантириш учун Жон Дир дилеридан олинган ёрдамчи чироқлар ва мосламаларни ишлатинг.

Агрегат юриб кетишидан жароҳат олишга йўл қўйманг. Агрегат нишаб жойда бўлса, ғилдираклар блокланмагунича, тўхтаб туриш тормозини бўшатманг.

Фавқулодда ҳолатларда машинани 10 км/соат (6.2 мил/соат) тезликда узоғи билан 10 дақиқа давомида шатакка олиш мумкин.

Шатакка олиш тартиби талаблари:

Мотор ҳолати	Ишга тушиш
Ғилдирак тезлиги	0 км/соат (0 мил/соат)
Оператор	Ўриндиқда
Машина ҳолати	Тўхтаб туриш тормози босилган

Ўзгартириш тартиби:

Машинани шатакка олиш тартиби:

1. Моторни ишга туширинг.
2. Дон бункерини бўшатинг ва ўроқни ечиб олинг.
3. Бўшатиш шнекини орқага айлантиринг.
4. Дон бункери қопқоқларини ёпинг.
5. Нарвонни олдинга суринг ва радио антеннани ечиб олинг.

ҚАЙД: Машинани доим олдинга ҳаракатланиш йўналиши бўйича асосий ўқ атрофида занжир билан боғлаган ҳолда шатакка олинг. Занжир гидравлик линияларга зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилинг. Оператор ўриндиғида ҳайдовчи рулни бошқариб турсин.

6. Қонунда тақиқланмаган бўлса, аварийкани ЁҚИНГ.

ҚАЙД: Машинани тўхташ тормозини ўчириш ва шатакка олиш учун мотор ишлаши керак. Агар мотор ишламаса, қўшимча маълумот учун Жон Дир дилери ёки бошқа малакали техник хизмат кўрсатиш марказига мурожаат қилинг.



H114769—UN—22OCT15

ON/OFF

7. Шатакка олиш режимини ёқиш учун ON/OFF алмаштириш тугмасини босинг.



H114772—UN—22OCT15

Хабар

8. Агар шатакка олиш учун талабларга жавоб бермаса, қайси талабларга жавоб бермаганини кўрсатувчи хабар пайдо бўлади.



H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

9. Агар бирор сабабга кўра шатакка олиш режимидан чиқишингиз керак бўлса, буни ёпиш тугмаси орқали амалга оширишингиз мумкин.



H114771—UN—22OCT15

Яшил белги

10. Талабга жавоб берилгандан кейин талабни ўтказувчи яшил белги пайдо бўлади.



H114769—UN—22OCT15

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

11. Барча талабларга жавоб берилгандан кейин, шатакка олиш режимини ёқиш учун ЁҚИШ/ЎЧИРИШ алмаштириш тугмасини босишингиз мумкин.

ДИҚҚАТ: Катта йўлдаги бошқа ҳайдовчилар, тиркамали ёки шатакка олинган мосламали секин юрувчи тракторлар ва ўзиюрар машиналарга урилиб кетманг. Орқада автомобил бор-йўқлигини текширинг (айниқса бурилишларда), қўл сигналларидан фойдаланинг ва бурилиш чироқларини ёқинг.

Прожектор, аварийка ва бурилиш чироқларини кундузи ҳам, кечқурун ҳам ишлатинг. Техникани ёритиш ва белги қўйиш борасидаги маҳаллий қоидаларга риоя қилинг. Ёритиш ва габарит чироқларини кўринадиган ва яхши ҳолатда сақланг. Шикастланган ёки йўқолган чироқлар ва белгиларни алмаштиринг ёки таъмирланг.

12. Машинани шатакка олишдан олдин тормозни қўйиб юбориш учун тирсакқўйгич бошқарув панелидаги тўхтаб туриш тормози тугмасини босинг.

ҚАЙД: Тўхтаб туриш тормозини қўйиб юборилиши учун оператор ўз ўриндиғида бўлиши лозим.

Шатакка олиш режими ўчади ва ҳолат марказида кўриш мумкин бўлган хабар пайдо бўлади, агар сиз:

- Трансмиссияни тезликка қўйинг.

PR79369,000041E-UZ-10FEB21

ProDrive™ қўшимча созламалари авариявий режими

Пасайган тезликда куч узатмаси датчиги носозлиги сабабли тўхтатишга келтирилган хавфсиз жойга машинани олиб бориш учун авариявий режимни ёқишингиз мумкин.

ҚАЙД: Авариявий режимга ўтиш учун ўроқ иловаси ёниқ бўлиши керак.

Машинанинг 4 соатгача ишлаш имконини беради. Нормал ишлашда авариявий режимини ишлатиш мумкин эмас.



H114769—UN—22OCT15

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

Авариявий режимини ёқиш учун ON/OFF алмаштириш тугмасини босинг.

Агар куч узатмаси датчиги носозлиги мавжуд бўлса, авариявий режим ёқилади ва хабар пайдо бўлади.

ҚАЙД: Авариявий режим автоматик тарзда машинанинг ўт олдириш циклини ўчиради.

Агар куч узатмаси датчиги носозлиги мавжуд бўлмаса, авариявий режим ёқилмайди ва хабар пайдо бўлади.

PR79369,000041F-UZ-10FEB21

Чироқлар иловаси

Чироқлардан фойдаланиш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи



H115006—UN—09JAN17

Чироқлар

3. Чироқлар

Иловага навигация панели орқали кириш:




H115005—UN—11MAR16

Чироқлар

Дисплей остидаги навигация панелида Чироқлар тугмасини босинг.

PR79369,0000421-UZ-24JUN22

Чироқлар бош саҳифаси



H120316—UN—09JAN17

Чироқлар

ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Чироқлар иловаси оператор томонидан созланиши мумкин бўлган чироқларга оид дастлабки созламаларга кириш имконини беради. Дастлабки созламалар панелидан бирини танлаш орқали ўзгартиришларни киритиш мумкин.

ҚАЙД: Ишчи чироқларни созлаш мумкин. Йўл чироқларини созлаб бўлмайди.

Чироқлар иловасида мавжуд панеллар:



H114593—UN—11MAR16

Ишчи чироққа оид дастлабки созлама 1 — Яқинни ёритиш

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 — Яқинни ёритиш– дастлабки созлама 1 — Яқинни ёритиш режимида ёнадиган чироқлар.



H114596—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — Яқинни ёритиш

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — Яқинни ёритиш– дастлабки созлама 2 — Яқинни ёритиш режимида ёнадиган чироқлар.



H114594—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 — Узоқни ёритиш


Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 — Узоқни ёритиш — дастлабки созлама 1 — Узоқни ёритиш режимида ёнадиган чироқлар.



H114595—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — Узоқни ёритиш

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — Узоқни ёритиш — дастлабки созлама 2 — Узоқни ёритиш режимида ёнадиган чироқлар.



H114597—UN—11MAR16

Белгиланган панел

Белгиланган панеллар– қайси дастлабки созлама танланганини кўрсатади.

Ишчи чироқлар назорати — Ишчи чироқларни ёқиш/ўчириш, яқинни/узоқни ёритиш ва 1 ёки 2 дастлабки созлама режимини танлаш имконини беради.



H113862—UN—11MAR16

Нуқсонли чироқ

Нуқсонли чироқ — ундов белгиси нуқсонли чироқни кўрсатади. Масалан, чироқ лампаси куйган.



H114587—UN—11MAR16

Чиқиш ёруғлик таблоси

Чироқлардан чиқиш — калит ўчирилган ҳолатга ўтгандан кейин ёниқ қоладиган чироқлар ва давомийликни танланг.



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар– кейинги созламаларга ўтиш ва камроқ тарқалган созламаларга кириш имконини беради.

PR79369,0000422-UZ-11FEB21

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 — Яқинни ёритиш

Дастлабки созлама 1 – яқинни ёритиш режимини махсус эҳтиёжларга мослаштиринг. Юкни бўшатиш ва ҳосил йиғиш ишлари сингари паст ёритилган шароитлар учун махсус ёруғлик керак бўлганда параметрларни ўзгартиринг.

Ўзгартириш тартиби:



H114593—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 — яқинни ёритиш

1. Бу режимда ҳар бир алоҳида чироқни ўзгартириш учун танланг.



H113857—UN—11MAR16

Уланган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада улаш буйруғини танланг.



H113858—UN—11MAR16

Узилган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада узиш буйруғини танланг.



H114591—UN—11MAR16

Чироқ тугмаси



H113853—UN—11MAR16

Чироқни жуфтлаш тугмаси

2. Ёниши керак бўлган чироқлар учун чироқ ёки чироқни жуфтлаш тугмасини босинг.



H114592—UN—11MAR16

Белгиланган тугма

ҚАЙД: Танланганда тугма ёнади.

PR79369,0000423-UZ-11FEB21

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — Яқинни ёритиш

Дастлабки созлама 2 – яқинни ёритиш режимини махсус эҳтиёжларга мослаштиринг. Юкни бўшатиш ва ҳосил йиғиш ишлари сингари паст ёритилган шароитлар учун махсус ёруғлик керак бўлганда параметрларни ўзгартиринг.

Ўзгартириш тартиби:



H114596—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — яқинни ёритиш

1. Бу режимда ҳар бир алоҳида чироқни ўзгартириш учун танланг.



H113857—UN—11MAR16

Уланган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада улаш буйруғини танланг.



H113858—UN—11MAR16

Узилган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада узиш буйруғини танланг.



H114591—UN—11MAR16

Чироқ тугмаси



H113853—UN—11MAR16

Чироқни жуфтлаш тугмаси

2. Ёниши керак бўлган чироқлар учун чироқ ёки чироқни жуфтлаш тугмасини босинг.



H114592—UN—11MAR16

Белгиланган тугма

ҚАЙД: Танланганда тугма ёнади.

PR79369,0000424-UZ-11FEB21

Ўзгартириш тартиби:



H114594—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 – узоқни ёритиш

1. Бу режимда ҳар бир алоҳида чироқни ўзгартириш учун танланг.



H113857—UN—11MAR16

Уланган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада улаш буйруғини танланг.



H113858—UN—11MAR16

Узилган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада узиш буйруғини танланг.



H114591—UN—11MAR16

Чироқ тугмаси



H113853—UN—11MAR16

Чироқни жуфтлаш тугмаси

2. Ёниши керак бўлган чироқлар учун чироқ ёки чироқни жуфтлаш тугмасини босинг.



H114592—UN—11MAR16

Белгиланган тугма

ҚАЙД: Танланганда тугма ёнади.

PR79369,0000425-UZ-11FEB21

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 1 — Узоқни ёритиш

Дастлабки созлама 1 – узоқни ёритиш режимини махсус эҳтиёжларга мослаштиринг. Юкни бўшатиш ва ҳосил йиғиш ишлари сингари паст ёритилган шароитлар учун махсус ёруғлик керак бўлганда параметрларни ўзгартиринг.

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 — Узоқни ёритиш

Дастлабки созлама 2 – узоқни ёритиш режимини махсус эҳтиёжларга мослаштиринг. Юкни бўшатиш ва ҳосил йиғиш ишлари сингари паст ёритилган шароитлар учун махсус ёруғлик керак бўлганда параметрларни ўзгартиринг.

Ўзгартириш тартиби:



H114595—UN—11MAR16

Ишчи чироқларга оид дастлабки созлама 2 – узоқни ёритиш

1. Бу режимда ҳар бир алоҳида чироқни ўзгартириш учун танланг.



H113857—UN—11MAR16

Уланган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада улаш буйруғини танланг.



H113858—UN—11MAR16

Узилган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада узиш буйруғини танланг.



H114591—UN—11MAR16

Чироқ тугмаси



H113853—UN—11MAR16

Чироқни жуфтлаш тугмаси

2. Ёниши керак бўлган чироқлар учун чироқ ёки чироқни жуфтлаш тугмасини босинг.



H114592—UN—11MAR16

Белгиланган тугма

ҚАЙД: Танланганда тугма ёнади.

PR79369,0000426-UZ-11FEB21

Чиқиш ёруғлик таблоси

Ёруғлик таблоси қалит ЎЧИРИШ ҳолатига қўйилгандан кейин давомийлик ва ёниб турадиган чироқларни танлашга ёрдам беради.

ҚАЙД: Агар йўл ёки ишчи чироқлар охирги 5 дақиқа ичида ишлатилса, ёруғлик таблоси ёнади.

Ўзгартириш тартиби:



H114587—UN—11MAR16

Чиқиш ёруғлик таблоси

1. Чироқ варағини танланг.



H113857—UN—11MAR16

Уланган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада улаш буйруғини танланг.



H113858—UN—11MAR16

Узилган

- Жуфтланган чап ва ўнг чироқларни барча панелларда бир вақтда ёқиш ва ўчириш амалиётига рухсат бериш учун суриладиган тугмада узиш буйруғини танланг.



H114591—UN—11MAR16

Чироқ тугмаси



H113853—UN—11MAR16

Чироқни жуфтлаш тугмаси

2. Ёниши керак бўлган чироқлар учун чироқ ёки чироқни жуфтлаш тугмасини босинг.



H114592—UN—11MAR16

Белгиланган тугма

ҚАЙД: Танланганда тугма ёнади.



H114588—UN—11MAR16

Чиқиш паузаси

3. Чиқиш паузаси экранини очиш учун танланг.
4. Чиқиш паузасига оид керакли созламани танланг.

Чиқиш паузаси қийматлари		
Тезда ўчириш (0 с)	60 с	3 дақ
10 с	90 с	4 дақ

Чиқиш паузаси қийматлари		
30 с	2 дақ	5 дақ



H114606—UN—09JAN17

ОК



H114605—UN—09JAN17

Бекор қилиш

5. Сақлаш учун ОК ёки аввалги созламага қайтиш учун Cancel тугмасини босинг.

PR79369,0000427-UZ-11FEB21

Иш чироқларининг бошқарув элементлари

Ишчи чироқларнинг бошқарув элементлари унга оид керакли дастлабки созлама ёки режимни танлашга ёрдам беради.

Ўзгартириш тартиби:



H115019—UN—09JAN17

Ишчи чироқ ҳолати

1. Рул устунидаги танловчи дастани ишчи чироқ ҳолатига буранг.
2. Яқинни ёритиш ёки узоқни ёритиш режимини танланг.
   - Узоқни ёритиш режимини танлаш учун дастакни итаринг.
   - Яқинни ёритиш режимини танлаш учун дастакни тортинг.



H115018—UN—11MAR16

Тирсакқўйгич чироғи тугмаси

3. Ишчи чироқларнинг дастлабки созламасини 1 ёки ишчи чироқларнинг дастлабки созламаси 2 танлаш учун тирсакқўйгич чироғи тугмасини босинг.

ҚАЙД: LED чироқ танланган дастлабки созлама 1 ёки 2 учун ёнади.

- **Қисқа муддатли узоқни ёритиш чироғи:** Узоқни ёритиш фараларини қисқа муддатга фаоллаштириш учун дастакни юқори ҳолатга тортиб туринг.
- **Яқинни ёритиш чироғи ҳолати:** Яқинни ёритиш чироқларини ишлатиш учун дастакни ўрта ҳолатга тортинг.
- **Узоқни ёритиш чироғи ҳолати:** Узоқни ёритиш чироқларини ишлатиш учун дастакни пастки ҳолатга тортинг.

PR79369,0000428-UZ-11FEB21

Калибрлаш ва тартиблар саҳифасига кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари иловаси



N119098—UN—25MAY16

Калибрлаш ва тартиблар


3. Калибрлаш ва тартиблар

SS43267,000084C-UZ-17JAN17

Калибрлаш ва унинг тартиблари ҳақида маълумот

ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.



H119896—UN—18JAN17

Калибрлаш ва тартиблар

Калибрлаш ва унинг тартиблари иловаси машинага хизмат кўрсатиш тартиби ва калибрлаш жараёни учун марказлашган рухсатни тақдим этади.



H119225—UN—23SEP16

Ҳосил йиғиш варағи

Ҳосил йиғиш варағи

Вазнли оқим тебраниши

Ҳосил

Сариқ маёқ

Дон исрофини назорат қилишни босиб синаш тести

Намлик датчиги

Шасси оғиши

Камгакдан ҳавони чиқариш

Камгак сатҳини ростлаш

ActiveYield™

Янчиш тирқиши (STS электр)

Янчиш тирқиши (Гидравлик)

Бўшатиш шнекини ишга тушириш



H119226—UN—23SEP16

Ўроқ панели

Ўроқ панели

Ўроқ осмаси сервис режими

Поя кўтаргич қаноти ҳолати

Нусхаловчи ғилдирак диапазони

Нусхаловчи ғилдирак тезлиги

Шамолга қарши ойна ҳолати

Қабул камерасининг кўтарилиш тезлиги

Йўналтиргич

Дека плиталари оралиғи

Кенгаювчи платформа ўроғининг автоматик синови

Қабул камерасининг ён томон оғиши:

Қанот (йиғилувчи жўхори ўроғи)

Паррак ва тиғ ҳолати

Паррак ҳолати

Қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиш диапазони

Қабул камерасинг ён томон оғиши диапазони

mm95366,1656418459899-UZ-28JUN22

Вазнли оқим тебраниши

Бу тартиб иш жараёнида машинанинг нормал фаолиятини таъминлаш учун вазнли оқим сенсорини калибрлайди. Ушбу калибрлашни амалга ошириш ҳосил йиғиб олинаётганда вазнли оқим сенсорининг тебранишларни хато аниқлашига йўл қўймайди.

ҚАЙД: Вазнли оқим тебраниши йиғиб олинадиган ҳар бир экин учун ўроқларни алмаштириш пайтида бажарилиши лозим. ActiveYield™ калибрлашдан олдин вазнли оқим тебраниши калибрлашини амалга оширинг.

Калибрлашни амалга оширинг:

- АУМ назорат блоки ёки унга алоқадор компонентлар алмаштирилган/созланган.
- Ўроқ алмашиши каби қурилма конфигурацияси.
- Ўрилаётган экин тури алмашди.
- Вазнли оқим сенсори алмаштирилган.

Вазнли оқим тебраниши саҳифасида мавжуд элементлар:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

Калибрлашни бошлаш — калибрлаш тартибини бошланг.

Талаблар — калибрлаш учун талаб этилган машина ҳолати.

Саҳифада тасвирланган тафсилотлар:

Тавсия этилган оралиқ	Қўшимча маълумот учун "Қуйидаги ҳолларда калибрланг" бўлимига қаранг.
Ҳисобланган зарурий вақт	Тахминан 1 дақ

PR79369,000042B-UZ-24FEB21

Вазнли оқим тебранишини калибрлаш тартиби

Жараён талаблари:

Мотор ҳолати	Ишга тушиш
Иш ҳолати	Текис ерда тўхтаган



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

Жараённи кўздан кечириш:

1. Жараённи бошлаш учун калибрлашни бошлашни танланг.
2. Жараённи якунлаш учун экрандаги хабарномаларга амал қилинг.



N118093—UN—16FEB16

Сақлаш

3. Сақлашни танлаш орқали калибрлашни тасдиқланг.



N118122—UN—02MAY16

Қайта уриниш

Агар калибрлаш муваффақиятсиз тугаса:

1. Қайта уриниш тугмасини танланг.
2. Экранда акс этган барча талаблар бажарилганини тасдиқланг.
3. Агар калибрлаш икки марталик уринишда ҳам амалга ошмаса, Жон Дир дилери ёки малакали хизмат кўрсатувчи билан маслаҳатлашинг.

SS43267,0000867-UZ-19JAN17

Намлик датчиги

Калибрлашни амалга оширинг:

- Намликни датчиги ўрнатилган, алмаштирилган ёки созланган.
- Намлик датчигининг аниқлигини яхшилаш талаб этилади.

"Намлик датчигини калибрлаш" саҳифасида мавжуд элементлар:



N119105—UN—02MAY16

Калибрлаш

Намлик датчигини калибрлаш — калибрлаш тартибини бошлаш.

ActiveYield — Deere & Company савдо белгиси

Талаблар — калибрлаш учун талаб этилган машина ҳолати.

PR79369,000042C-UZ-24FEB21

Намлик датчиги тартиби

Бу тартиб намлик датчигини калибрлайди.

Жараён талаблари:

Мотор ҳолати	Ишга тушиш
Иш ҳолати	Текис ерда тўхтаган

Амалга ошириладиган жараён:



A102855—UN—01FEB19

Ишга тушириш

1. Калибрлаш тартибини бошлаш учун Стартни танланг.



H113801—UN—04JAN17

Калибрлаш

2. Калибрлаш белгиси экранда пайдо бўлади. Калибрлаш автоматик тарзда кейинги босқичга ўтади.



A92084—UN—09MAY19

Калибрлаш якунланди

Агар бирор носозлик аниқланмаса, калибрлашни якунлаш ойнаси пайдо бўлади.



A92068—UN—16MAR18

Сақлаш

3. ENTER тугмасини босиб, калибрлашни тасдиқланг.



A92067—UN—16MAR18

Бекор қилиш

4. Олдинги саҳифага қайтиш учун Бекор қилишни танланг.

PR79369,000004D-UZ-26NOV19

Янчиш тирқиши (STS электр)

Бу тартиб тўлиқ очилган ёки ёпилган камгакларнинг ҳолатларини аниқлаш орқали янчиш тирқишини калибрлайди. Тўғри калибрланган янчиш тирқиши ҳосил йиғишга оид созламалар учун аъло натижаларни таъминлайди. Батафсил маълумот учун оператор қўлланмасига қаранг.

МУҲИМ: Камгакни калибрлашдан олдин ундаги юмалоқ металл тўсинли қопламаларни ечинг. Хато нол ҳолати натижалари.

Калибрлашни амалга оширинг:

- Ҳар ҳосил йиғиш мавсуми учун тайёрланинг.
mm95366,1655924311357-UZ-22JUN22

Ўроқ осмаси сервис режими | Босим назорати

Ўроқ осмаси сервис режими сизга олд учдаги ускуна осма тизимларидаги гидравлик босимларни манипуляция қилиш учун бошқарув элементларидан фойдаланиш имконини беради.

МУҲИМ: Бу жараён шарнирли поя кўтаргич осмаси тизимига сервисни амалга ошириш учундир. Осма сервис режимига киритилган ростламалар агрегат унумдорлигига таъсир қилмайди. Ер шароитлари ва Нусхаловчи ғилдираклар саҳифаларидаги осмага ростламалар киритинг.

Осма тизимдаги босимни пасайтириш суюқликни шарнирли поя кўтаргичдан чиқадиган суюқликни оқизади.


Ўроқ осмаси сервис режими саҳифасида мавжуд элементлар:



N118420—UN—02NOV16

Ҳолат

Ҳолат— босимни ошириш/камайтиришни бошлаш учун тайёрликни билдиради.



H131370—UN—01DEC20

Кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар— ҳар бир бўлим учун жорий босим кўрсаткичларини акс эттиради.



H114791—UN—22JAN20

Плюс (+) тугмаси

Плюс (+) тугмаси— зарур ўроқ бўлими бўйича гидравлик босимни ошириш учун тугмани босиб туринг. Тугмани қўйиб юбориш босим ошишини тўхтатади.



H114792—UN—22JAN20

Минус (-) тугмаси

Минус (+) тугмаси— зарур ўроқ бўлимидан гидравлик босимни чиқариш учун тугмани босиб туринг. Тугмани қўйиб юбориш босим камайишини тўхтатади.

ҚАЙД: Ўроқ S700 серияли агрегатларга бириктирилганида бир вақтда ўроқнинг фақат битта бўлими бўшатилиши мумкин.



H127524—UN—08OCT19

Тайёр

Бажарилди — ўроқ осмаси сервис режимини якунлаш учун босинг.

mm95366,1655924355391-UZ-22JUN22

Шарнирли поя кўтаргич қаноти ҳолати

Бу жараён Шарнирли поя кўтагич қаноти ҳолатини калибрлайди. Бу жараён рама қанотлари ҳолатини ҳам калибрлайди.

Калибрлашни амалга оширинг:

- Қанот ҳолати датчиги ёки алоқадор деталь ўзгартирилган.

Шарнирли поя кўтаргич қаноти ҳолати саҳифасида мавжуд элементлар:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

Калибрлашни бошлаш – калибрлаш тартибини бошланг.

Талаблар — калибрлаш учун талаб этилган машина ҳолати.

Саҳифада тасвирланган тафсилотлар:

Тавсия этилган оралиқ	Зарурат туғилганида
Ҳисобланган зарурий вақт	Тахминан 2 дақ

mm95366,1655924592446-UZ-22JUN22

Шарнирли поя кўтаргич қаноти ҳолатини калибрлаш тартиби

Тартиб талаблари:

Мотор ҳолати	Машина дала режимида
Иш ҳолати	Ўроқ ўчирилган бўлиши шарт

Жараённи кўздан кечириш:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

1. Жараённи бошлаш учун калибрлашни бошлашни танланг.
2. Жараённи якунлаш учун экрандаги хабарномаларга амал қилинг.



N118093—UN—16FEB16

Сақлаш

3. Сақлашни танлаш орқали калибрлашни тасдиқланг.

Агар калибрлаш муваффақиятсиз тугаса:



N118122—UN—02MAY16

Қайта уриниг

1. Қайта уриниш тугмасини танланг.
2. Экранда акс этган барча талаблар бажарилганини тасдиқланг.
3. Агар калибрлаш икки марталик уринишда ҳам амалга ошмаса, John Deere дилери ёки малакали хизмат кўрсатувчи билан маслаҳатлашинг.

mm95366,1655924907883-UZ-22JUN22

Нусхаловчи ғилдирак диапазони

Бу жараён Нусхаловчи ғилдирак диапазонини калибрлайди. Бу калибрлаш созланган датчик диапазонларига нусхаловчи ғилдиракларни кўтариш ва тушириш орқали амалга оширилади.

Калибрлашни амалга оширинг:

- Нусхаловчи ғилдирак ҳолати датчиги ёки алоқадор деталь ўзгартирилган.

Нусхаловчи ғилдирак диапазони саҳифасида мавжуд элементлар:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

Калибрлашни бошлаш – калибрлаш тартибини бошланг.

Талаблар — калибрлаш учун талаб этилган машина ҳолати.

Саҳифада тасвирланган тафсилотлар:

Тавсия этилган оралиқ	Зарурат туғилганида
Ҳисобланган зарурий вақт	Тахминан 2 дақ

mm95366,1655946489961-UZ-22JUN22

Нусхаловчи ғилдирак диапазонини калибрлаш тартиби

Тартиб талаблари:

Мотор ҳолати	Машина дала режимида Тез холостойда ишлаяпти:
Иш ҳолати	Текис ерда тўхтаган

Жараённи кўздан кечириш:

1. Жараённи бошлаш учун калибрлашни бошлашни танланг.



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

2. Жараённи якунлаш учун экрандаги хабарномаларга амал қилинг.
3. Сақлашни танлаш орқали калибрлашни тасдиқланг.



N118093—UN—16FEB16

Сақлаш

Агар калибрлаш муваффақиятсиз тугаса:

1. Қайта уриниш тугмасини танланг.



N118122—UN—02MAY16

Қайта уриниш

2. Экранда акс этган барча талаблар бажарилганини тасдиқланг.
3. Агар калибрлаш икки марталик уринишда ҳам амалга ошмаса, John Deere дилери ёки малакали хизмат кўрсатувчи билан маслаҳатлашинг.

mm95366,1655946781789-UZ-23JUN22

Нусхаловчи ғилдирак тезлиги

Бу жараён ўриш баландлиги ростламаларининг мақбул унумдорлигини таъминлаш учун нусхаловчи ғилдираклар кенгайиши ва қайтиши тезликларини калибрлайди.

Калибрлашни амалга оширинг:

- Гидравлик нусхаловчи ғилдирак пропорционал клапани ёки алоқадор деталь алмаштирилган.
- Ўроқ механик тарзда ростланди.

Нусхаловчи ғилдирак тезлиги саҳифасида мавжуд элементлар:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

Калибрлашни бошлаш – калибрлаш тартибини бошланг.

Талаблар — калибрлаш учун талаб этилган машина ҳолати.

Саҳифада тасвирланган тафсилотлар:

Тавсия этилган оралиқ	Зарурат туғилганида
Ҳисобланган зарурий вақт	Тахминан 5 дақ

mm95366,1655925286352-UZ-22JUN22

Нусхаловчи ғилдирак тезлигини калибрлаш тартиби

Тартиб талаблари:

Мотор ҳолати	Машина дала режимида Тез холостойда ишлаяпти:
Иш ҳолати	Текис ерда тўхтаган

Жараённи кўздан кечириш:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

1. Жараённи бошлаш учун калибрлашни бошлашни танланг.
2. Жараённи якунлаш учун экрандаги хабарномаларга амал қилинг.



N118093—UN—16FEB16

Сақлаш

3. Сақлашни танлаш орқали калибрлашни тасдиқланг.

Агар калибрлаш муваффақиятсиз тугаса:



N118122—UN—02MAY16

Қайта уриниш

1. Қайта уриниш тугмасини танланг.
2. Экранда акс этган барча талаблар бажарилганини тасдиқланг.
3. Агар калибрлаш икки марталик уринишда ҳам амалга ошмаса, John Deere дилери ёки малакали хизмат кўрсатувчи билан маслаҳатлашинг.

mm95366,1655925388395-UZ-22JUN22

Шамолга қарши ойна ҳолати

Бу жараён Шамолга қарши ойна ҳолатини калибрлайди.

Калибрлашни амалга оширинг:

- Шамолга қарши ойна ҳолати датчиги ёки алоқадор деталлар алмаштирилган/ростланган.

Шамолга қарши ойна ҳолати саҳифасида мавжуд элементлар:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

Калибрлашни бошлаш — калибрлаш тартибини бошланг.

Талаблар — калибрлаш учун талаб этилган машина ҳолати.

Саҳифада тасвирланган тафсилотлар:

Тавсия этилган оралиқ	Зарурат туғилганида
Ҳисобланган зарурий вақт	Тахминан 2 дақ

mm95366,1655925636929-UZ-22JUN22

Шамолга қарши ойна ҳолатини калибрлаш тартиби

Тартиб талаблари:

Мотор ҳолати	Машина дала режимида Тез холостойда ишлаяпти:

Жараённи кўздан кечириш:



N120226—UN—23FEB16

Калибрлашни бошлаш

1. Жараённи бошлаш учун калибрлашни бошлашни танланг.
2. Жараённи якунлаш учун экрандаги хабарномаларга амал қилинг.



N118093—UN—16FEB16

Сақлаш

3. Сақлашни танлаш орқали калибрлашни тасдиқланг.

Агар калибрлаш муваффақиятсиз тугаса:



N118122—UN—02MAY16

Қайта уриниң

1. Қайта уриниш тугмасини танланг.
2. Экранда акс этган барча талаблар бажарилганини тасдиқланг.
3. Агар калибрлаш икки марталик уринишда ҳам амалга ошмаса, John Deere дилери ёки малакали хизмат кўрсатувчи билан маслаҳатлашинг.

mm95366,1655925724147-UZ-22JUN22

Combine Advisor™ иловаси

Combine Advisor™ иловасига кириш

Иловага дисплей орқали кириш:



H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню



H129758—UN—01APR20

Combine Advisor™

2. Combine Advisor™


PR79369,000047E-UZ-01MAR21

Combine Advisor™ бош саҳифаси

Олдин Интерфаол комбайн созламалари 2 деб номланган Combine Advisor™ унумдорликни ошириш, HarvestSmart™,Active Terrain Adjustment™ ва Автоматик профилактикага кириш имконини берадиган жой.

Combine Advisor™ бош саҳифасида мавжуд пунктлар:


ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H126941—UN—26SEP19

Жорий созламалар


Жорий созламалар — дисплейда Терим созламаларига кириш учун Жорий созламаларни танланг.



H126942—UN—26SEP19

Терим оптимизацияси

Терим оптимизацияси — олдин Интерфаол комбайн созламалари деб номланган Унумдорликни оптималлаш иловасини очади.



H129164—UN—27FEB20

Автоматлаштириш ҳолати

Автоматлаштириш ҳолати — Автоматлаштириш ҳолати ҳар қандай алоҳида тизимни, масалан HarvestSmart™, Active Terrain Adjustment™ ёки Автоматик профилактика ҳолатини намойиш қилади.



N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар — қўшимча созламалар кейинги созламаларга ўтиш ва камроқ тарқалган созламаларга кириш имконини беради.



H126949—UN—26SEP19

HarvestSmart™

HarvestSmart™— моторни муқим қувватини тутиб туриш учун юриш тезлигини ўзгартиради. Ушбу ўзгаришлар унумдорликни ошириш ва операторнинг чарчашини камайтириш имконини берувчи бир қатор терим омилларига асосланган. HarvestSmart™ созламаларига кириш учун экранда ЁҚИШ/ЎЧИРИШ тугмасининг ўнг томонини танланг.

Қуйидаги шароитларда тизим оптимал ишламаслиги мумкин:

- Оғир адирлик шароитларида
- Айқашган ёки ётиқ ҳосил шароитлари
- Ҳаддан ташқари лойли шароит

ҚАЙД: Кўк матн HarvestSmart™ юриш тезлигини бошқараётганини кўрсатади. Қора матн юриш тезлигини фойдаланувчи бошқараётганини кўрсатади.


HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси
Active Terrain Adjustment — Deere & Company савдо белгиси



H116937—UN—05FEB19

ON/OFF

Автоматлаштириш — HarvestSmart™ иловасини ишга тушириш ёки ўчириш имконини беради.



H126950—UN—26SEP19

HarvestSmart™ юриш тезлиги

ҚАЙД: Бу ерда кўрсатилган юриш тезлиги индикатори юриш тезлиги лимитига етилганини билдиради.

Active Terrain Adjustment™



H129163—UN—27FEB20

Active Terrain Adjustment

Active Terrain Adjustment™ — ҳудудда тепага ва пастга юришда мувозатни сақлаш учун тозаловчи вентилятор, ғалвир ва элакни автоматик тарзда ростлайди. Ушбу созламалар машинанинг терим жараёнидаги қадамига боғлиқ. Active Terrain Adjustment™ созламаларига кириш учун ёқиш-ўчириш тугмасининг ўнг томонидаги экран ҳудудини танланг.

ҚАЙД: Кўк мурват ернинг ландшафти ўзгаргани туфайли оғиш ростланаётганини кўрсатади.



H116937—UN—05FEB19

ON/OFF

Автоматлаштириш — Active Terrain Adjustment™ иловасини ишга тушириш ёки ўчириш имконини беради.

ҚАЙД: Active Terrain Adjustment™ унумдорликнинг мўлжалдаги қийматини белгилашни талаб ЭТМАЙДИ.



H126954—UN—26SEP19

Автоматик профилактика

Автоматик профилактика — кун давомида дон сифатининг ўзгариши ва дон исрофининг ўрнини қоплаш учун янчиш тезлиги, янчиш тирқиши, тозаловчи вентилятор, ғалвир ва элакни автоматик тарзда ростлайди. Автоматик профилактика созламаларига кириш учун ёқиш-ўчириш тугмасининг ўнг томонидаги экран ҳудудини танланг.

ҚАЙД: Кўк мурват белгиланган унумдорликни тутиб туриш учун оғиш ростланаётганини кўрсатади.



H116937—UN—05FEB19

ON/OFF

Автоматлаштириш — Автоматик профилактикани ишга тушириш ёки ўчириш имконини беради.



H113740—UN—05FEB19

Реал вақтдаги камера


Реал вақтдаги камера — элеватордан тоза дон ва қипиқ чиқишини кўриб туриш имконини беради.



H125041—UN—05FEB19

Тарих

Тарих — Автоматик профилактика ва Active Terrain Adjustment™ ёрдамида амалга оширилган жорий ва аввалги созламаларни кўриб чиқиш ва машинани охирги 30 дақиқа давомидаги иш унумдорлиги графигини кузатиш имконини беради.



H126944—UN—26SEP19

Мўлжалдаги унумдорликни тайинлаш

Мўлжалдаги унумдорликни тайинлаш— жорий исроф, дон сифати ва мотор қувватида янги мўлжалдаги унумдорликни тайинлаш имконини беради.


ҚАЙД: Мўлжалдаги унумдорлик танланганда HarvestSmart ™ билан биргаликда автоматик хизмат кўрсатиш учун ҳам мўлжаллар тайинланади.

Иш саҳифаси модули

Ушбу илова модуллари Схема менежери ёрдамида саҳифани ишга тушириш учун қўшилиши мумкин.

Мисол:

Active Terrain Adjustment — Deere & Company савдо белгиси



H129165—UN—27FEB20

Combine Advisor™

Иш саҳифаси модули автоматлаштиришнинг жорий ҳолатини намойиш этувчи алоҳида кўринишга эга бўлади. Саҳифада шунингдек, HarvestSmart ™, Active Terrain Adjustment ™, Автоматик профилактика созламалари ва ишлаш тарихи ва графикларига ҳаволалар мавжуд.

ҚАЙД: Иловангиз учун иш саҳифасининг турли модуллардан фойдаланиш мумкин.

Қисқа тугмалар

Ушбу илова учун қисқа тугмалар Layout Manager ёрдамида ёрлиқлар панелига қўшилиши мумкин.

Мисол:



H125230—UN—01FEB19

Маслаҳатчи

Маслаҳатчи — Combine Advisor™иловасига тез кириш учун фойдаланинг.

PR79369,000047F-UZ-01MAR21

Қўшимча созламалар

Кенгайтирилган созламалар параметрлари созлаш параметрларини ўрнатиш имконини беради. Параметрларни созлаш бўйича маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.


PR79369,0000483-UZ-01MAR21

Дон тизими видеоси

ActiveVision™ тоза дон элеватори ва қипиқ элеваторини реал вақтдаги камера экранида кўриб туриш имконини беради.

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.

Дон тизими видеоси саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



H128686—UN—06FEB20

Реал вақтдаги камера

Реал вақтдаги камера — танланган манбадан реал вақтдаги кўринишни кўрсатади.



H113773—UN—30JAN17

Манба

Манба — Дон камераси, қипиқ камераси ёки иккаласини танлаш имконини беради.



H113730—UN—30JAN17

ON/OFF

Дон таҳлилини кўриш — ЁҚИШ/ЎЧИРИШ калити донни таҳлил қилиш учун рангли проекцияни қўшади (фақат Дон камераларида фойдаланиш мумкин).

ҚАЙД: Автоматик профилактика учун мўлжалланмаган экинлар билан ишлашда Дон таҳлилини кўриш ЎЧИРИЛГАН ҳолатда қулфга тушади.

ҚАЙД: Донни таҳлил қилиш учун рангли проекцияни ишга тушириш реал вақтда видеони узатишни секинлаштиради.

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси



H126957—UN—26SEP19

Дон таҳлили

Дон таҳлили шартли белгилари — Дон таҳлили калити ёниқлигида дон сифати ва бегона жисмлар учун рангли белгини акс эттиради.

ҚАЙД: Акс эттирилган Сифат ва бегона жисмлар бандлари танланган экин тури учун фойдаланиш имкони мавжудлигига қараб ўзгариши мумкин.



H126958—UN—26SEP19

Линза ифлосланиши

Линза ифлосланиши — линзани тозалаш зарурлигини кўрсатади.

ҚАЙД: Объективларни ҳар 10 соатда ёки керагича тозаланг. Батафсил маълумот учун Комбайн оператори қўлланмасидаги Техник хизмат кўрсатиш бўлимига қаранг.

PR79369,0000480-UZ-01MAR21

Тарих

Тарих Автоматик профилактика ва Active Terrain Adjustment™ созламаларига охирги 12 соат ичида киритилган ўзгаришларни кўриш имконини беради. У шунингдек машинанинг охирги 30 дақиқа ичидаги иш унумдорлиги графикларини кўриш имконини беради.

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.


Тарих саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



H125226—UN—05FEB19

Самарадорлик

- Самарадорлик тарихи мониторини очиш учун танланг.



H125227—UN—05FEB19

Фаол

- Фаол созламалари саҳифасини очиш учун танланг.



H125228—UN—05FEB19

Якунланган

- Якунланган созламалар саҳифасини очиш учун танланг.

PR79369,0000482-UZ-01MAR21

Самарадорлик

Самарадорлик монитори вақт шкаласида мақсадли самарадорлик ва жорий самарадорликни намойиш этиш учун қўлланилади. Самарадорлик мониторини кўриб чиқиш учун Тарихни танланг, сўнг юқори қисмидаги Самарадорлик ёзувини танланг.

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.

Самарадорлик монитори саҳифасидаги мавжуд пунктлар:




H125226—UN—05FEB19

Самарадорлик/Фаол/Якунланган

Самарадорлик/Фаол/Якунланган — самарадорлик монитори, фаол созламалар ва якунланган созламаларда биридан-бирига ўтиш учун Самарадорлик/Фаол/Якунланган калитидан фойдаланинг.

Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси




H125640—UN—05FEB19

Самарадорликни йўқотиш

Самарадорликни йўқотиш — сепаратор, тозалагич ва сомон тўплагич диаграммаси.

ҚАЙД: Самарадорликни йўқотиш графиклари VisionTrak намойишига тўғри келмаслиги мумкин. Графикда акс эттирилгнан маълумот узоқ муддатли тенденцияни кўрсатади, VisionTrak эса жорий йўқотишни акс эттиради.



H119766—UN—06FEB19


Сифат кўрсаткичи

Сифат кўрсаткичи — майдаланган дон, енгил бегона жисмлар, оғир бегона жисмлар ва янчилмаган дон диаграммаси.

ҚАЙД: Акс эттирилган элементлари танланган экин тури учун фойдаланиш имкони мавжудлигига қараб ўзгариши мумкин.

ҚАЙД: Параметрни диаграмманинг яшил рангли қисмида ишлаши уни сифатнинг мақсадли кўрсаткичи доирасида эканлигини билдиради.

ҚАЙД: Параметрни диаграмманинг оқ рангли қисмида ишлаши уни сифатнинг мақсадли кўрсаткичига мувофиқ эмаслигини билдиради. Шунда Автоматик профилактика функцияси уни ростлаб, яшил зонага ўтказади.



H127980—UN—05NOV19

Дала/Машинанинг самарадорлиги графиги


Дала/Машинанинг самарадорлиги графиги — 30 дақиқада ўтказиш қобилияти, унумдорлик ва самарадорликни кўрсатади.



H119776—UN—25JAN17

Бирликлар

Самарадорлик параметрлари — Акс эттириладиган маълумотларни ўзгартириш учун танланг.



H125532—UN—01FEB19

Самарадорлик параметрлари

Ўтказиш қобилияти, унумдорлик ва самарадорлик графикларидан бирини танланг.


PR79369,0000481-UZ-01MAR21

Фаол

Фаол иловасида ҳозирги пайтда Автоматик профилактика ва Active Terrain Adjustment™ томонидан қўлланаётган созламалар кўрсатилади. Маълумотда ўзгартирилган созлама номи, уни қўллаш сабаби, шунингдек, созламани қўллаш муддати кўрсатилади.

Фаол тарих саҳифасидан кириш мумкин бўлган пунктлар:

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H125227—UN—05FEB19

Самарадорлик/Фаол/Якунланган

Самарадорлик/Фаол/Якунланган—самарадорлик монитори, фаол созламалар ва якунланган созламаларда биридан-бирига ўтиш учун Самарадорлик/Фаол/Якунланган переключателидан фойдаланинг.



H132327—UN—11NOV20

Тизим белгиси

Тизим белгиси — Белги қаторнинг Active Terrain Adjustment™ ёки Автоматик профилактикага тегишли эканини кўрсатади.

Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси



H127035—UN—26SEP19

Силжиш

Силжиш — созламаларга кўлланган жорий ўзгаришларни кўрсатади.



H127033—UN—26SEP19

Сабаб

Сабаб — созлама нима учун қўлланганини кўрсатади.



H127034—UN—26SEP19

Вақт белгиси

Вақт белгиси — созлама тегишли сабабга кўра қўлланган пайтидан қанча вақт ўтганини кўрсатади.

Муайян созлама учун Силжиш тафсилотлари ни кўриш учун Тарих рўйхатида созламани танланг.



H116936—UN—30JAN17

Ёпиш

Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000484-UZ-01MAR21

Якунланган

Якунланган иловаси Автоматик профилактика ва Active Terrain Adjustment™ созламаларига охирги 12 соат ичида киритилган ўзгаришларни кўриш имконини беради. Маълумотда созланган тизим номи, созланиш сабаби ва қачон якунлангани кўрсатилади.

Якунлаш тарихи саҳифасидаги мавжуд пунктлар:

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H125228—UN—05FEB19

Самарадорлик/Фаол/Якунланган

Самарадорлик/Фаол/Якунланган—самарадорлик монитори, фаол созламалар ва якунланган созламаларда биридан-бирига ўтиш учун Самарадорлик/Фаол/Якунланган переключателидан фойдаланинг.



H132327—UN—11NOV20

Тизим белгиси

Функция— созламани қайси тизим бажарганини кўрсатади.



H129180—UN—27FEB20

Active Terrain Adjustment™ силжиш— Active Terrain Adjustment™ вақтинчалик ўзгариш киритди.



H125509—UN—01FEB19

Автоматик профилактика силжиши

Автоматик профилактика силжиши— Автоматик профилактика вақтинчалик ўзгариш киритди.



H125507—UN—01FEB19

Автоматик профилактиканинг турғун созламаси

Автоматик профилактика— Автоматик профилактика турғун созламани бажарди.



H125565—UN—01FEB19

Сабаб

Сабаб—созлама нима учун қўлланилганини билдиради.



H125593—UN—01FEB19

Вақт белгиси

Якунланган— созлама қачон якунланганини кўрсатади.

Муайян созламанинг Силжиш тафсилотлари ёки Созлама тафсилотлари ни кўриш учун Тарих рўйхатида созламани танланг.

Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси



H116936—UN—30JAN17

Ёпиш

Ёпиш учун танланг.

Ўзгартириш тартиби:



H116672—UN—30JAN17

Суриш белгилари

1. Рўйхатни суриш учун тепага-пастга юргизиш белгиларидан фойдаланинг.

ҚАЙД: Энг охирги созламалар рўйхатнинг юқорида қисмида жойлашган.



H116936—UN—30JAN17

Ёпиш

2. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000485-UZ-01MAR21

Силжиш тафсилотлари

Силжиш тафсилотлари жорий ва аввалги созламаларни, уларни бажариш сабабларини ва бажарилган вақтини кўриш имконини беради. Агар созлама "фаол" бўлса, у созламаларга ҳозирги пайтда қўлланилаётган бўлади. Агар созлама "Якунланган" бўлса, демак ўзгаришлар олиб ташланган ва созламалар дастлабки қийматларига қайтарилган бўлади.

ҚАЙД: Мавжуд параметрларга қараб, ушбу саҳифада фақат айрим элементлар акс эттирилади.

Силжиш тафсилотлари саҳифасида Фаол созламалар учун мавжуд пунктлар:



H125594—UN—01FEB19

Фаол силжиш

Фаол силжиш — жорий қўлланган ўзгаришларни кўрсатади.



H129176—UN—27FEB20

Автоматик профилактика сабаби



H129175—UN—27FEB20

Active Terrain Adjustment™ сабаби

Сабаб — созлама нима учун қўлланганини билдиради (Active Terrain Adjustment™ учун жорий қадам ва автоматик профилактика қилиш учун аниқланган носозликлар).



H125579—UN—01FEB19

Вақт белгиси

Вақт белгиси — тегишли сабабга кўра биринчи қўлланган силжишдан қанча вақт ўтганини кўрсатади.



H113740—UN—05FEB19

Реал вақтдаги камера

Реал вақтдаги камера — дон тозалаш элеватори ва сомон тўплагич камераларидан узатилган видеони кўрсатади.

Силжиш тафсилотлари саҳифасида Якунланган созламалар учун мавжуд пунктлар:


Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси



H125594—UN—01FEB19

Фаол силжиш


Фаол силжиш — тегишли сабабга кўра ҳар бир созлама бўйича бажарилган максимал силжишни кўрсатади.



H127981—UN—05NOV19

Вақт белгиси

Вақт белгиси — тегишли сабабга кўра охирги қўлланган силжишдан қанча ўтган вақтни кўрсатади.



H119866—UN—30JAN17

Давомийлик

Давомийлик — тегишли сабабга кўра биринчи қўлланган силжишдан охирги силжиш бекор қилингунгача қанча вақт ўтганини кўрсатади.



H129176—UN—27FEB20

Автоматик профилактика сабаби



H129175—UN—27FEB20

Active Terrain Adjustment™ сабаби

Сабаб — бажарилган силжишларнинг сабабини кўрсатади.



H113740—UN—05FEB19

Реал вақтдаги камера

Реал вақтдаги камера — дон тозалаш элеватори ва сомон тўплагич камераларидан узатилган видеони кўрсатади.

PR79369,0000486-UZ-01MAR21

Ростлаш тафсилотлари

Ростлаш тафсилотлари қандай созламалар амалга оширилгани ва уларнинг сабабаларини кўриш имконини беради. У ростлаш якунланганидан кейин кўрсатилади.

ҚАЙД: Ростлаш тафсилотлари белгиси фақат Автоматик профилактиканинг турғун созламалари учун мавжуд.

Ростлаш тафсилотлари саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



H125251—UN—06FEB19

Ростлаш

Ростлаш — созлама бажарилганини билдиради.



H125252—UN—01FEB19

Олдин

Олдин — созламаларнинг ростланишдан олдинги қийматларини кўрсатади.



H125253—UN—01FEB19

Кейин

Кейин — созламаларнинг ростланишдан кейинги қийматларини кўрсатади.



H129176—UN—27FEB20

Автоматик профилактика сабаби

Сабаб— Автоматик профилактика созлаши қаратилган носозликни кўрсатади.



H129117—UN—16JUL20

Вақт белгиси

Вақт белгиси — созлама қачон бажарилганини кўрсатади.



H113740—UN—05FEB19

Реал вақтдаги камера

Реал вақтдаги камера — дон тозалаш элеватори ва сомон тўплагич камераларидан узатилган видеони кўрсатади.


PR79369,0000487-UZ-01MAR21

Объектив ифлосланиши

Объектив ифлосланиши дон ва сомон камералари объективидаги кир ва ифлосликларни кўрсатади.

Объектив ифлосланиши ҳолати:

ActiveVision™ камераларида ифлосланишининг учта даражаси белгиланган, улар объектив ҳолатини кузатиш имконини беради.



H126959—UN—26SEP19

OK


OK — объектив деярли ифлосланмаганини билдиради.



H126960—UN—26SEP19

Ўртача

Ўртача — объективда ифлосланиш мавжудлигини билдиради. Автоматик профилактика ишини давом эттирмоқда, лекин камерани имкон қадар тезроқ тозалаш тавсия этилади.



H126961—UN—26SEP19

Кўп

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

Кучли — объектив жуда ифлосланганини билдиради. Автоматик профилактика ўчирилади ва камера тозаланмагунча ишга туширилмайди.

ҚАЙД: Объективларни ҳар 10 соатда ёки керагича тозаланг. Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Батафсил маълумот учун Комбайн оператори қўлланмасидаги Техник хизмат кўрсатиш бўлимига қаранг.

PR79369,0000488-UZ-01MAR21

Автоматлаштириш ҳолати

Автоматлаштириш ҳолати HarvestSmart™,Active Terrain Adjustment™, ва Автоматик профилактика ҳолатини кўрсатади.

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H126945—UN—26SEP19

HarvestSmart™ ҳолати

HarvestSmart™ ҳолати — кириш учун танланг.



H129170—UN—27FEB20

Active Terrain Adjustment™

Active Terrain Adjustment™ ҳолати — кириш учун танланг.



H126947—UN—26SEP19

Автоматик профилактика ҳолати


Автоматик профилактика ҳолати — кириш учун танланг.

PR79369,0000489-UZ-01MAR21

HarvestSmart™ созламалари

HarvestSmart™ тизимини ростлаш учун HarvestSmart™ созламаларидан фойдаланиш мумкин. HarvestSmart ™ созламаларига кириш учун экранда ЁҚИШ/ЧИРИШ тугмасининг ўнг томонини танланг.

HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси
Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси




H127982—UN—05NOV19

Мотор қувватининг мақсадли қиймати

Мотор қувватининг мақсадли қиймати — мотор қувватининг HarvestSmart™ фойдалана оладиган мақсадли қийматини тайинлайди.


ҚАЙД: Моторнинг мақсадли қувватини бошқариш пайтида дон исрофи ёқилган бўлганида ва моторнинг мақсадли қуввати ўзгартирилганида моторнинг мақсадли қуввати кўк рангда бўлади.



H118568—UN—20JAN17

Тезлик чеклови

Тезлик чеклови — HarvestSmart™ иловасининг ишлаши учун рухсат берилган максимал юриш тезлигини тайинлайди.



H133501—UN—02MAR21

Ҳозиржавоблик

Ҳозиржавоблик — HarvestSmart™ тизимининг терим шароитларининг ўзгаришига ҳозиржавоблигини бошқаради.



H125233—UN—01FEB19

Дон исрофи кўрсаткичини бошқаради

Дон исрофи кўрсаткичини бошқариш — дон исрофи даражасини бошқариш учун тезлик HarvestSmart™ томонидан назорат қилиниши учун танланг.

ҚАЙД: Бошқариш пайтида мақсадли кўрсаткич кўк рангда акс эттирилади.

Барча Combine Advisor™ тизимлари учун самарадорлик мўлжали ва самарадорлик тарихини кўриш учун Combine Advisor™ иловасида Самарадорлик мониторига қаранг. VisionTrak™ бурчакдаги дисплейда фақат визуал кўрсатма. Умумий исроф ҳажмини ошириш ва тушириш учун ора-орада VisionTrak™ дисплейга қарашингиз мумкин.

PR79369,000048A-UZ-02MAR21

Тезлик чеклови

Тезлик чеклови HarvestSmart™ нинг ишлаши учун рухсат берилган максимал юриш тезлигини тайинлайди.


Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Максимал иш тезлигини ўрнатмоқчи бўлганингизда.
- Ернинг нотекислиги ёки ўроқни ишини тўхтатиб қўйиши мумкин бўлган узатиш шароитлари мавжудлиги сабабли машинанинг тезлигини маълум чегарагача оширишни истамаганингизда.

  Мисол: Ўроқда 8 км/соат (5 мил/соат) тезлик чеклови тайинланган. Ўрнатилган юриш тезлиги 7,5 км/соат (4,7 мил/соат) гача.
- Сиз даланинг деярли ҳосили йўқ жойларида машинани тез юришини хоҳламайсиз. Бунинг натижасида ҳосил меъерига қайтганида машина ҳаддан ортиқ тез юра бошлайди. Тезлик чекловини кутилаётган ҳосил йиғиш тезлигидан сал юқорироқ ўрнатинг.

  Мисол: Ҳосил йиғиш тезлиги ўртача 5,5 км/с (3,4 мил/с) бўлиши кутилмоқда. Юриш тезлигини 7 км/с (4,3 мил/с) ўрнатинг.

Ўзгартириш тартиби:



H118568—UN—20JAN17

Тезлик чеклови

1. Тезлик чекловини ростлашни танланг.

HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси



H118570—UN—31JAN17

Тезлик чеклови

2. Юриш тезлигини ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-)ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.

   Минимум— 2,0 км/с (1.2 мил/с)

   Максимум— 14,0 км/с (8,7 км/с)

   Интервал— 0,1 км/с (0,1 мил/с)

   Тезлик чекловини кутилаётган ўртача ҳосил йиғиш тезлигидан сал юқорироқ ўрнатинг.

   Мисол: Агар сиз ҳосилни 5,5 км/с (3,4 мил/с) тезликда йиғмоқчи бўлсангиз, тезлик чекловини 7 км/с (4,4 мил/с)га ўрнатинг. Агар сиз ҳосилни 8 км/с (5,0 мил/с) тезликда йиғмоқчи бўлсангиз, тезлик чекловини 10 км/с (6,2 мил/с)га ўрнатинг.



H118559—UN—20JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш жараёни:



H118573—UN—20JAN17

Тезлик чеклови

1. Тирсакқўйгични созлаш мурватини ишга туширишни танланг.



H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

2. Исталган юриш тезлигини танлаш учун тирсакқўйгични созлаш мурватидан фойдаланинг.

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

Минимум— 2,0 км/с (1.2 мил/с)

Максимум— 14,0 км/с (8,7 км/с)

Интервал— 0,1 км/с (0,1 мил/с)

PR79369,000048B-UZ-01MAR21

Ҳозиржавоблик

Ҳозиржавоблик HarvestSmart™ тизимининг терим шароитларини ўзгаришига ҳозиржавоблигини бошқаради. Ҳозиржавоблик HarvestSmart™ самарадорлик мўлжали билан аниқланади.

1-созлама — минимум

2-созлама — пасайтирилган созлама

3-созлама — стандарт

4-созлама— Оширилган

5-созлама—Максимум

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:


Қуйидаги ҳолларда оширинг:

Машинани терим шароитларининг ўзгаришига жавобан тезроқ ҳаракат қилишини хоҳласангиз.

Қуйидаги ҳолларда камайтиринг:

Машинани терим шароитларининг ўзгаришига жавобан секинроқ ҳаракат қилишини хоҳласангиз.


Ўзгартириш тартиби:



H133501—UN—02MAR21

Ҳозиржавоблик

1. Ҳозиржавобликни тайинлаш учун танланг.



H125211—UN—05FEB19

Акс жавоб

2. Ҳозиржавобликни ошириш учун (+) ва

HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси

камайтириш учун (-)ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.

Минимум - 1

Максимум - 5

Интерваллар - 1

ҚАЙД: Самарадорликнинг янги мақсадли кўрсаткичи белгиланганда стандарт ҳолатда ҳозиржавоблик кўрсаткичи 3га қайтади.



H118559—UN—20JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,000048C-UZ-02MAR21

HarvestSmart™ | Автоматлаштириш

Автоматлаш HarvestSmart™ тизимини ишга тушириш ёки ўчириш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Бориш-келиш охирида бурилишни бажариш. Ўроқни кўтариш ва статик ҳаракатланиш тезлигини сақлаш туриш учун ўроқни фаоллаштириш 1 тугмасини босинг. Ҳаракатланиш тезлигини бошқариш учун кўп функцияли мурватни суринг.
- Сиз тушириш пайтида доимий ҳаракатланиш тезлигини сақлаб қолишни истайсиз. Созланувчи тугмани босинг.
- Ариқлардан ёки ернинг нотекис жойларидан ўтишга тайёргарлик. Статик ҳаракатланиш тезлигини сақлаб туриш учун созланувчи тугмани босинг ёки ўроқни кўтариш ва статик ҳаракатланиш тезлигини сақлаб туриш учун ўроқни фаоллаштириш 1 тугмасини босинг. Ҳаракатланиш тезлигини бошқариш учун кўп функцияли мурватни суринг.

Ўзгартириш тартиби:



H113848—UN—04JAN17

Алмаштириш тугмаси

1. HarvestSmart ™ автоматлашни ишга тушириш ёки ўчириш учун Комбайн маслаҳатчиси бош саҳифаси переключатель тугмани босинг.

ҚАЙД: Бу жараённинг қолган босқичларини фақат HarvestSmart™ ишлаб турганида амалга ошириш мумкин.



H128157—UN—16JAN20

Жаткани фаоллаштириш тугмалари

2. Ўроқни ишга тушириш учун кўп функцияли дастакнинг олд қисмидаги ўроқни фаоллаштириш 2 ёки 3 тугмасини босинг.



H117005—UN—15APR16

AutoTrac™ давом этиш тугмаси

3. AutoTrac™ ни ишга туширинг ва ҳосилни киритинг.

ҚАЙД: Энг яхши самарадорликка эришиш учун машина йиғим-теримни бошлагандан кейин ва материал роторга етгандан кейин HarvestSmart™ иловасини ишга туширинг.



H128156—UN—14JAN20

Созланувчи тугмалар

4. HarvestSmart™ ни фаоллаштириш учун кўп функцияли дастакнинг ён қисмидаги созланувчи тугмани босинг. Машина аста-секинлик билан ўримнинг аввал тайинланган ўртача тезлигига чиқади.

   HarvestSmart™ вақтинча тўхтатиш учун исталган вақтда созланувчи тугмани босинг. Машина ўришни давом этади ва статик ҳаракатланиш тезлигини сақлаб қолади.



T8T8737—UN—18DEC19

B созланувчи тугма

HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси

AutoTrac – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Стандарт бўйича HarvestSmart™ вақтинча фаоллаштириш функцияси созланувчи B тугмасига тайинланади. Ушбу функцияни Бошқариш элементлари созламаларидаги ҳар қандай бир позицияли созланувчи тугмага тайинлаш мумкин. Агар сиз HarvestSmart ™ни ўроқни фаоллаштириш 2 ёки 3 тугмаларига тайинламоқчи бўлсангиз, ўзингизни John Deere дилерингизга мурожаат қилинг.



T8T8738—UN—18DEC19

Ўроқни фаоллаштириш тугмаси 1

5. Ўроқни кўтариш учун кўп функцияли дастакнинг олд қисмидаги ўроқни фаоллаштириш 1 тугмасини босинг.

HarvestSmart™ қуйидаги ҳолларда вақтинча тўхтатилади:

- Кўп функцияли дастакнинг ён қисмидаги созланувчи тугма HarvestSmart™ фаол пайтида босилса.
- Кўп функцияли дастакнинг ён қисмидаги ўроқни ишга тушириш 1 тугма HarvestSmart™ фаол пайтида босилса.
- Бўшатиш шнеки ишлаб турганида. Бўшатиш шнеки ўчирилганда HarvestSmart ™ ҳаракатланиш тезлигини автоматик бошқаришни тиклайди.

ҚАЙД: Бўшатиш шнеки ёқилган бўлганида мотор ҳаддан ортиқ юклама билан ишласа, HarvestSmart™ ҳаракатланиш тезлигини камайтиради. Бўшатиш шнеки ўчирилмагунча HarvestSmart ™ ҳаракатланиш тезлигини оширмайди.

HarvestSmart™ қуйидаги ҳолларда ўчирилади:


- Кўп функцияли дастак сурилади.
- Ҳаракатланиш тезлиги 2 км/с (1,2 мил/с)дан камаяди.
- Тормоз педаллари босилади.

PR79369,000048D-UZ-01MAR21

Мотор қувватининг мўлжалли қиймати

Мотор қувватининг мақсадли қиймати HarvestSmart™ ни сақлаб туриш учун зарур мотор қувватининг тайинлайди.

Мотор қувватининг мақсадли қийматида мавжуд пунктлар:



H128154—UN—16DEC19

Мотор кучи ҳисоблагичи

Мотор кучи ҳисоблагичи— мотор кучидан фойдаланишни ва максимал мотор кучининг созламаларини кўрсатади. Тизим қизил ёки сариқ рангдаги мақсадли қувватни белгилаш имконини бермайди.



H118584—UN—20JAN17

Мақсадли индикатор

Мақсадли индикатор— Мотор кучининг мақсадли қийматини кўрсатади.

ҚАЙД: Автоматик бошқариш пайтида мақсадли кўрсаткич кўк рангда акс эттирилади.



H118585—UN—20JAN17

Фойланиш индикатори

Фойдаланиш индикатори— жорий фойдаланилаётган мотор кучини кўрсатади.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Полотноли платформани ишлатиш

  Барқарор шароитларда 85-95% атрофида.

  Ўзгарувчан шароитларда 80-90% атрофида.

  Паст бўйли экинларни ўришда ёки мураккаб ўрим шароитларида 75-85% атрофида.

- Шнекли платформа билан ишлашда:

  Барқарор шароитларда 80-90% атрофида.

  Ўзгарувчан шароитларда 75-85% атрофида.

  Паст бўйли экинларни ўришда ёки мураккаб ўрим шароитларида 70-80% атрофида.

- Тажрибаси камроқ оператор. Пастроқ мотор қувватини танланг.
- Ўроқда масса оқими яхши юрмаса, ротор


HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси

узатмаси беқарор бўлади. Пастроқ мотор қувватини танланг.

- Барқарор ва текис узатиш моторни мақсадли қувватини юқорироқ тайинлаш имконини беради.
- Қуруқ шароитларда, текис ерда, бир текис ўришда тик ўсувчи экинларни йиғиш. Моторнинг юқори мақсадли қуввати сифат ва самарадорликни кўпроқ таъминлаши мумкин.
- Лой шароитларда, кескин адирликларда, паст ўриш тезлигида ётиқ экинларни йиғиш. Моторнинг пастроқ мақсадли қуввати унумдорликни барқарорлаштириш имконини беради.

ҚАЙД: Ҳосил лой шароитларда, кескин адирликларда ёки бошқа ноқулай шароитларда ўрилганида қўшимча энергия сарфини ва тизимнинг барқарор самарадорлигини таъминлаш учун мақсадли кўрсаткични 85-95% атрофида тайинлаш тавсия этилади.

Ўзгартириш тартиби:



H128155—UN—16DEC19

Мотор қувватининг мақсадли қиймати

1. Мотор қувватининг мақсадли қийматини созлаш учун танланг.



H127986—UN—20NOV19

Мотор қувватининг мақсадли қиймати

2. Мотор қувватининг мақсадли қийматини ошириш учун (+)ни ёки камайтириш учун (-)ни босинг.

   Минимум - 60%

   Максимум - 100%

   Интерваллар - 1%

Муқобил ўзгартириш жараёни:



H118572—UN—20JAN17

Мотор қувватининг мақсадли қиймати

1. Тирсакқўйгични созлаш мурватини ишга туширишни танланг.



H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

2. Исталган мотор қувватини танлаш учун тирсакқўйгични созлаш мурватидан фойдаланинг.

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

Минимум - 60%

Максимум - 100%


Интерваллар - 1%

PR79369,000048E-UZ-01MAR21

Active Terrain Adjustment™ созламалари

Active Terrain Adjustment™ тепага ва пастга юриб ўришда машинанинг қадамига боғлиқ ҳолда тозаловчи вентилятор, ғалвир ва элакни автоматик тарзда тозалаш имконини беради. Active Terrain Adjustment™ созламаларига кириш учун ёқиш-ўчириш тугмасининг ўнг томонидаги экран ҳудудини танланг.

Active Terrain Adjustment™ созламалари саҳифасида мавжуд пунктлар:




H125216—UN—05FEB19

Тепаликка юришга сезувчанлик

Тепаликка юришга сезувчанлик — ўрим тепалик томон бажарилаётганида дон ва сомон исрофини камайтириш учун тизимнинг транспорт воситасини оғишига ҳозиржавоблигини тезлаштиради ёки секинлаштиради.

Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси



H125217—UN—05FEB19

Пастликка юришга сезувчанлик

Пастликка юришга сезувчанлик — ўрим пастлик томон бажарилаётганида йиғилаётган доннинг тозалигини таъминлаш учун тизимнинг транспорт воситасини оғишига ҳозиржавоблигини тезлаштиради ёки секинлаштиради.



H127987—UN—20NOV19

Ғалвир


Силжишни ростлаш | Ғалвир — ушбу функция Active Terrain Adjustment™ ғалвир учун бажарган созламалар ўлчамини ўзгартириш имконини беради.



H127988—UN—20NOV19

Элак

Силжишни ростлаш | Элак — ушбу функция Active Terrain Adjustment™ элак учун бажарган созламалар ўлчамини ўзгартириш имконини беради.



H127989—UN—20NOV19

Тозаловчи вентилятор

Силжишни ростлаш | Тозаловчи вентилятор — ушбу функция Active Terrain Adjustment™ тозаловчи вентиляторнинг тезлиги учун бажарган созламалар ўлчамини ўзгартириш имконини беради.

PR79369,000048F-UZ-01MAR21

Тепаликка юришга сезувчанлик

Тепаликка юришга сезувчанлик ўрим тепалик томон бажарилаётганида тизимнинг транспорт воситасини оғишига ҳозиржавоблигини тезлаштириб ёки секинлаштириб дон ва сомон исрофини камайтиришга ёрдам беради.

ҚАЙД: Тепаликка юришга сезувчанликни юқорироқ қиймати тепалик томон бажарилаётганида тизимнинг ҳозиржавоблигини тезлаштиради, пастроқ қиймати эса секинлаштиради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:


- Active Terrain Adjustment ™ ўта тез ёки ўта кеч созланади, натижада тепаликка юриб ўришда дон исрофи ва сомон кўрсаткичи текисликдаги ўримга нисбатан ошиб кетади.
- Ҳосил тепаликка юриб ўрилганда дон бункери тозаланмайди. Паст сезувчанликни ўрнатинг.
- Ҳосил тепаликка юриб ўрилганда ўриш пайтидаги тозалагичдаги исроф ёки сомон даражаси кўпаяди. Юқори сезувчанликни ўрнатинг.

1-созлама — созламалари йўқ (-100)

5-созлама — стандарт (0) товуш даражаларини ростлайди

9-созлама — икки баробар (100) товуш даражаларини ростлайди

Ўзгартириш тартиби:



H125216—UN—05FEB19

Сезувчанлик

Исталган сезувчанликни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-)ни танланг.

PR79369,0000490-UZ-01MAR21

Пастликка юришга сезувчанлик

Пастликка юришга сезувчанлик ўрим пастлик томон бажарилаётганида йиғилаётган доннинг тозалигини таъминлаш учун тизимнинг транспорт воситасини оғишига ҳозиржавоблигини тезлаштиради ёки секинлаштиради.

ҚАЙД: Тепаликка юришга сезувчанликни юқорироқ қиймати тепалик томон бажарилаётганида тизимнинг ҳозиржавоблигини тезлаштиради, пастроқ қиймати эса секинлаштиради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:


- Active Terrain Adjustment™ тизими ўта тез ёки ўта кеч созланади, натижада тепаликка юриб ўришда дон исрофи ва сомон кўрсаткичи текисликдаги ўримга нисбатан ошиб кетади.
- Ҳосил пастликка юриб ўрилганда ўриш пайтидаги тозалагичдаги исроф ёки сомон даражаси кўпаяди. Паст сезувчанликни ўрнатинг.
- Ҳосил пастликка юриб ўрилганда дон бункери тозаланмайди. Юқори сезувчанликни ўрнатинг.

1-созлама — созламалари йўқ (-100)

5-созлама — стандарт (0) товуш даражаларини ростлайди

9-созлама — икки баробар (100) товуш даражаларини ростлайди

Ўзгартириш тартиби:



H125217—UN—05FEB19

Сезувчанлик

Исталган сезувчанликни ошириш учун (+) ва камайтириш учун (-)ни танланг.

PR79369,0000491-UZ-01MAR21

HarvestSmart™ ҳолати



H126945—UN—26SEP19

HarvestSmart™ ҳолати

HarvestSmart™ ҳолати HarvestSmart™ нинг жорий ҳолатини маълум қилиш учун қўлланмоқда. Шунингдек, HarvestSmart ™ ҳолати тизим тўғри ишлаши учун бажарилиши лозим бўлган талабаларни ва тизимга таъсир кўрсатувчи носозликларни кўриш имконини беради. Батафсил маълумот олиш учун HarvestSmart™ ҳолатини танланг.

HarvestSmart™ ҳолати саҳифасида мавжуд пунктлар:

ҚАЙД: Бу ерда барча имкониятлар келтирилмаган. Жорий ҳолатлар рўйхатини очиш учун HarvestSmart™ ҳолатини танланг.



H113730—UN—30JAN17

ON/OFF

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ автоматлаш — тизимни ёқилгани ёки ўчирилганини билдиради.



H126948—UN—26SEP19

Кутиш режими

Кутиш режими— тизим кутиш режимида турганини ёки мақсадли кўрсаткичлар ҳолатини тайёрлаётганини билдиради.



H126949—UN—26SEP19

Фаол

Фаол— тизим фаол ёки сақланиб турадиган ҳолатда эканини билдиради.



H114663—UN—05JAN17

Муаммо

Муаммо— тизимда бир ёки бир нечта жиддий носозликлар мавжудлигини билдиради.



H126950—UN—26SEP19

Юриш тезлиги чеклови

Юриш тезлиги чеклови— юриш тезлиги чекланган кўрсаткичга етганида намойиш этилади.

HarvestSmart™ талаблари:

- HarvestSmart™ Автоматлаш ишга туширилган бўлиши керак.
- Мўлжалдаги унумдорликни тайинланган бўлиши керак.
- Машина ҳосил йиғишга тайёр бўлиши лозим:
  - Сепаратор ишга туширилиши керак.
  - Ўргич ишга туширилган бўлиши керак.
  - Мотор холостой юргизишнинг юқори айланмаларида бўлиши керак.
- Кўп функцияли дастак камида 2 км/с (1,25 мил/с) га созланиши керак

Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси
HarvestSmart – Deere & Company савдо белгиси



H114663—UN—05JAN17

Бажарилмаслик белгиси

Белги талаб бажарилмаганида кўрсатилади.



H114662—UN—05JAN17

Бажариш белгиси

Шарт бажарилганда яшил белги пайдо бўлади.



H114674—UN—06FEB19

Ёпиш

Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000492-UZ-01MAR21

Active Terrain Adjustment™ ҳолати

Active Terrain Adjustment™ ҳолати Active Terrain Adjustment™ нинг жорий ҳолатини маълум қилиш учун қўлланмоқда. Шунингдек, Active Terrain Adjustment™ ҳолати тизим тўғри ишлаши учун бажарилиши лозим бўлган талабаларни ва тизимга таъсир кўрсатувчи носозликларни кўриш имконини беради.

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H129170—UN—27FEB20

Active Terrain Adjustment™ ҳолати

Батафсил маълумот учун Active Terrain Adjustment™ ҳолатини танланг.

Active Terrain Adjustment™ ҳолати саҳифасида мавжуд пунктлар:

ҚАЙД: Бу ерда барча имкониятлар келтирилмаган. Жорий ҳолатлар рўйхатини очиш учун Active Terrain Adjustment™ ҳолатини танланг.



H113730—UN—30JAN17

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

Active Terrain Adjustment – Deere & Company савдо белгиси

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ автоматлаш — тизимни ёқилгани ёки ўчирилганини билдиради.



H126951—UN—26SEP19

Кутиш режими

Кутиш режими — силжишларни қўлламаётганда кўрсатилади (қиялик/тушиш етишмаслиги сабабли).



H129163—UN—27FEB20

Фаол

Фаол — тизим нимага мослашганини кўрсатувчи кўтарилиш ёки туширилишни кўрсатади.



H114663—UN—05JAN17

Муаммо

Муаммо — тизимда бир ёки бир нечта жиддий носозликлар мавжудлигини билдиради.

Active Terrain Adjustment™ талаблари:

- Active Terrain Adjustment™ автоматлаштириш ёқилган бўлиши керак.
- Машина ҳосил йиғишга тайёр бўлиши лозим:
  - Сепаратор ишга туширилиши керак.
  - Ўргич ишга туширилган бўлиши керак.
  - Мотор холостой юргизишнинг юқори айланмаларида бўлиши керак.
- Ўроқ ёзиб олишни тўхтатиш баландлигидан паст бўлиши керак.



H114663—UN—05JAN17

Хабар

Маълумот талаб бажарилмаганида кўрсатилади.



H114662—UN—05JAN17

Яшил белги

Шарт бажарилганда яшил белги пайдо бўлади.



H118541—UN—30JAN17

Ўроқ тафсилотлари

"Ўроқ ёзиб олишни тўхтатиш баландлигидан паст бўлиши керак" талаби бажарилмаган, Ўроқ тафсилотлари саҳифасига кириш учун танланг.



H114674—UN—06FEB19

Ёпиш

Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000493-UZ-01MAR21

Автоматик профилактика ҳолати

Автоматик профилактика ҳолати Автоматик профилактика тизимининг жорий ҳолатини маълум қилиш учун қўлланмоқда. Шунингдек, Автоматик профилактика ҳолати тизим тўғри ишлаши учун бажарилиши лозим бўлган талабаларни ва тизимга таъсир кўрсатувчи носозликларни кўриш имконини беради.

ҚАЙД: Қуйидаги элементларнинг айримлари фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H126947—UN—26SEP19

Автоматик профилактика ҳолати

Батафсил маълумот учун Автоматик профилактика ҳолатини танланг.

Автоматик профилактика ҳолати саҳифасида мавжуд пунктлар:

ҚАЙД: Бу ерда барча носозликлар келтирилмаган. Жорий ҳолатлар рўйхатини очиш учун Автоматик профилактика ҳолатини танланг.



H113730—UN—30JAN17

ON/OFF

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ автоматлаш — тизимни ёқилгани ёки ўчирилганини билдиради.



H126953—UN—26SEP19

Кутиш режими

Фаол эмас— тизим ишга туширилиб, носозликлар аниқланмаганда кўрсатилади.



H126954—UN—26SEP19

Фаол

Фаол— тизим исроф ёки сифатни эътиборга олганида кўрсатилади.



H114663—UN—05JAN17

Муаммо

Муаммо— тизимда бир ёки бир нечта жиддий носозликлар мавжудлигини билдиради.



H126955—UN—26SEP19

Мақсадга эришиш жараёни

Мақсадга эришиш жараёни— тизим унумдорликни мақсадли кўрсаткичларига эришганда кўрсатилади.

Автоматик профилактика шартлари:

- Автоматик профилактика ишга туширилган бўлиши лозим.
- Мўлжалдаги унумдорликни тайинланган бўлиши керак.
- Машина ҳосил йиғишга тайёр бўлиши лозим:
  - Сепаратор ишга туширилиши керак.
  - Ўргич ишга туширилган бўлиши керак.
  - Мотор холостой юргизишнинг юқори айланмаларида бўлиши керак.
- Ўроқ ёзиб олишни тўхтатиш баландлигидан паст бўлиши керак.
- Изчил экин ҳолатларида бўлиши керак:
  - Машинанинг юриш тезлиги барқарор бўлиши керак.
  - Экин оқими бўлиши керак.



H114663—UN—05JAN17

Бажарилмаслик белгиси

Белги талаб бажарилмаганида кўрсатилади.



H114662—UN—05JAN17

Бажариш белгиси

Шарт бажарилганда яшил белги пайдо бўлади.



H116936—UN—30JAN17

Ёпиш


Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000494-UZ-01MAR21

Самарадорликни оптималлаштириш

Муқаддам Интерактив комбайн созламалари деб номланган Самарадорликни оптималлаштириш иловаси аниқланган битта ёки бир нечта носозлик асосида фойдаланувчига созламаларни тавсия этади.

Самарадорликни оптималлаштириш бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:



H127037—UN—26SEP19

Самарадорлик муаммолари

Самарадорлик муаммолари — машинага тегишли бўлган битта ёки бир нечта самарадорлик муаммолари тўғрисида маълум қилиш учун танланг.



H127038—UN—26SEP19

Жорий созламалар

Жорий созламалар — Ҳосил йиғиш созламалари иловасини очиш учун танланг.



H125517—UN—01FEB19

Ечими

Ечимлар — битта ёки бир нечта самарадорлик муаммолари маълум қилинганидан сўнг намойиш бўлади. Тизим тавсия этган ечимларни танлаб, машинага қўллаш имконини беради.



H126962—UN—26SEP19

Стоп

Тўхтатиш — барча муаммоларни бартараф этиш учун танланг.

ҚАЙД: Стоп фақат битта ёки бир нечта муаммо белгиланганда танланиши мумкин.



H126963—UN—26SEP19

Қўллаш

Қўллаш — жорий танланган ечимни қўллаш учун танланг.

ҚАЙД: Фақат битта ёки бир нечта муаммо белгиланганда қўлланиши мумкин.



H116936—UN—30JAN17

Ёпиш

Ёпиш учун танланг.

ҚАЙД: Агар Сиз самарадорликни оптималлаштиришни иловасини танланган жиддий муаммолар билан ёпсангиз тизим жорий танлаганларингизни хотирасида сақлаб қолади. Иловани такроран очилиши тизимни ўша танлов асосида ечим қидиришга мажбур қилади.

PR79369,0000495-UZ-01MAR21

Ғалвирда силжишни ростлаш

Силжишни ростлаш | Ғалвир Active Terrain Adjustment™ тизимнинг кўрсатмасига мувофиқ ғалвир учун қадам катталигини бошқаради.


Автоматлаштиришга киритиш

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Автоматлаштиришга киритиш — ғалвир Active Terrain Adjustment™ томонидан бошқарилишини хоҳласангиз байроқча белгисини тайинланг. Агар ғалвир Active Terrain Adjustment ™ томонидан бошқарилишини хоҳламасангиз, Автоматлаштиришга киритиш байроқча белгисини олиб ташланг.

Ўзгартириш тартиби:

Active Terrain Adjustment ™ функцияси ғалвирни бошқармаслиги учун байроқча белгисини олиб ташланг.



H126183—UN—24APR19

Автоматлаштиришга киритиш

ҚАЙД: Стандарт бўйича "Автоматлаштиришга киритиш" турли экин турлари учун турли ҳолатларга эга.

ҚАЙД: Агар "Автоматлаштиришга киритиш" байроқчаси ўрнатилган бўлса, бош экранда "Бошқарилмоқда" деган ёзув пайдо бўлади. Агар бу байроқча ўрнатилмаган бўлса, экранда "Эътиборга олинмади" ёзуви пайдо бўлади

Қадам ҳажми

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

ҚАЙД: Агар сезувчанлик созламаси самарасиз бўлса, қадам катталигини созланг.

ҚАЙД: Қадам катталиги - Active Terrain Adjustment ™ ёрдамида бажарилган алоҳида созламаларнинг катталигидир, у созламаларнинг умумий диапазони ёки созламалар сони эмас.


Қадам катталигини ошириш

Ушбудан максимал сезувчанликни тайинлаш исталган натижага олиб келмаса ёки битта (вентилятор тезлиги, ғалвир ёки элак) компонентдан ташқари барчаси бошқалардан каттароқ созланишни талаб этганда фойдаланинг.

Қадам катталигини камайтириш:

Ушбудан минимал сезувчанликни тайинлаш исталган натижага олиб келмаса ёки битта (вентилятор тезлиги, ғалвир ёки элак) компонентдан ташқари барчаси бошқалардан пастроқ созланишни талаб этганда фойдаланинг.

Ўзгартириш тартиби:



H125580—UN—01FEB19

Қадам ўлчами

1. Рақамли клавиатурани очиш учун Қадам катталигини танланг ва исталган қийматни киритинг.



H114645—UN—05JAN17

Ғалвир

Минимум: 1

Бирламчи: Ўрилаётган экин турига боғлиқ ҳолда.

Максимум: 3

Қадам: 1



H114674—UN—06FEB19

Ёпиш

2. Ёпиш учун танланг.

PR79369,0000496-UZ-01MAR21

Элакда силжишни ростлаш

Силжишни ростлаш | Элак Active Terrain Adjustment™ тизимнинг кўрсатмасига мувофиқ элак учун қадам катталигини бошқаради.

Автоматлаштиришга киритиш

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Автоматлаштиришга киритиш — элак Active Terrain Adjustment™ томонидан бошқарилишини хоҳласангиз байроқча белгисини тайинланг. Агар элак Active Terrain Adjustment™ томонидан бошқарилишини хоҳламасангиз, Автоматлаштиришга киритиш байроқча белгисини олиб ташланг.

Ўзгартириш тартиби:



H126183—UN—24APR19

Автоматлаштиришга киритиш

Active Terrain Adjustment ™ функцияси элакни бошқармаслиги учун байроқча белгисини олиб ташланг.

ҚАЙД: Стандарт бўйича "Автоматлаштиришга киритиш" турли экин турлари учун турли ҳолатларга эга.

ҚАЙД: Агар "Автоматлаштиришга киритиш" байроқчаси ўрнатилган бўлса, бош экранда "Бошқарилмоқда" деган ёзув пайдо бўлади. Агар бу байроқча ўрнатилмаган бўлса, экранда "Эътиборга олинмади" ёзуви пайдо бўлади

Қадам ҳажми

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

ҚАЙД: Агар сезувчанлик созламаси самарасиз бўлса, қадам катталигини созланг.

ҚАЙД: Қадам катталиги алоҳида орттирмалардир, у созламаларнинг умумий диапазони ёки созламалар сони эмас.


Қадам катталигини ошириш

Ушбудан максимал сезувчанликни тайинлаш исталган натижага олиб келмаса ёки битта (тозалаш вентилятор тезлиги, ғалвир ёки элак) компонентдан ташқари барчаси бошқалардан каттароқ созланишни талаб этганда фойдаланинг.

Қадам катталигини камайтириш:

ҚАЙД: Дала чироғи ЁНИҚ бўлса, чап ёки ўнг қаторни ёритиш чироғини ёқиш учун бурилиш сигнали дастагидан фойдаланинг.

- Оператор тунда ва ёруғлик кам шароитларда ишлаганда бункер чироғи бункерни ёритади.
- Дон бункернинг 3/4 қисми тўлганлиги датчигига етганда, бункер чироғи ЎЧАДИ.
- Дала чироғи ЁНИҚ ҳолатда шнек 50 % дан ортиқ узайтирилганда бўшатиш шнеки чироғи ЁНАДИ.
- Бўшатиш шнеки чироғи тунда ва ёруғлик кам шароитларда бункерни бўшатиш учун ёруғлик билан таъминлайди.

OUO6075,00049AF-UZ-31MAY18

Ёритиш чироқлари жойлари (чап ва ўнг кўриш чироқлари) (давоми)



H107109—UN—28FEB13

A—Бункер чироғи
B—Қаторни ёритиш чироқлари
C—Чайкасимон қанот сервис чироқлари
D—Тозалагич сервис чироқлари
E—Мотор бўлмаси сервис чироқлари
F—Бўшатиш шнеки чироғи
G—Тозалагич сервис чироғи тугмаси
H—Чайкасимон қанот сервис чироқлари тугмаси
I—Мотор бўлмаси сервис чироқлари тугмаси

Тозалагич сервис чироқлари

ҚАЙД: Сепаратор ёқилгандан кейин оператор ўрнини тарк этса, бошмоқ сервис чироқлари ёнади ва сепаратор тезлиги нолга етгунича ёнишда давом этади.

- Тозалагич сервис чироқлари (D) тунда ёки ёруғлик кам шароитларда тозалаш бошмоғини ростлаш учун операторни ёруғлик билан таъминлайди.
- Тозалагич сервис чироқларини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ переключатели (G) чап томон сепаратор тўсиғидан юқорида жойлашган.
- Техник хизмат кўрсатиш ва сервис ишлари пайтида ёнади (ҳосил йиғиш пайтида ёнмайди).

Чайкасимон қанот сервис чироқлари (опционал)

ДИҚҚАТ: Ҳайдовчини чалғитманг. Ташиш пайтида корпус қаноти сервис чироқларини ишлатманг.

ҚАЙД: Сепаратор ёқилгандан кейин оператор ўрнини тарк этса, корпус қаноти сервис чироқлари ёнади ва сепаратор тезлиги нолга етгунича ёнишда давом этади.


- Чайкасимон қанот сервис чироқлари (C) машинанинг иккала томонида корпус қаноти

эшикчалари остида мавжуд бўлиб, ажраткич ҳудудини яхшироқ кўриш имконини беради.

- Чайкасимон қанот сервис чироқларини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ переключатели (G) чап томон сепаратор тўсиғидан юқорида жойлашган.

OUO6075,00049B0-UZ-31MAY18

Ёритиш чироқлари жойлари (чап ва ўнг кўриш чироқлари) (давоми)



H107109—UN—28FEB13

A—Бункер чироғи
B—Қаторни ёритиш чироқлари
C—Чайкасимон қанот сервис чироқлари
D—Тозалагич сервис чироқлари
E—Мотор бўлмаси сервис чироқлари
F—Бўшатиш шнеки чироғи
G—Тозалагич сервис чироғи тугмаси
H—Чайкасимон қанот сервис чироқлари тугмаси
I—Мотор бўлмаси сервис чироқлари тугмаси

Мотор бўлмаси сервис чироқлари (опционал)

ДИҚҚАТ: Ҳайдовчини чалғитманг. Ташиш пайтида мотор бўлмаси сервис чироқларини ишлатманг.

- Мотор бўлмаси сервис чироқлари (E) тунда ёки ёруғлик кам шароитларда цилиндрлар блоки юқори юзасини ёритади.
- Мотор бўлмаси сервис чироқларини ЁҚИШ/ЎЧИРИШ переключатели (I) машинанинг ўнг орқа томонида жойлашган.
- Переключател орқали мотор бўлмаси эшиги чироғи, орқа цилиндрлар блоки юқори юзаси чироғи ва мотор бўлмаси олд чироғи бошқарилади.
- Техник хизмат кўрсатиш ва сервис ишлари пайтида ёнади (ҳосил йиғиш пайтида ёнмайди).

Чиқиш ёруғлик таблоси

- Ўт олдиргич ва чироқ переключатели ЎЧИРИЛГАНДАН сўнг қаторни ёритиш чироқлари (B) максимум 180 сония ёниқ қолади (олдинги 5 дақиқа ичида йўл ёки дала чироқлари фойдаланилаётган бўлса). Оператор бурилиш сигнали дастаги ёрдамида машинанинг чап ёки ўнг томонини ёритишни танлаши мумкин.

OUO6075,00049B1-UZ-31MAY18

Ёритишнинг кечикиши/таймаут


Дастлаб барча чироқлар OFF ҳолатдаги ўт олдиргич билан ON ҳолатига буралганда, бироз кечикиш бўлади. Машина жорий аккумулятор кучланиши машина ишламаса ҳам чироқларни бошқариши мумкинлигини аниқламоқда. Бу функция машинанинг аккумулятордан жуда кўп кучаниш олиниши сабабли ўт олдирилмаслигининг олдини олишга ёрдам беради.

ҚАЙД: Тозалаш бошмоғи чироқлари, сервис чироқлари ёки мотор бўлмаси сервис чироқлари 10 дақиқа ёнганидан сўнг, зудлик билан ЎЧАДИ, сўнг 20 сония ЁНАДИ. Бу давр 3 дақиқа давом этади, сўнг переключатель ёнмагунича чироқлар ЎЧАДИ. Переключатель ёнганидан сўнг чироқлар ёнмаса, машина ёритиш ишлари учун аккумулятор кучланиши жуда пастлигини аниқлаган бўлади. Мотор ишлаётганда чироқлар яна бир марта ёнади ва аккумулятор қайта қувватланади.


OUO6075,0004937-UZ-12APR18

Қабул камераси


Гидравлик цилиндрнинг хавфсизлик тиргаги



H121063—UN—14MAR17



H112829—UN—18FEB15



H90891—UN—26FEB08

A—Хавфсизлик тиргаги

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қабул камерасини пасайтиришда гидравлик линия фитингларининг дарз кетиши қабул камераси ва ўроқнинг тушиб кетишига олиб келади.

Қабул камерасини олдинга/орқага қўлда эгиш

Қабул камерасини тўлиқ кўтаринг ва хавфсизлик тиргагини (A) гидравлик цилиндр штокига туширинг.

Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гидравлик қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиши

Қабул камерасини тўлиқ кўтаринг ва гидравлик қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиш рамасини олдинга эгинг ҳамда хавфсизлик тиргагини (A) гидравлик цилиндр штокига туширинг.


Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Қабул камераси кўтарилиб, ўроқ уланганида, қабул камерасини олдинга/орқага эгилиши автоматик тарзда олдинга ҳаракатланади ва қабул камераси хавфсизлик тиргагини гидравлик цилиндр штокига тушириш имконини беради. Туширaётганда қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиши автоматик равишда сўнгги ҳолатига қайтади.


Ўроқ узилганида, қабул камерасини кўтараётганда олдинга/орқага эгилиши автоматик тарзда олдинга ҳаракатланади. Туширaётганда қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиши сўнгги ҳолатига қайтмайди.

OUO6075,00046F1-UZ-29MAR17

Қабул камерасининг ён қалқонлари



H91044—UN—27MAR08



H91045—UN—27MAR08

A—Лўкидон
B—Лўкидон
C—Тез ёпилувчи штифт


ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг ва хавфсизлик тиргагини туширинг. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қабул камераси қалқонлари олд ва орқа қалқондан иборат.


1. Лўкидонни (A) буранг ва техник хизмат учун олд қалқонни чайқатинг.
2. Лўкидонни (B) буранг ва орқа қалқонни чиқариш учун тез ёпилувчи штифтларни (C) ечинг.
3. Машинани ишга туширишдан олдин қалқонларни ўрнатинг ва ёпинг.

OUO6075,0004E85-UZ-16JUN20

Қабул камераси қопқоқлари



H100486—UN—28FEB11



H90905—UN—27FEB08


A—Гайка (2 та)
B—Қопқоқ
C—Қопқоқ (2 та)

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.


1. Қопқоқнинг ҳар бир томонидаги гайкаларни (A) бўшатинг ва уларни қабул камераси маркази томон босинг.
2. Қопқоқни (B) ечиш учун олдинга тортинг.
3. Қабул камерасининг ичига кириш учун қопқоқларни (C) кўтаринг.
4. Машинани ишга туширишдан олдин қопқоқларни ёпинг.

OUO6075,0004E86-UZ-16JUN20

Узатишни тезлатгичга юқоридан кириш қопқоғи



H100487—UN—28FEB11



H100488—UN—28FEB11


A—Гайка (2 та)
B—Қопқоқ
C—Қопқоқ

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Қопқоқнинг ҳар бир томонидаги гайкаларни (A) бўшатинг ва уларни машинанинг маркази томон босинг.
2. Қопқоқни (B) ечиш учун олдинга тортинг.
3. Қопқоқни (C) ечиш учун ёнга суринг.
4. Машинани ишга туширишдан олдин қопқоқларни ёпинг.

OUO6075,0004E87-UZ-16JUN20

Қабул камерасининг пастки қопқоғи ва узатиш ликопчасининг маҳкамловчи тиргаги (A тури)



H52761—UN—17MAY99


A—Дастак

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, хавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.

Тез ёпилувчи штифтни олиб ташланг ва дастакни (A) пастга ва орқага тортинг.

МУҲИМ: Қабул камераси туширилганда дастак пастда қолиб кетса, қайрилиб қолади.

Қопқоқни ёпиш учун дастакни олдинга ва тепага итаринг. Аввалроқ ечилган тез ёпилувчи штифт билан қотириб қўйинг.



H74778—UN—14JAN03

A—Тўсин тиргаги
B—Қалпоқчали винтлар
C—Кулак

Агар тўсин тиргаги (A) узатиш ликопчасига яхшилаб маҳкамланмаса, дон ташқарига тўкилиб кетиши мумкин.

Ҳар икки томондаги қалпоқчали винтларни (B) бўшатинг.


Кулакни (C) буранг.

Кулакни маҳкамлаш учун қалпоқчали винтлар билан қотиринг.

Қолган қалпоқчали винтларни қотиринг.

OUO6075,0004554-UZ-01DEC16

Қабул камерасининг пастки қопқоғи ва узатиш ликопчасининг маҳкамловчи тиргаги (B тури)



H120113—UN—29NOV16

A—Гайкалар
B—Думалоқ каллакли болт
C—Тез ёпилувчи штифт
D—Дастак

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, хавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.

1. Машинанинг ҳар икки томонидаги гайкалар (A) ва думалоқ каллакли болтларни (B) ечинг.
2. Тез ёпилувчи штифтни (C) олиб ташланг ва дастакни (D) пастга ва орқага тортинг.


ДИҚҚАТ: Чап томондаги қабул камерасининг кўтариш цилиндри шланг фитингига қабул камераси пастга туширилганида қопқоқ очиқ қолиб кетса, қабул камерасининг қуйи қопқоғига тегиш натижасида зарар етиши мумкин. Агар фитингга зарар етса, гидравлик мой фитингдан оқиб чиқиши мумкин ва қабул камераси кутилмаганда ва бехосдан ерга тушиб кетиши мумкин.

МУҲИМ: Қабул камераси туширилганда дастак пастда қолиб кетса, қайрилиб қолади.

3. Қопқоқни ёпиш учун дастакни олдинга ва тепага итаринг. Аввалроқ ечилган тез ёпилувчи штифт билан қотириб қўйинг.

4. Аввалроқ ечилган думалоқ каллакли болт (B) ва гайкаларни (A) машинанинг ҳар иккала томонида ўрнатинг.


Узатиш ликопчасини ростлаш




H120114—UN—29NOV16

A—Тўсин тиргаги
B—Гайка
C—Гайка

1. Агар тўсин тиргаги (A) узатиш ликопчасига яхшилаб маҳкамланмаса, дон ташқарига тўкилиб кетиши мумкин.
2. Тешик бор томонда гайкани (B) бўшатинг ва гайкани (C) керагича қотиринг.
3. Аввалроқ бўшатилган гайкани (B) гайка (C) устига қотиринг.



H120116—UN—29NOV16



H120115—UN—29NOV16

A—Гайка
B—Гайка
C—Думалоқ каллакли болт
D—Тез ёпилувчи штифт
E—Дастак
F—Гайка
G—Гайка
H—Уя


4. Яна ростлаш керак бўлса, машинанинг ҳар икки томонидаги гайкаларни (A ва B) думалоқ каллакли болтдан (C) ечинг.
5. Тез ёпилувчи штифтни (D) олиб ташланг ва дастакни (E) пастга ва орқага тортинг.
6. Гайкаларни (F ва G) бўшатинг ва тўсин тиргагини уяга (H) керагича ростлаб киритинг.
7. Аввалроқ бўшатилган гайкаларни (F ва G) қотиринг.

ҚАЙД: Дастак ортиқча куч сарфламасдан осонлик билан ёпилиши керак.

8. Қопқоқни ёпиш учун дастакни (E) олдинга ва тепага итаринг. Аввалроқ ечилган тез ёпилувчи штифт (D) билан қотириб қўйинг.
9. Аввалроқ ечилган думалоқ каллакли болтни (C) ўрнатинг ва гайкани (A) машинанинг ҳар иккала томонида қотиринг.
10. Аввалроқ ечилган думалоқ каллакли болтни (B) машинанинг ҳар иккала томонида гайкага (A) қотиринг.

OUO6075,0004CB9-UZ-24OCT19

Тош ажраткич



H99239—UN—01DEC10

A—Тез ёпилувчи штифт
B—Дастак

⚠ ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, ҳавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.


Тош ажраткич цилиндр ва барабан ости платформасини тошлардан келадиган зиёнлардан ҳимоя қилади.

Тез ёпилувчи штифтни (A) ечинг ва дастакни (B) тош ажраткични очиш учун тепага суринг.


Тош ажраткични ёпиш учун дастакни пастга суринг. Тез ёпилувчи штифт билан қотириб қўйинг.

OUO6075,000065C-UZ-01DEC10

Қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиш рамасини ростлаш ва созлаш (қўлда эгиш)



H95791—UN—22MAR10



H105003—UN—08MAR12

Орқага ҳаракатланиш тешиклари (чапда) / олдинга ҳаракатланиш тешиклари (ўнгда)

A—Эгилиш рамаси гайкалари, M16
B—Эгилиш рамаси гайкаси, M20
C—Қалпоқчали винт
D—Шайба шлицлари
E—Гайкалар
F—Стопор

⚠ ДИҚҚАТ: Олдинга/орқага эгилувчи раманинг тортувчи муфтасидан чиқувчи кучланишни енгиллаштириш учун ўроқни ерга туширинг. Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Олдинга/орқага эгилиш рамаси таянч плитаси билан ер ўртасида тўғри алоқа ўрнатиш учун қўлланилади. Бу турли ўлчамдаги шиналар, орқа ўқ параметрлари ва бошқа ўзгарувчиларни компенсация қилади.


Машинанинг ҳар икки томонидаги эгилиш рамаси гайкалари (A) ва гайкани (B) бўшатинг.

МУҲИМ: Қалпоқчали винтни (C) бўшатманг.

Шайбанинг тишсимон халқаларини (D) ҳар иккала томондаги таянч плитасидан ажратинг.

ҚАЙД: Зарур бўлса, ўнг томон стопорини монтаж тешиклари томон орқага суринг.

Ҳар иккала томондаги гайкаларни (E) бўшатинг ва стопорни (F) орқага суринг.




H105751—UN—05SEP12

A—Гайка
B—Тортувчи муфта


МУҲИМ: Олдинга/орқага эгилиш рамасини ростлаётганда кўп элементли разъёмдаги шланг хомутининг жойини ўзгартириш талаб этилиши мумкин.

Ўроқда керакли бурчакни таъминлаш учун ҳар иккала томондаги гайкани (A) бўшатинг ва тортувчи муфтани (B) ростланг.

Ҳар иккала томондаги тортувчи муфта гайкасини қотиринг.



H95791—UN—22MAR10



H105003—UN—08MAR12

Орқага ҳаракатланиш тешиклари (чапда) / олдинга ҳаракатланиш тешиклари (ўнгда)

A—Эгилиш рамаси гайкалари, M16
B—Эгилиш рамаси гайкаси, M20
C—Қалпоқчали винт
D—Шайба шлицлари
E—Гайкалар
F—Стопор

Шайбанинг тишсимон халқаларини (D) таянч плитасига киритинг ва ҳар иккала томондаги эгилувчи рама гайкаларини (A ва B) керагича қотиринг.

Характеристика

M16 эгилиш рамаси гайкалари
(A)—Айланиш моменти. . . . . 300 N m (221 фунт/фут)

M20 эгилиш рамаси гайкаси
(B)—Айланиш моменти. . . . . 620 N m (460 фунт/фут)


МУҲИМ: Гайкалар қотирилганидан сўнг стопорлар ва олдинга/орқага эгилиш рамаси орасида тирқишлар бўлмаслиги лозим.

ҚАЙД: Ўнг томон стопорини олдинга ҳаракатланиш ва орқага ҳаракатланиш тешикларига керагича маҳкамланг.

Ҳар иккала томондаги стопорни (F) тўлиқ олдинга суринг ва гайкаларни (E) талаб этилганидек қотиринг.

Характеристика

Стопор гайкалари—Айланиш моменти. . . . . 130 N m (96 фунт/фут)



H94359—UN—24JUN09

A—Цапфа болти

Эгилиш рамаси заводда тахминий нуқтага ўрнатилади, аммо агар шиналар ёки ўқ жойлашуви ўзгарса ёки ер шароитлари ўзгарса (юмшоқ ер), уни қайтадан ростлаш талаб этилиши мумкин.

Ўроқ уланмаганда тахминий созлашни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

- Машина силлиқ юзада бўлганида қабул камерасини цапфа болтигача (A) ергача кўрсатилган масофагача туширинг ёки кўтаринг.


Характеристика

Цапфа болти
ергача—Масофа. . . . . 903 мм (35-1/2 дюйм)

- Дастакдан чама сифатида фойдаланиб, олдинга/орқага эгилиш рамасини олд томони вертикал ҳолатга келгунча ростланг.

OUO6075,0001757-UZ-12MAR14

Қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиш рамасининг ноль нуқтасини созланг (гидравлик эгилиш) (агар жиҳозланган бўлса)



H109755—UN—03FEB14

A—Айланма штифт

⚠ ДИҚҚАТ: Калибрлаш амалга оширилаётганда бошқаларни машинадан узоқ туриш ҳақида огоҳлантиринг.

Олдинга/орқага эгилиш рамаси таянч плитаси билан ер ўртасида тўғри алоқа ўрнатиш учун қўлланилади. Бу турли ўлчамдаги шиналар, орқа ўқ параметрлари ва бошқа ўзгарувчиларни компенсация қилади.

Эгилиш рамаси заводда тахминий нуқтага ўрнатилади, аммо агар шиналар ёки ўқ жойлашуви ўзгарса ёки ер шароитлари ўзгарса (юмшоқ ер), ноль нуқтани қайтадан ростлаш талаб этилиши мумкин.

ҚАЙД: Агар дала шароитлари нормал бўлса, калибрлашни текис бетон устида амалга ошириш мумкин.

Агар дала шароитлари юмшоқ бўлса (ўнқир-чўнқир), калибрлашни даладаги текис жойда амалга ошириш ШАРТ.

Ўроқ уланмаганда тахминий созлашни амалга ошириш мумкин. Қабул камерасининг олдинга/орқага эгилишининг амплитудасини калибрлаш учун Калибрлашни қўллаш бўйича ёрдам ёки Оператор иш жойи ёрдам саҳифасига қаранг. Калибрлаш вақтида ноль нуқтани қуйидагини ўлчаш орқали созланг:

1. Олдинга/орқага эгилиш рамасини тўлиқ олдинга эгинг.
2. Айланма штифтдан (A) ергача масофа техник хусусиятга кўра белгилангунича қабул камерасини туширинг ёки кўтаринг.

Характеристика

Айланма штифтдан ергача
(бошлаш нуқтаси)—Масофа. . . . . 1016 мм (40 дюйм)

ҚАЙД: Олдинга/орқага эгилиш рамасининг олд томони вертикал ҳолатга келгунча ростлаш учун дастакдан фойдаланиш мумкин.

3. Олдинга/орқага эгилиш рамасининг олд томони ерга перпендикуляр бўлгунича ростланг.
4. Олдинга/орқага эгилиш рамаси ерга перпендикуляр ёки олдинга/орқага эгилиш рамасининг олд томони вертикал бўлса, айланувчи штифтдан ергача масофа тахминан техник хусусиятларга кўра созланади.


Характеристика

Айланма штифтдан ергача
(тугаш нуқтаси)—Масофа. . . . . 903 мм (35–1/2 дюйм)


ҚАЙД: Калибрлаш давомида олдинга/орқага эгилиш рамасининг ростланиши айланувчи штифтнинг ергача масофасини дастлабки 1016 мм (40 дюйм) узунликдан тугаш нуқтаси учун тахминан 903 мм (35–1/2 дюйм) узунликка ўзгартиради.

OUO6075,0004F61-UZ-14MAY21

Қабул камераси конвейери занжири–Ростлаш



H94329—UN—19JUN09



H94336—UN—22JUN09

A—Шайба
B—Бўртма
C—Гайка
D—Шайба
E—Ўлчагич

Ҳар иккала томондаги қабул камераси қалқонларини ечинг.

Шайба (A) кўрсатилганидек олд бўртманинг (B) ички чети билан битта қаторга тушганида ҳар бир занжир тармоғидаги битта ҳалқа олиб ташланиши лозим.

Шайба (D) ўлчагич (E) ва зина таги орасига кирмагунча гайкани (C) қабул камерасининг ҳар иккала томонидан қотиринг.


ҚАЙД: Дастлабки 100 соат давомида ҳар 25 соатда ҳар иккала томондаги таранглиқни текширинг.

- Ҳар 100 соатда ҳар иккала томондаги таранглиқни текширинг. Шайбанинг бирор қисми ўлчагичдан узоқлашиб кетса, уни ростланг.
- Думалоқ шаклини йўқотган юлдузчалар ёки барабан ва букилган валлар занжир таранглиги нотекис бўлишига, ҳаддан ортиқ таранг ёки бўш бўлишига олиб келиши мумкин.
- Ҳаддан ортиқ занжир таранглиги вал ва подшипниклар ишдан чиқишига олиб келади.

Қабул камерасининг ён қалқонларини ўрнатинг.


OUO6075,000067C-UZ-22NOV10

Қабул камераси конвейери занжири бўғинлари–Олиб ташлаш



H87543—UN—17APR07

Учта тарамли қабул камераси конвейери занжири



H109687—UN—30JAN14

Тўртта тарамли қабул камераси конвейери занжири

A—Ярим бўғин
B—Ярим бўғин
C—Ён тўсин

D—Қалпоқли гайка
E—Тирқиш, 1—2 мм (3/64 дюйм—5/64 дюйм)

ҚАЙД: Учта тарамли қабул камераси конвейери занжири фақат HillMaster™ машиналарида мавжуд.

Занжир бўғинларини алмаштираётганда доимо юлдузчаларнинг ейилмаганини текширинг.

Биринчи бор занжирни созлаганда ярим бўғинларни (A) олиб ташланг.

Иккинчи бор созлаганда ярим бўғинларни (B) олиб ташланг. Иккинчи созлашдан кейин ростлаш амалга оширилганда, занжир ейилади ва уни алмаштириш керак бўлади.


Характеристика	
”U” шаклидаги планка M10 маҳкамлагичи—Айланиш моменти	73 N m (54 фунт/фут)
Занжир бўғинининг M8 қалпоқли гайкалари—Айланиш моменти	25 N m (18 фунт/фут)

МУҲИМ: Коннектор бўғинларини ўрнатаётганда қалпоқли гайкалар барабан халқаларидан тескари томонга қаратилиши лозим.

Занжир бўғинининг қалпоқчали гайкалари (D) кераклича қотирилганида, коннектор бўғинининг ён тўсини (C) ва қалпоқли гайка ўртасида тирқиш (E) бўлиши лозим.


OUO6075,0001755-UZ-03FEB14

Қабул камераси барабани (қўлда эгиш)—Баландликни ростлаш



H90908—UN—27FEB08

Фақат маккажўхори позицияси



H90909—UN—27FEB08

Майда дон позицияси

A—Штифт
B—Барабан баландлиги тутқичи

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, хавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.


Қабул камераси қалқонларини очинг.

Тутқични (B) ҳар иккала томондаги керакли экин позициясигача айлантирган ҳолда штифтни (A) тортинг ва ушлаб туринг.

Қабул камераси қалқонларини ёпинг.

SS43267,0000377-UZ-18FEB14


Қабул камераси барабани (гидравлик эгилиш) (агар жиҳозланган бўлса)—Баландликни ростлаш



H109756—UN—04FEB14

Фақат маккажўхори позицияси

HillMaster – Deere & Company савдо белгиси



H109757—UN—04FEB14

Майда дон позицияси

A—Штифт
B—Барабан баландлиги тутқичи

⚠ ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, хавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.

Қабул камераси қалқонларини очинг.


Барабан баландлиги тутқичини (B) ҳар иккала томондаги керакли экин позициясигача айлантирган ҳолда штифтни (A) тортинг ва ушлаб туринг.

ҚАЙД: Барабан баландлиги тутқичини айлантириш учун штир ёки ключдан фойдаланинг.

Қабул камераси қалқонларини ёпинг.

SS43267,00004EA-UZ-05MAR15

Қабул камераси конвейери тезлиги–Ўзгартириш



H102187—UN—13JUN11

A—Юлдузча

⚠ ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, хавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.

ҚАЙД: Тавсия этилган қабул камераси конвейери юлдузчаси созламалари учун Экин созламалари бўлимига қаранг.

32-тишли юлдузча ҳақида муҳим қайдлар:

- Юлдузчадан маккажўхори учун фойдаланиш тавсия этилмайди.


Қуйидаги экинлар ва шароитлар туфайли узатиш тўкис бўлмагандаги шароитлар учун тавсия этилади:

- **Экинлар:** Арпа, канола, сули, гуруч, жавдар ва буғдой
- **Шароитлар:** Кўп миқдордаги, яшил, ҳўл, ўрилган ва нотўкис узатиш

Экин шароити ўзгарганда ёки узатиш яхшиланганда (қуруқроқ, текисроқ ўрилган, енгил сомон), 26 тишли юлдузчадан фойдаланиш тавсия этилади. Занжир тезлиги пасаяди ва сомонга зарар етишини ёки эрта янчилишни камайтиради ва занжирнинг яроқлилик муддатини оширади.

Қабул конвейери занжирини қуйи валнинг ўнг томонидаги узатиш юлдузчасини (A) танлаш орқали иккита турли тезликка созлаш мумкин.


Кичик тезлик учун кичик юлдузчадан, катта тезлик учун катта юлдузчадан фойдаланинг.



H102188—UN—13JUN11

A—Гайка
B—Гайка
C—Юқори позиция
D—Юлдузча


1. **Узатиш занжирини кичикроқ юлдузчага суриш учун:** Ўнг томон олд қалқонни очинг.
2. Гайкани (A) бўшатинг ва юлдузчани орқага итаринг.
3. Гайкани (B) бўшатинг ва юлдузчани тепа ҳолатга (C) ўтказинг.
4. Муфтага итаринг ва юлдузчани (D) фиксация қилинмагунча ташқарига суринг.




H102189—UN—13JUN11

A—Занжир
B—Катта юлдузча
C—Кичик юлдузча

5. Занжирни (A) катта юлдузчадан (B) кичкина юлдузчага (C) суринг.



H102190—UN—13JUN11



H91064—UN—02APR08

A—Юлдузча
B—Гайка
C—Гайкалар
D—Занжирни йўналтиргич
E—Ўйиқлар
F—Юлдузча
G—Гайка


6. Юлдузчани (A) қуйи ҳолатга ўтказинг ва гайкани (B) қотиринг.
7. Гайкаларни (C) бўшатинг ва занжирни йўналтиргични (D) керакли ўйиқларга (E) киритинг ва гайкаларни қотиринг.

ҚАЙД: Қабул конвейери узатиш занжирини ҳаддан ортиқ қотириб юборманг. Занжир пластик йўналтиргич устига чиқиб кетиши нормал ҳолат саналади.

8. Юлдузчани (F) олдинга суриш ва гайкани (G) қотириш учун ички пластинкадаги тешикларда монтировкадан фойдаланинг.
9. Ўнг томон олд қалқонни ёпинг.

OUO6075,0000661-UZ-13JUN11

Қабул камераси конвейери узатиш занжири бўғинлари–Олиб ташлаш



H123467—UN—14FEB18

A—Юлдузча
B—Уянинг охири
C—Коннектор бўғини

Узатиш занжири вақт ўтиб чўзилиши нормал ҳолат саналади. Қўшимча коннектор бўғинлари узатиш занжиридан узоқроқ муддат фойдаланиш имконини беради.

ҚАЙД: Коннектор бўғинларини олиб ташлаётганда доимо юлдузчалар ейилмаганини текширинг.


Юлдузча (A) уянинг охирига (B) етганида коннектор бўғинини (C) олиб ташланг.

Батафсил маълумот олиш учун Қабул камераси конвейери узатиш занжири–Ростлаш бўлимига қаранг.

Сўнгги ростлаш амалга оширилганида, занжир ейилади ва уни алмаштириш керак бўлади.

OUO6075,00048B0-UZ-04JUN19

Қабул камераси конвейери узатиш занжири–Ростлаш



H102191—UN—13JUN11

A—Гайка

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, хавфсизлик тиргагини туширинг, моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.

Ўнг томон олд қалқонни очинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва юлдузчани орқага итаринг.


ҚАЙД: Қабул конвейери узатиш занжирини ҳаддан ортиқ қотириб юборманг. Занжир пластик йўналтиргич устига чиқиб кетиши нормал ҳолат саналади.

Юлдузчани олдинга суриш ва гайкани (A) қотириш учун ички пластинкадаги тешикларда монтировкадан фойдаланинг.

Ўнг томон олд қалқонни ёпинг.

OUO6075,0000662-UZ-13JUN11

Қабул камерасининг юқори вали юлдузчалари



H39620—UN—11OCT88


A—Ўлчам 12 мм (1/2 дюйм)

1000 соатдан сўнг, йиғиб олинаётган экинларга қараб, юқори вал юлдузчаларининг ейилганини текширинг.

Агар бу юлдузчалар 12 мм (1/2 дюйм) (A) дан ортиқ ейилган бўлса, уларни яна бир марта ейилгунча тескари томони билан ўрнатиш мумкин.

OUO6075,0000665-UZ-02FEB10

Қабул камераси ўзгарувчан тезликли узатма ремени–Алмаштириш



H90912—UN—28FEB08

A—Резина чехол
B—Кронштейн

ДИҚҚАТ: Қуйи ўзгарувчан шкивни пружина таранг ҳолда ушлаб туради; агар камар ечилса, у ёпиқ ҳолатига қайтади.


Моторни ёқинг, сепараторни ишга туширинг ва тезлик ўтказгични тез холостойга ўтказинг. **Қабул камерасининг узатма ременини олд вал тезлигини пасайтириш учун ростланг.**

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Сепараторни ўчиринг, моторни тўхтатинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.

Юқори шкивлар тўлиқ очилганини текшириш учун резина чехол (A) остига қаранг. Кичик тезлик ҳолатида ташқи шкивнинг ярим бўртмаси кронштейнга (B) тақалади.




H90910—UN—27FEB08

A—Қалқонлар
B—Гайка

Қалқонларни (A) ечиб олинг.


Узатма ремени таранглигини бўшатиш учун валик гайкасини (B) бўшатинг.



H90976—UN—06MAR08

A—Гайка
B—Узатма ремени

Паррак узатма ременида (B) таранглikни бўшатиш учун гайкаларни (A) бўшатинг.




H90967—UN—05MAR08

A—Гайка (2 та)
B—Кронштейн
C—Гайка (3 та)

Гайкалар (A) ва кронштейнни (B) ечинг ва қотиринг.

Юқори шкив воситаси ҳарактланиши учун гайкаларни (C) бўшатинг.



H90913—UN—28FEB08

A—Гайка
B—Кронштейн
C—Гайка
D—Таранглаштирувчи механизм


ҚАЙД: Гайка (C) гайкага (A) қараб сурилиши ва унга тақалиши лозим. Биргаликда ушбу гайкалар таранглаштирувчи болтни айлантиришда қўлланилиши мумкин.

Гайкани (A) кронштейннинг ҳар иккала томонида 3 мм (1/8 дюйм) тирқиш қолмагунча кронштейндан (B) ташқари томонга бўшатинг.

Гайкани (C) гайкага (A) қотиринг.

ҚАЙД: Болтни таранглаштирувчи механизмга киритиш шкивга олдинга ҳаракатланиб узатма ременини ечишга имкон беради.

Резьбали болтни таранглаштирувчи механизмга (D) бураб киритиш учун гайкадан (A) фойдаланинг.



H90911—UN—28FEB08

A—Узатма ремени


Узатма ременини (A) шкивлардан ечиб олинг.

Алмаштириладиган узатма ременини ўрнатинг ва таранглikни ростланг. (Қабул камерасининг ўзгарувчан тезлик ремени–Ростлаш бўлимига қаранг).

Аввалроқ олиб ечилган кронштейн ва қабул камераси шкивларини ўрнатинг.

OUO6075,0000666-UZ-02FEB10

Қабул камерасининг ўзгарувчан тезликли узатма ремени–Ростлаш



H90912—UN—28FEB08

A—Резина чехол
B—Кронштейн


ҚАЙД: Валикни кўтариш орқали ўзгарувчан тезлик ременига кичик ўзгартиришлар киритиш мумкин. Агар валикни кўтариш орқали 3 мм (1/8 дюйм) тирқиш бўлишига эришилмаса, кейинги босқичга ўтинг.

Моторни ёқинг, сепараторни ишга туширинг ва тезлик ўтказгични тез холостойга ўтказинг. **Қабул камерасининг узатма ременини олд вал тезлигини пасайтириш учун ростланг.**

Сепараторни ўчиринг, моторни тўхтатинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.


Юқори шкивлар тўлиқ очилганини текшириш учун резина чехол (A) остига қаранг. Кичик тезлик ҳолатида ташқи шкивнинг ярим бўртмаси кронштейнга (B) тақалади.



H90914—UN—28FEB08

A—Гайка
B—Валик

Валикни (B) қуйироқ ҳолатга ростлаш учун гайкани (A) бўшатинг.




H90967—UN—05MAR08

A—Гайка (2 та)
B—Кронштейн
C—Гайка (3 та)

Гайкалар (A) ва кронштейнни (B) ечинг ва қотиринг.

Юқори шкив воситаси ҳарактланиши учун гайкаларни (C) бўшатинг.




H90915—UN—28FEB08

A—Гайка
B—Кронштейн
C—Гайка


ҚАЙД: Гайка (C) гайкага (A) қараб сурилиши ва унга тақалиши лозим. Биргаликда ушбу гайкалар таранглаштирувчи болтни айлантиришда қўлланилиши мумкин.

Гайкани (A) кронштейннинг ҳар иккала томонида 3 мм (1/8 дюйм) тирқиш қолмагунча кронштейндан (B) ташқари томонга бўшатинг.

Гайкани (C) гайкага (A) қотиринг.



H90916—UN—28FEB08



H84140—UN—26JUL05


A—Гайка
B—Болт
C—Тирқиш, 3 мм (1/8 дюйм)

МУҲИМ: Шкив тирқишини ростлаш пайтида камарни айлантиринг. Шкив тирқишини ростлаш пайтида камарни айлантирмаслик камар бузилишига олиб келади.

Шкивнинг ярим қисмлари орасидаги тирқиш бўлиши муҳим, чунки шкив ярим қисмлари кичик тезликда камарни сиқиб туради. Ўрувчи платформанинг узатиш вали тезлиги кичик тезликда бўлиши лозим.

Болтни (B) ростлаш учун гайкани (A) буранг.


Юқори ўзгарувчан шкивларни болт ёрдамида қуйи шкив ярим қисмлари орасида 3 мм (1/8 дюйм) тирқиш пайдо бўлгунча ёки юқори шкивнинг йиғилган қисмлари уяларнинг охирига етмагунча суринг.



H90917—UN—28FEB08

A—Гайка
B—Гайка


Аввал гайкани (A) кейин гайкани (B) тортиб қотиринг.



H90967—UN—05MAR08

A—Гайка (2 та)
B—Кронштейн
C—Гайка (3 та)

Гайкаларни (C) тортинг ва кронштейнни (B) ўрнатинг ҳамда гайкалар (A) билан қотиринг.




H90914—UN—28FEB08

A—Валик
B—Гайка

МУҲИМ: Тирқишни созлаш учун валикни итарганда камар устида ТУРМАНГ.

Валик (A) узатма ременига тегмагунча уни кўтаринг.

Шкивни яна қўшимча 25 мм (1 дюйм) га кўтаринг ва гайкани (B) қотиринг.



H90976—UN—06MAR08


A—Гайка
B—Узатма ремени

Парракнинг узатма ременини (B) ростлаш мақсадида шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун ростлаш гайкасини (A) қотиринг.

Қабул камераси қалқонларини ўрнатинг.

OUO6075,0000667-UZ-02FEB10

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени (ўзгарувчан тезликли қабул камераси)–Алмаштириш



H90912—UN—28FEB08


A—Резина чехол
B—Кронштейн

ДИҚҚАТ: Қуйи ўзгарувчан шкивни пружина таранг ҳолда ушлаб туради; агар камар ечилса, у ёпиқ ҳолатига қайтади.

1. Моторни ёқинг ва сепараторни уланг.
2. Тирсакқўйгичдаги ўтказгичда тез мотор тезлигига босинг.
3. **Қабул камерасининг узатма ременини олд вал тезлигини пасайтириш учун созланг.**

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.


4. Сепараторни ажратинг, моторни ўчиринг ва калитни чиқаринг.
5. Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.
6. Юқори шкивлар тўлиқ очилганини текшириш учун резина чехол (A) остига қаранг. Кичик тезлик ҳолатида ташқи шкивнинг ярим бўртмаси кронштейнга (B) тақалади.



H90914—UN—28FEB08

A—Валик гайкаси
B—Шкив


7. Узатма ременидаги таранглikни камайтириш учун валик гайкасини (A) бўшатинг ва шкивни (B) пастга суринг.



H90918—UN—05MAR08

A—Тўсиқ (2 та)
B—Гайка (2 та)
C—Датчик кронштейни
D—Гайка (3 та)

8. Қалқонлар (A), гайкалар (B) ва датчик кронштейнини (C) ечиб олинг.
9. Юқори шкив мосламаси ҳаракатланиши учун гайкаларни (D) бўшатинг.



H90913—UN—28FEB08


A—Гайка
B—Кронштейн
C—Гайка
D—Таранглаштирувчи механизм штоки

ҚАЙД: Гайка (C) гайкага (A) қараб сурилиши ва унга тақалиши лозим. Биргаликда ушбу гайкалар таранглаштирувчи болтни айлантиришда қўлланилиши мумкин.

10. Гайкани (A) кронштейннинг ҳар иккала томонида 3 мм (1/8 дюйм) тирқиш қолмагунча кронштейндан (B) ташқари томонга бўшатинг.
11. Гайкани (C) гайкага (A) қотиринг.

ҚАЙД: Болтни таранглаштирувчи механизмга киритиш шкивга олдинга ҳаракатланиб узатма ременини ечишга имкон беради.


12. Резбали болтни таранглаштирувчи механизмга (D) бураб киритиш учун гайкадан (A) фойдаланинг.



H90977—UN—06MAR08

A—Гайка (2 та)
B—Тиргович
C—Узатма ременi

13. Узатма ременидан таранглиқни бўшатиш учун гайкаларни (A) бўшатинг.
14. Узатма ремени (C) бемалол олиниши учун паррак насоси тирговичини (B) олиб ташлашда қалпоқчали винт ва гайкани ечинг.




H84326—UN—26AUG05

A—Гидравлик шланг

ҚАЙД: Тизим кирланиши ва суюқлик оқиб кетишини олдини олиш учун гидравлик шланг оғзини ёпинг.


15. Гидравлик шлангни (A) кўп элементли разъёмдан ажратинг.



H90919—UN—28FEB08

A—Қалпоқчали винт
B—Гайкали қалпоқчали винт
C—Думалоқ каллакли болт (3 та)
D—Узатма ременi


16. Қалпоқчали винтни (A), қалпоқчали винт ва гайкани (B) ҳамда думалоқ каллакли болтларни (C) ечинг.
17. Узатма ременини (D) орқа шкивдан ечиб олинг.



H87527—UN—27FEB07

A—Коннектор
B—Кронштейн
C—Узатма ременi


18. Коннекторни (A) суғуринг ва кронштейндан (B) планкани ечиб олинг.
19. Узатма ременини (C) ечиб олинг ва олиб ташланг.
20. Алмаштириладиган узатма ременини ўрнатинг.
21. Планкани кронштейнга уланг ва электр коннекторни қайтадан уланг.



H90978—UN—06MAR08

A—Узатма ремени
B—Шкив
C—Тиргович

22. Узатма ременини (A) паррак насоси ва орқа шкив (B) атрофида ўрнатинг.
23. Аввалроқ ечиб олинган паррак насоси тирговичини (C) қалпоқчали винт ва гайка ёрдамида ўрнатинг.



H130511—UN—17JUN20


A—Узатма ремени
B—Қалпоқчали винт
C—Гайкали қалпоқчали винт
D—Думалоқ каллакли болт (3 та)
E—Гайка (3 та)

24. Узатма ременини (A) орқа шкив атрофида ўрнатинг.
25. Қалпоқчали винтни (B) ўрнатиб, белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винт—Айланиш моменти	185 N m (136 фунт/фут)


26. Қалпоқчали винт ва гайкани (C) қотиринг.
27. Бу сафар думалоқ каллакли болтларни (D) бўш қолдиринг.
28. Юқори шкив қимирлашининг олдини олиш учун гайкаларни (E) қотиринг.



H84326—UN—26AUG05


A—Гидравлик шланг

29. Гидравлик шлангни (A) кўп элементли разъёмга уланг.



H122740—UN—15JAN18

Юқоридан кўриниш



H90921—UN—28FEB08

A—Гайка (2 та)
B—Ташқи планка
C—Шкив (2 та)
D—Ён пластина


E—Таранглаштирувчи механизм штоки
F—Думалоқ каллакли болт (3 та)

ҚАЙД: Юқори оралиқ вали шкивларининг (C) бир қаторда жойлашганини текширинг. Шкивлар қабул камерасининг ён пластинасига параллел жойлашганига ишонч ҳосил қилинг. Оралиқ вали шкивларининг параллел жойланиши думалоқ каллакли болтларни (F) бўшатиш ва таранглаштирувчи механизмдаги (E) гайкалардан (A) фойдаланиб ростланиши лозим.

30. Ташқи планкани (B) олдинга ёки орқага суриб шкивларни (C) бир қаторга жойлаш учун таранглаштирувчи штокни (E) буриш учун гайкалардан (A) фойдаланинг. Ташқи шкивлар қабул камерасининг ён пластинасига (D) параллел жойлашиши лозим.
31. Думалоқ каллакли болтларни (F) керагича қотиринг.

Характеристика

Думалоқ каллакли болтлар—Айланиш моменти. . . . . 54 N m (40 фунт/фут)




H90922—UN—28FEB08

A—Гайка (3 та)

32. Аввалроқ қотирилган гайкаларни (A) бўшатинг. Қабул камерасининг ўзгарувчан тезлик ремени–Шкив тирқишини ростлаш бўлимига қаранг.
33. Аввалроқ ечилган қалқонларни ўрнатинг.

OUO6075,0004E88-UZ-16JUN20

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени (ўзгарувчан тезликли қабул камераси)–Ростлаш



H90975—UN—06MAR08

A—Контргайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Контргайкани (A) бўшатинг.

Шайба (C) ўлчагич (D) ва зина таги орасига кирмагунча гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,0000669-UZ-02FEB10

Қабул камерасининг ўзгармас тезлик учун узатма ремени–Алмаштириш




H90923—UN—28FEB08

A—Қалқонлар

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.

Қалқонларни (A) ечиб олинг.



H90924—UN—28FEB08

A—Гайкалар
B—Узатма ремени

Узатма ременида (B) таранглikни бўшатиш учун гайкаларни (A) бўшатинг.

Узатма ременини шкивлардан ечиб олинг.


Шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун парракнинг узатма ременини ўрнатинг ва гайкаларни қотиринг.

Кронштейнни жойига чайқатиб келтиринг ва қалпоқчали винт ва гайка билан қотиринг.

Аввалроқ олиб ташланган қабул камераси қалқонларини ўрнатинг.

OUO6075,000066A-UZ-02FEB10

Қабул камерасининг ўзгармас тезлик учун узатма ремени–Ростлаш



H90925—UN—28FEB08

A—Гайкалар

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.


Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.

Шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни (A) қотиринг.

Аввалроқ олиб ташланган қабул камераси қалқонларини ўрнатинг.

OUO6075,000066B-UZ-02FEB10

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени (ўзгармас тезликли қабул камераси)–Алмаштириш




H90923—UN—28FEB08

A—Қалқонлар

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.

Қалқонларни (A) ечиб олинг.




H90977—UN—06MAR08

A—Гайкалар
B—Тиргович
C—Узатма ремени

Узатма ременига тушадиган таранглikни камайтириш учун гайкаларни (A) бўшатинг.


Узатма ремени (C) бемалол олиниши учун паррак насоси тирговичини (B) олиб ташлашда қалпоқчали винт ва гайкани ечинг.



H90925—UN—28FEB08

A—Гайкалар


Узатма ременида таранглиқни бўшатиш учун гайкаларни (A) бўшатинг.



H90926—UN—28FEB08

A—Қалпоқчали винт
B—Ўзгармас тезлик учун узатма ремени
C—Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени

Қалпоқчали винт (A), ўзгармас тезликли узатма ремени (B) ва ўроқ парраги/ремени йиғувчи насос ременини (C) ечиб олинг.




H87527—UN—27FEB07

A—Коннектор
B—Кронштейн
C—Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени

Коннекторни (A) суғуринг ва кронштейндан (B) планкани ечиб олинг.

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ременини (C) ечиб олинг ва олиб ташланг.

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ременини алмаштиринг, планкани кронштейнга қотиринг ва электр коннекторга уланг.



H90926—UN—28FEB08


A—Қалпоқчали винт
B—Ўзгармас тезлик учун узатма ремени
C—Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени

Ўроқ парраги/ремени йиғувчи насос ременини (C) ва ўзгармас тезликли узатма ременини (B) ечиб олинг.

Қалпоқчали винтни (A) ўрнатинг ва керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винт—Айланиш моменти. . . . . 185 N m (136 фунт/фут)




H90979—UN—06MAR08

A—Узатма ремени
B—Шкив
C—Тиргович
D—Гайка (2 та)

Узатма ременини (A) паррак насоси ва орқа шкивлар (B) атрофида ўрнатинг.

Аввалроқ ечиб олинган паррак насоси тиргович (C) қалпоқчали винт ва гайка ёрдамида ўрнатинг.

Узатма ременини ростлаш мақсадида шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни (D) қотиринг.



H90925—UN—28FEB08


A—Гайкалар

Узатма ременини етарлича таранг қилиш мақсадида шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни (A) қотиринг.

Чап томондаги қабул камераси қалқонларини ўрнатинг.

OUO6075,000066C-UZ-02FEB10

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени (ўзгармас тезликли қабул камераси)–Ростлаш



H90975—UN—06MAR08

A—Контргайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич


ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Контргайкани (A) бўшатинг.

Шайба (C) ўлчагич (D) ва зина таги орасига кирмагунча гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,000066D-UZ-02FEB10

CommandTouch кўп тезликли қабул камерасининг узатма ремени—Алмаштириш




H90968—UN—05MAR08

A—Қалқонлар

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.

Қалқонларни (A) ечиб олинг.



H90969—UN—05MAR08

A—Гайкалар
B—Валик гайкаси
C—Узатма ремени

Узатма ременида таранглигини бўшатиш учун гайкаларни (A) ва валик гайкасини (B) бўшатинг.

Узатма ременини (C) шкивлардан ечиб олинг.


Алмаштириладиган узатма ременини ўрнатинг ва валикни уяга 3/4 даражага суринг ва валик гайкасини қотиринг.

Шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни қотиринг.

Аввалроқ олиб ташланган қабул камераси қалқонларини ўрнатинг.

OUO6075,0000653-UZ-02FEB10

CommandTouch кўп тезликли қабул камерасининг узатма ремени–Ростлаш



H90970—UN—05MAR08

A—Гайкалар
B—Валик гайкаси

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.


Шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни (A) қотиринг.

ҚАЙД: Агар ўлчагич таранглаш механизмининг охирига етса, валик гайкасини (B) бўшатинг ва валикни уяда тепароққа суринг. Шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни қотиринг.

Аввалроқ олиб ташланган қабул камераси қалқонларини ўрнатинг.

OUO6075,0000654-UZ-02FEB10

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени (CommandTouch кўп тезликли қабул камераси)–Алмаштириш




H90968—UN—05MAR08

A—Қалқонлар

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Хавфсизлик тиргагини туширинг ва чап томондаги қабул камераси қалқонларини олиб ташланг.

Қалқонларни (A) ечиб олинг.




H87350—UN—05FEB07

A—Гайкалар
B—Пружинани таранглагич
C—Гайкали қалпоқчали винт
D—Тиргович

Узатма ременида тарангликни бўшатиш учун пружинали таранглагичда (B) гайкаларни (A) бўшатинг.


Паррак насоси тирговичини (D) олиб ташлаш учун қалпоқчали винт ва гайкани (C) ечинг.



H90971—UN—05MAR08

A—Гайкалар
B—Узатма ремени
C—Қалқон

Узатма ременида (B) таранглигини бўшатиш учун гайкаларни (A) бўшатинг ва қалқонни (C) ечиб олинг.



H90972—UN—05MAR08

A—Датчик кронштейни
B—Қалпоқчали винт
C—Қабул камераси узатма ремени
D—Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени

Датчик кронштейни (A) ва қалпоқчали винтни (B) ечинг.


Шкивлардан қабул камераси узатма ременини (C) ва ўроқ парраги/ременли йиғитиргич насоси ременини (D) ечиб олинг.

Алмаштириладиган ўроқ парраги/ремени йиғувчи насос ременини ва қабул камераси ременини ўрнатинг.

Қалпоқчали винтни (A) ўрнатинг ва керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винт—Айланиш моменти. . . . . 185 N•m (136 фунт/фут)




H90971—UN—05MAR08

A—Гайкалар
B—Узатма ремени
C—Қалқон

ҚАЙД: Камар ишқаланишини олдини олиш учун узатма ремени ва камар қалқонининг ҳар бир томонида бир хил тирқиш бўлиши лозим.

Аввалроқ олиб ташланган қалқонни (C) ўрнатинг ва узатма ременини (B) етарлича таранг қилиш мақсадида шайбани ўлчагич охири ва зина таги орасига жойлаш учун гайкаларни (A) қотиринг.



H87517—UN—27FEB07


A—Тиргович
B—Гайкали қалпоқчали винт
C—Гайкалар
D—Тешиклар

Аввалроқ ечиб олинган паррак насоси тирговичини (A) ўрнатинг ва қалпоқчали винт ва гайка (B) ёрдамида қотиринг.

Тешиклар (D) ўлчагич орасида кўрингунича гайкаларни (C) тортиб қотиринг.

OUO6075,0000655-UZ-02FEB10

Ўроқ парраги/ременли йиғиштиргич насос ремени (CommandTouch кўп тезликли қабул камераси)–Ростлаш



H87518—UN—27FEB07


A—Гайкалар
B—Тешиклар

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Тешиклар (B) ўлчагич орасида кўрингунича гайкаларни (A) тортиб қотиринг.

OUO6075,0000656-UZ-02FEB10

Қўлда эгиш индикатори (Ёнга эгилиш тизими)



H62284A—UN—24JAN00

A—Ариқча


Ўроқ машина шассиси билан битта текисликда

эканини тезкор чамалаб аниқлаш учун ёнга эгилиш тизими қўлда эгиш индикаторига эга.


Ариқча (A) резина прокладканинг марказида бўлганида ўроқ тахминан машина корпуси билан битта текисликда бўлади. Индикатор шунингдек амалиёт пайтида ахборот олиш асоси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

OUO6075,000066E-UZ-02FEB10

Кўп элементли разъём ва ягона нуқтали маҳкамлагични бириктиринг



H109779—UN—05FEB14




H109780—UN—05FEB14

A—Қоплама
B—Кўп элементли разъём юзи

МУҲИМ: Ўроқ ерда бўлганида лўкидон штифтларини ишга туширманг. Агар кўп элементли разъём ўроқ ерда бўлганида ишга туширилиши лозим бўлса, ўроқдан кабелни ечиб олинг.

Гидравлик система кирланишини олдини олиш учун кўп элементли разъём юзини улашдан олдин электрик контакт тозалаш воситаси билан тозаланг.


1. Қопламани (A) ечинг ва кўп элементли разъёмни (B) тозаланг.



H70035—UN—19SEP01

A—Дастак
B—Кўп элементли разъём
C—Сақлаш кронштейни

2. Дастакни (A) очинг ва кўп элементли разъёмни (B) сақлаш кронштейнидан (C) ечиб олинг.




H123083—UN—29JAN18

A—Кўп элементли разъём
B—Розетка
C—Мурват
D—Дастак

МУҲИМ: Гидравлик система кирланишини олдини олиш учун кўп элементли разъём юзасини улашдан олдин электрик контакт тозалаш воситаси билан тозаланг.

ҚАЙД: Маҳкамловчи кабелга зарар етишининг олдини олиш учун дастакка кесик винт қотирилади. Ўроқ ерда бўлганида лўкидон штифтларини ишга туширишга уриниш винтларнинг кесилишига олиб келади. Кесик винтларнинг жойлашуви ҳақида батафсил ушбу бўлимнинг кейинги қисмларида танишинг.

3. Кўп элементли разъёмни (A) розеткага (B) киритинг.
4. Мурватни (C) дастакка (D) қараб тортинг ва ушлаб туринг.




H87894—UN—19APR07

A—Мурват


МУҲИМ: Кўп элементли разъёмни мурватга илинадиган қилиб тўлиқ ёпмаслик ўроқ ўриш пайтида ёки ташиб кетилаётганда тушиб қолишига олиб келади.

5. Кўп элементли разъём дастаги тўлиқ ёпилганида, мурват (A) автоматик равишда муфталарни бир жойда қулфлайди.



H81307—UN—28JUN04

Лўкидон пластинаси ичида (M10 қалпоқчали винтлар)



H81308—UN—28JUN04

Лўкидон пластинаси ташқарисида (M12 қалпоқчали винтлар)

A—Лўкидон штифти
B—Лўкидон плитаси
C—Рама
D—Қуйи тирқиш
E—Юқори тирқиш
F—Қалпоқчали винт (2 та)

ҚАЙД: Ўроқ уланганида лўкидон штифтлари лўкидон плитаси тешикларида бемалол ҳаракатланиши керак. Агар лўкидон штифтлари лўкидон плиталари ичидан ўтмаса, лўкидон плиталари ўроқга тўғри ростланганини текширинг.


6. Кўп элементли разъём лўкидонга илинганида ўроқдаги лўкидон штифтлари (A) лўкидон плитаси тешикларида бемалол ҳаракатланиши керак. Лўкидон плитаси (B) рамага (C) тегиши лозим. Плитанинг қуйи тирқиши (D) ва лўкидон штифти орасида плитанинг юқори тирқиши (E) ва лўкидон штифти орасидагига қараганда кичикроқ масофа қолдирилиши лозим. Бу лўкидон плитасини тескари томони билан ётқизишни талаб этиши мумкин.
7. **Агар ростлаш талаб этилса:** Қалпоқчали винтларни (F) ечинг, плитани тескари томонига учини учига тўғрилаб ётқизинг ва қайтадан ўрнатинг.
8. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Лўкидон пластинаси ичида (M10 қалпоқчали винтлар)—Айланиш моменти. . . . . 80 N m (60 фунт/фут)

Характеристика

Лўкидон пластинаси ташқарисида (M12 қалпоқчали винтлар)—Айланиш моменти. . . . . 130 N m (96 фунт/фут2)




H74305—UN—18NOV02

A—Қоплама


9. Қопламани (A) платформани сақлаш ҳолатига ўрнатинг.
10. Телескопик вални сақлаш ҳолатидан чиқаринг ва қабул камерасининг орқа валига ўрнатинг, бунда қулфловчи халқа тўлиқ қулфланганига эътибор қаратинг.

OUO6075,0004EB9-UZ-06JUL20


Ўроқни қабул камерасига улаш ва ажратиш



H52778—UN—23MAR99



H82374—UN—07FEB05



H87895—UN—19APR07

A—Қулфловчи халқа
B—Сақлаш ҳолати
C—Мурват
D—Кўп элементли разъёмнинг сақлаш ҳолати

ДИҚҚАТ: Узатма валларини машинада қолдирманг. Қабул камераси тасодифан ишлаб кетса инсонга жароқат етиши ёки машина бузилиши мумкин.

МУҲИМ: Кардан шарнирлари бор узатма валлари барча тасдиқланган ўроқларнинг чап ва ўнг томонларида фойдаланилади.

ҚАЙД: Улаш ва ажратишнинг тўлиқ жараёнлари билан ўроқ учун Оператор қўлланмасида танишинг.

1. Телескопик узатма валини қабул камерасидан машинанинг ҳар иккала томонидаги қулфловчи ҳалқада (A) ажратинг.
2. Телескопик узатма валини сақлаш ҳолатига (B) ўтказинг.


МУҲИМ: Ўроқ ерда бўлганида лўкидон штифтлари ишга туширилмаслиги лозим. Агар кўп элементли разъём ўроқ ерда бўлганида ишга туширилиши лозим бўлса, ўроқдан кабелни ечиб олинг.

ҚАЙД: Дастак тўлиқлигича чеклагичга қадалганида лўкидон штифтларини тўлиқ ташқарига тортиш лозим. Агар лўкидон штифтлари тўлиқ ташқарига чиқмаса кабель монтажи ускунасини ростланг. Ягона нуқтали маҳкамлагич—Ростлаш билан танишинг.


3. Кўп элементли разъёмни ажратиш учун дастакни кўтарганда қулфни ечиш учун мурватни (C) тортинг ва ушлаб туринг.
4. Кўп элементли разъём қопламасини ўроқдаги сақлаш ҳолатидан чиқаринг ва қопламани машинанинг кўп элементли разъёмига қўйинг.
5. Кўп элементли разъёмни сақлаш ҳолатига (D) ўтказинг ва қулфланг.

OUO6075,0004EBA-UZ-06JUL20

Ягона нуқтали маҳкамлагич—Ростлаш



H90929—UN—28FEB08



H90930—UN—28FEB08

A—Қалқон
B—Контргайка (2 та)


ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Қабул камерасининг ёнга эгилиш рамасини ростлаш фақат кўп элементли разъём дастагидаги кабелга нисбатан бажарилиши мумкин.

1. Чап томондаги қабул камераси қалқонини (A) очинг.
2. Кабелнинг контргайкаларини (B) бўшатинг.

МУҲИМ: Дастак кўп элементли разъёмдаги чеклагичга қарши турганини текширинг. Дастак чеклагичга қарши турганини текширмаслик штифт ўлчамларининг нотўғри бўлишига олиб келади ва бу эса ўроқнинг ўриш пайтида ёки ташиб кетилаётганда тушиб қолишига олиб келади.

3. Кўп элементли разъём дастагини чеклагичга қарши ётқизинг.



H90931—UN—05MAR08


Чап томон маҳкамлагич штифти

A—Ўлчам

ҚАЙД: Кабелни кронштейнда "юқорига" суриш штифтни янада ичкарига тортади.

Кабелни кронштейнда "пастга" суриш штифтни янада ташқарига итаради.


4. Кабелни штифт тўғри ростланадиган қилиб кронштейнга жойлаштиринг:
   - Чап томон маҳкамлагич штифти +/- 2 мм (0.08 дюйм) (A) ўйнаб туриши лозим.




H90932—UN—28FEB08

A—Юқори контргайка
B—Қуйи контргайка

5. Қуйи контргайкани (B) ушланг ва юқори контргайкани (A) қотиринг.



H109781—UN—05FEB14



H90933—UN—28FEB08

A—Кўп элементли разъём дастаги
B—Штифт (2 та)

МУҲИМ: Штифтлар керакли ўлчамда созланганлигини текширмаслик ўроқнинг ўриш пайтида ёки ташиб кетилаётганда тушиб қолишига олиб келади.

6. Кўп элементли разъём дастагини (A) тўлиқ туширинг ва штифтлар (B) (ҳар иккала томондаги) талаб этилганидай ўрнатилганини текширинг. Агар талаб этилганидай бўлмаса, уларни қайтадан созланг.


Характеристика

Қабул камераси штифтлари—Масофа	45-52 мм (1-3/4—2 дюйм)


7. Чап томондаги қабул камераси қалқонини ёпинг.

OUO6075,0004E89-UZ-06JUL20

Қабул камерасининг қуйи кабели учини ерга сатҳига текисланг–Ростлаш



H79380—UN—10DEC03



H79389—UN—10DEC03

A—Резбалар
B—Кронштейн
C—Контргайкалар


Резбалар (A) кронштейн (B) марказига тушмаса, маҳкамлагич кабелини тушириш учун ростлаш талаб этилиши мумкин.

Контргайкаларни (C) бўшатинг ва резбалар кронштейн марказига тўғри келиши учун кабелни ростланг.

Контргайкаларни қотиринг.

OUO6075,0000672-UZ-02FEB10

Қабул камерасини ерга сатҳига текисланг–Қистирма билан ростлаш



H85585—UN—22MAR06

A—Винтлар
B—Қистирма

ҚАЙД: Текислашни тўғри ростлаш учун шиналарда бир хил ҳаво босими билан иширилиши лозим.

Ўроқ қабул камерасига уланганида текис бўлиши лозим.

Ўроқни ўртача баландликка кўтаринг.


Ўроқнинг олдида тахминан 5 м (15 фут) масофада туринг.

Ўроқ тагини машинанинг олд ўқи билан солиштиринг.

Агар ўроқ текис бўлмаса уни текислаш учун винтларни (A) ечинг ва қистирмаларни (B) қабул камерасининг тепа тўсинида ёндан ёнга суринг.

OUO6075,0000673-UZ-02FEB10

Қабул камераси маҳкамлагич штифтлари (тозалаш)



H84880—UN—04NOV05


A—Тозалаш жойлари

Агар лўкидон штифтлари ёнга эгилувчи қабул

камераларида сурилиши қийин бўлса, жойлардан (A) тиқилиб қолган экин қолдиқларини тозаланг.

OUO6075,0000674-UZ-02FEB10

Қабул камерасини қўлда бўшатиш




H84881—UN—04NOV05

A—Маҳкамлагич штифтлари
B—Қалпоқчали винт
C—Тешик

Агар кесик винт тушиб кетгани учун ўроқни ечиш учун маҳкамлагич штифтларни (A) лўкидон плиталари орасига итаринг ва тешикка (C) M12 қалпоқчали винтни (B) ўрнатинг. Қарама-қарши томонида қайтаринг.

OUO6075,0000675-UZ-02FEB10

Кесик винтларнинг жойлашуви



H109782—UN—05FEB14


A—Кесик винт
B—Қўшимча кесик винтлар

ҚАЙД: Қўшимча учта кесик винт тақдим этилади.


Агар кесик винт (A) синса, уни олиб ташланг ва қўшимча кесик винт (B) билан алмаштиринг.

SS43267,000037A-UZ-05FEB14

"Чайка қаноти" туридаги эшиклар



H114481—UN—08JUN15



H106222—UN—19FEB13

A—Штифт
B—Қулфлаш тагликлари
C—Лўкидон

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Қотириш ва лўкидон дастагининг ишлаши машинанинг икки томони учун ҳам бир хил.

OUO6075,00044BA-UZ-25JAN17

Мотор мойи ва фильтри (Final Tier 4/ Stage V)




H115675—UN—28AUG15

A услуб/B услуб



H115673—UN—28AUG15



H115676—UN—28AUG15

A—Қопқоқ
B—Мой фильтри
C—Тўкиш
D—Шчуп

МУҲИМ: Ёқилғи ва мойлаш воситалари бўлимида кўрсатилгандан бошқа мотор мойларидан фойдаланганда мойни ҳар 250 соатда алмаштиринг.

Torq-Gard – Deere & Company савдо белгиси
Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси

John Deere Plus-50™ II мотор мойи ва Жон Дир фильтри ишлатилса, мойни ҳар 400 соатда алмаштиринг. Кўпроқ маълумот олиш учун Ёқилғи ва смазкалар бўлимига қаранг.

Final Tier 4/Stage V моторлари Plus-50™ II мотор мойи ёки сертификатланган API CK-4, API CJ-4, ACEA E9, ACEA E6 мойларини талаб қилади.

Фақат таркибида олтингугурт жуда кам, кўпи билан 15 мг/кг (15 ppm) бўлган (ULSD) ёқилғидан фойдаланинг.

1. **A услуб:** Мотор цилиндр блоки устки юкламасининг мой фильтри: Қопқоқни (A) ечиб олинг ва фильтрни чиқариб олинг. Фильтрни алмаштиринг ва қопқоқни ўрнатинг. Белгиланган даражада қотиринг.


Характеристика	
Мой фильтри қопқоғи—Айланиш моменти	40 N m (30 фунт/фут)

B услуб: Мотор цилиндр блокининг мой фильтри: Мой фильтрини (B) олиб ташланг ва алмаштиринг.

2. Мойни чиқариб ташлаш учун оқавани (C) очинг.
3. Тўлдириш учун шчупни (D) олинг ва тўлдиргандан кейин мой миқдорини текширинг.

OUO6075,00047EE-UZ-13NOV17

Ёқилғи баки сапуни




H125430—UN—04DEC18

A—Ёқилғи баки сапуни

Ёқилғи баки сапунини (A) кўздан кечиринг. Сапунда чиқинди тўпланиб қолишига йўл қўйманг. Сапунни шлангдан чиқариб олинг ва тозаланг.

OUO6075,0004A5E-UZ-04DEC18

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапуни (Final Tier 4/Stage V)



H125431—UN—04DEC18

A—Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапуни


Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапунини (A) кўздан кечиринг. Сапунда чиқинди тўпланиб қолишига йўл қўйманг. Сапунни шлангдан чиқариб олинг ва тозаланг.

OUO6075,0004A5F-UZ-04DEC18

Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 400 соатда

Сервис оралиғи жадвали - Ҳар 400 соатда




H119653—UN—17OCT16

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 400 соатда
A	Ёқилғини олдиндан тозалаш фильтрини тозаланг	•
B	Сув ажраткични текширинг (S780, S785 ва S790 машиналари) Бирламчи ва иккиламчи ёқилғи фильтрини алмаштиринг	•
C, D, E	Ўзгарувчи тезликдаги етакловчи/етакланувчи шкивларини мойланг (Якуний Tier 4/ Stage V S760 ва S770 машиналари)	•
F	Бўшатиш шнекининг юқори узатма қутисини мойланг	•
G	Ўроқ/парракнинг насос узатмаси шкиви подшипникларини мойланг	•
H	Бирламчи оралиқ валининг универсал шарнири планкасини мойланг (кўп тезликли қабул камераси бўлмаган машиналарда)	•
I	Вертикал бўшатиш шнекининг юқори узатма қутисини мойланг (S780, S785 ва S790 машиналари)	•
J	Қирққич/бўшатиш узатма вали подшипнигини мойланг	•
K	Ўзгарувчи тезлик етакловчи шкивини мойланг	•
L	Узатишни тезлаштиргичнинг подшипникларини мойланг	•

OUO6075,00047F1-UZ-13NOV17

Ёқилғини олдиндан тозалаш фильтри



H115657—UN—28AUG15


A—Ёқилғини олдиндан тозалаш фильтри

ДИҚҚАТ: Ёқилғи фильтрига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришдан олдин моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ўрнатинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Ёқилғи бакининг беркитиш клапанини ёпинг.
2. Ёқилғини олдиндан тозалаш фильтрини (A) ечиб олинг ва панжарани тозаланг.
3. Панжара ва фильтрни ўрнатинг. Тўлдириш учун ёқилғи бакининг беркитиш клапанини очинг. Батафсил маълумот учун "Техник хизмат кўрсатиш - заруратга кўра (Мотор суюқликлари ва фильтрлари)" бўлимига қаранг.


OUO6075,0004428-UZ-17JAN17

Сув ажраткич



H119923—UN—02NOV16

Tier 2/Stage II (A услуб / B услуб)



H119924—UN—02NOV16

Якуний Tier 4/Stage V (A услуб / B услуб)

A—Тўкиш


Сув қолдиғини аниқлаш учун ёки диагностик хатолик коди пайдо бўлганда сув ажраткични (A) текширинг.

Сув ажраткичидан сувни тўкиб ташлаш учун дренаж қувурини очинг. Батафсил маълумот учун "Техник хизмат кўрсатиш - заруратга кўра (Мотор суюқликлари ва фильтрлари)" бўлимига қаранг.

Сув ажраткичини ечиб олинг ва сақлаб қолинг.


OUO6075,00047F3-UZ-13NOV17

Бирламчи ва иккиламчи ёқилғи фильтри



H119925—UN—02NOV16

Tier 2/Stage II (A услуб / B услуб)



H119926—UN—02NOV16

Якуний Tier 4/Stage V (A услуб / B услуб)

A—Бирламчи ёқилғи фильтри
B—Иккиламчи ёқилғи фильтри

ДИҚҚАТ: Ёқилғи қувурларида қолган юқори босимли суюқлик жиддий жароҳат етказиши мумкин. Юқори Босимли Умумий Ёқилғи Магистрали (HPCR) тизимида ишлайдиган моторларда ёқилғи қувурларини, датчикларни ёки ёқилғи насоси ва учликлар ўртасидаги компонентларни ажратишдан олдин, мотор ўчирилгач камида 15 дақиқа кутинг.

Ёқилғи фильтрига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажаришдан олдин моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ўрнатинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Бирламчи ёқилғи фильтри:
   a. Ёқилғи бакининг беркитиш клапанини ёпинг.
   b. Ишлаш самарадорлиги пасайгани сезилганда ёки диагностик хатолик коди пайдо бўлганда бирламчи ёқилғи фильтрини (A) ечинг ва алмаштиринг.
   c. Сув датчигини ажратинг (агар жиҳозланган бўлса)

d. Фильтрдан ёқилғини чиқаринг ва ташлаб юборинг.

e. Янги бирламчи ёқилғи фильтрини ўрнатинг.

f. Ёқилғини бакининг беркитиш клапанини очиб, ёқилғи тизимини тўлдириш учун переключательни "ON" ҳолатига ўрнатинг. Батафсил маълумот учун "Техник хизмат кўрсатиш - заруратга кўра (Мотор суюқликлари ва фильтрлари)" бўлимига қаранг.

2. Иккиламчи ёқилғи фильтри:

a. Ёқилғи бакининг беркитиш клапанини ёпинг.

b. Ишлаш самарадорлиги пасайгани сезилганда ёки диагностик носозлик коди пайдо бўлганда иккиламчи ёқилғи фильтрини (B) ечинг ва алмаштиринг.


c. Фильтрдан ёқилғини чиқаринг ва ташлаб юборинг.

d. Янги иккиламчи ёқилғи фильтрини ўрнатинг.


e. Ёқилғини бакининг беркитиш клапанини очиб, ёқилғи тизимини тўлдириш учун переключательни "ON" ҳолатига ўрнатинг. Батафсил маълумот учун "Техник хизмат кўрсатиш - заруратга кўра (Мотор суюқликлари ва фильтрлари)" бўлимига қаранг.

OUO6075,00047F5-UZ-13NOV17

Ўзгарувчи тезликдаги етакловчи/ етакланувчи шкивлар (Якуний Tier 4/ Stage V) (S760 ва S770 машиналари)



H115710—UN—31AUG15



H115711—UN—31AUG15

A—Ковак винт
B—Етакловчи шкив
C—Етакланувчи шкив

ҚАЙД: Ўзгарувчи тезликли узатма бўшатиш клапанига ва шкивларга ажраткичнинг кириш қопқоғини очиш орқали етиб борилади.

1. Ўзгарувчи тезликли узатма бўшатиш клапани - шкивлардан босимни чиқариш учун бўшатиш винтини (A) бўшатинг.

МУҲИМ: Мойлашнинг етарли миқдорини таъминлаш учун ички етакловчи шкив орқага тўлиқ тортилган бўлиши керак.

Агар шкивлар тўлиқ ажратилмаса, шкивнинг ҳаракатланиш доираси бузилиши мумкин.

2. Ўзгарувчи тезликли етакловчи шкив - Етакловчи шкивдаги (B) смазка фитингини топинг. Етакловчи шкивни тўлиқ очилгунича мотор томонга тортинг. Фитингга 10-12 марта смазка пурканг. Ортиқча смазка етакловчи шкивнинг олд томонидан оқиб чиқади.

МУҲИМ: Мойлашнинг етарли миқдорини таъминлаш учун етакланувчи шкивлар тўлиқ ёпилган бўлиши керак.

Агар шкивлар тўлиқ ёпилмаган бўлса, шкивнинг ҳаракатланиш доираси бузилиши мумкин.


3. Ўзгарувчи тезликли етакланувчи шкив - Етакланувчи шкивдаги (C) смазка фитингини топинг. Етакланувчи шкивлар тўлиқ ёпилмагунига қадар уларни бирга босинг. Фитингга 10-12 марта смазка пурканг. Ортиқча смазка етакланувчи шкивнинг олд томонидан оқиб чиқади.

Бўшатиш винтини ва гайкани белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика	
Ковак винт ва гайка—Айланиш моменти	23 N m (17 фунт/фут)

OUO6075,00047F6-UZ-13NOV17

Бўшатиш шнекининг юқори узатма қутиси




H115712—UN—31AUG15

Фитингни смазкаланг.

OUO6075,000468D-UZ-28MAR17

Ўроқ/парракнинг насос узатмаси шкиви подшипниги



H115713—UN—31AUG15

Фитингни смазкаланг.

OUO6075,000468E-UZ-20MAR17

Бирламчи оралиқ валининг универсал шарнири планкаси (кўп тезликли қабул камераси бўлмаган машиналарда)




H115714—UN—31AUG15

ҚАЙД: Кўп тезликли қабул камераси узатмаси билан жиҳозланган машиналарда бешта фитинг билан таъминланган.

Фитингга етиб бориш учун айлантиринг ва мойланг.

OUO6075,000442F-UZ-17JAN17

Вертикал бўшатиш шнекининг юқори узатма қутиси (S780, S785 ва S790 машиналари)




H115715—UN—31AUG15

МУҲИМ: Фитингга 10 марта смазка пурканг.

Фитингни смазкаланг.

OUO6075,000468F-UZ-28MAR17

Қирққич/бўшатиш узатма вали подшипниги




H115716—UN—31AUG15

А услуб / В услуб

Шкив ариқчасининг пастки қисмидаги фитингга етиб бориш учун шкивни айлантиринг ва фитингни мойланг.

OUO6075,0004690-UZ-20MAR17

Ўзгарувчи тезлик етакловчи шкиви



H122949—UN—18DEC17

Етакловчи шкивлар (Кичик диаметрли) / Етакловчи шкивлар (Катта диаметрли)


A—Қувур тиқини

МУҲИМ: Қувур тиқинини (A) ечиб олинг ва фитингни ўрнатинг. Фитингга 40—45 марта смазка пурканг. ОРТИҚЧА МОЙЛАБ ЮБОРМАНГ. Фитингни ечиб олинг ва қувур тиқинини ўрнатинг.

1. Ташқи шкив гупчагидаги қувур тиқинини мойлашдан олдин (юқори тезликли) шкивларни ёпинг.
2. Қувур тиқинидан фойдаланиш учун шкивни айлантиринг.
3. Доим юқори тезликда ишласа, мойни тўғри тақсимлаш учун цилиндр тезлигини ўзгартиринг.

OUO6075,0004862-UZ-18DEC17

Узатишни тезлаштиргичнинг подшипниклари



H123176—UN—26JAN18

Чап томон / Ўнг томон

Фитингдан фойдаланиш ва унга мой қуйиш учун шкивларни айлантиринг.

OUO6075,000488A-UZ-26JAN18

Сервис оралиғи жадвали - Ҳар 400 соатда (давоми)



H119654—UN—17OCT16

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 400 соатда
A	Қипиқ шнеки узатмасининг фрикцион муфтасини мойланг (S760 ва S770 машиналари)	•
B	Конвейер шнеки узатмасининг фрикцион муфтасини мойланг	•
C	Ўнг томон мойлаш блокини мойланг	•
D	Устидан ўтказувчи тўқмоқнинг подшипникларини мойланг (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналар)	•
E	Чиқариш тўқмоғининг подшипникларини мойланг	•
F	Тозаловчи вентилятор вали подшипникларини мойланг	•
G	Орқа ўқ тяга штангасини мойланг	•
H	Сочувчи дискни мойланг (жиҳозланган бўлса)	•
I	Устидан ўтказувчи тўқмоқдаги узатма қутиси мойини текширинг (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)	•
J	Ажраткич узатмаси мойини текширинг	•
K	Асосий узатмада мойни текширинг	•

OUO6075,00049BA-UZ-30MAY18

Қипиқ шнеки узатмасининг фрикцион муфтаси (S760 ва S770 машиналари)




H115720—UN—31AUG15

МУҲИМ: Ортиқча мойлаб юборманг.

Фитингдан фойдаланиш учун шкив қисмларини айлантиринг.

OUO6075,0004433-UZ-17JAN17

Конвейер шнеки узатмасининг фрикцион муфтаси




H115721—UN—31AUG15

МУҲИМ: Ортиқча мойлаб юборманг.

Фитингдан фойдаланиш учун шкив қисмларини айлантиринг.

OUO6075,0004434-UZ-17JAN17

Ўнг томон мойлаш блоки




H115722—UN—31AUG15

A—Бирламчи оралиқ валининг подшипниги
B—Ажраткич подшипниги

Бирламчи оралиқ валининг подшипнигини (A) ва ажраткич подшипнигини (B) мойлаш учун фитингни смазкаланг.

OUO6075,0004435-UZ-17JAN17

Устидан ўтказувчи тўқмоқнинг подшипниклари (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналар)




H123397—UN—09FEB18

Фитингни смазкаланг (иккала томонини).

OUO6075,00048A7-UZ-09FEB18

Чиқариш тўқмоғининг подшипниклари



H115724—UN—31AUG15

Фитингни смазкаланг (иккала томонини).

OUO6075,0004693-UZ-21MAR17

Тозаловчи вентилятор подшипниклари



H123398—UN—09FEB18

Фитингни смазкаланг (иккала томонини).

OUO6075,00048A8-UZ-09FEB18

Орқа ўқ тяга штангаси




H115726—UN—31AUG15

Гидрокучайтиргич тягаси охиридаги шарсимон шарниридаги фитингни мойланг.

OUO6075,0004695-UZ-21MAR17

Сочувчи диск (жиҳозланган бўлса)




H115727—UN—31AUG15

Валлар гупчагклари зангламаслиги учун фитингни (иккала томонини) мойланг.

OUO6075,0004696-UZ-21MAR17

Устидан ўтказувчи тўқмоқдаги узатма қутиси мойи (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)



H115728—UN—31AUG15

А—Тиқин

Тиқинни (А) чиқариб, мой миқдорини текширинг. Зарурият бўлса, мой қуйинг.

OUO6075,00046D6-UZ-28MAR17

Ажраткич узатмаси мойи




H115729—UN—31AUG15

А—Шчуп

Шчупни (А) олинг ва мой миқдорини текширинг. Мой миқдори шчупдаги ариқчалар орасида бўлиши керак. Зарурият бўлса, мой қуйинг.

OUO6075,000443C-UZ-17JAN17

Асосий узатма мойи



H124880—UN—09AUG18

Бир шинали конфигурация ва HillMaster™ (чап) / Икки шинали конфигурация (ўн)

А—Тиқин

МУҲИМ: HillMaster™ машиналари: Асосий узатма мойи миқдорини текширганда, атрофида турган шахсларни машинадан узоқроқ туриши ҳақида огоҳлантиринг.


ҚАЙД: HillMaster™ машиналари: Мой миқдорини аниқ ўлчаш учун асосий узатманинг кирувчи вали ўқнинг кардан вали билан битта даражада қилиб созлаш лозим.

HillMaster – Deere & Company савдо белгиси

Тиқинни (A) чиқаринг ва мой миқдорини текширинг (иккала томони). Мой миқдори қуйиш тиқини тешигининг тубидан 12 мм (1/2 дюйм) доирасида бўлиши керак. Зарурият бўлса, мой қуйинг.

OUO6075,0004A17-UZ-15AUG18

Сервис оралиғи жадвали — Ҳар 400 соатда (давоми)




H132992—UN—19JAN21

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 400 соатда
A	Трансмиссия мойини текшириng (S760 ва S770 ProDrive™ бўлмаган машиналар) Тўхтаб туриш тормозидаги цилиндри кабелларининг узунлигини текшириng (S760 ва S770 узатиш тугмада ўтказиладиган машиналар)	•
B	Аккумуляторга хизмат кўрсатинг/тозаланг	•
C	Гидравлик/гидростатик фильтрни алмаштириng (S760 ва S770 машиналари)	•
D	Гидростатик таъминот фильтрини алмаштириng (S760 ва S770 ProDrive™ бўлмаган машиналар) Гидростатик таъминот фильтрини алмаштириng (S760 ва S770 ProDrive™ машиналари)	•
E	Гидростатик таъминот фильтрини алмаштириng (S780, S785 ва S790 ProDrive™ машиналари) Асосий мотор узатиш қутиси фильтрини алмаштириng (S760 ва S770 ProDrive™ бўлмаган машиналар) Асосий мотор узатиш қутиси фильтрини алмаштириng (S760 ва S770 ProDrive™ машиналар)	•
F	Мотор чиқиндиларини бошқариш ҳаво фильтрини текшириng (Якуний Tier 4/Stage V учун)	•
G	Ўт ўчиргичларни текшириng/тўлдириng/алмаштириng	•
H	Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мойини текшириng (ўзгармас ва ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси узатмаси)	•
I	Тормоз суюқлигини текшириng (S760 ва S770 ProDrive™ бўлмаган машиналар)	•

ProDrive — Deere & Company савдо белгиси

OUO6075,0004FC8-UZ-19JAN21

Трансмиссия мойи (S760 ва S770 ProDrive™ бўлмаган машиналар)



H115752—UN—02SEP15

Механик узатмали трансмиссия / Тугма узатмали трансмиссия


A—Тиқин

Тиқинни (A) чиқариб, мой миқдорини текширинг.

Мойни етарлича тўлдириш тешигининг тубидан 12 мм (1/2 дюйм) доирасида қуйинг.

OUO6075,000443F-UZ-17JAN17

Тўхтаб туриш тормозидаги цилиндр кабеллари (S760 ва S770 тугма узатмали трансмиссия билан жиҳозланган машиналар)



H115764—UN—02SEP15

A—Масофа
B—Редуктор корпуси
C—Тенгловчи

ҚАЙД: Тўхтаб туриш тормозини ёқинг (поршень чиқарилган - пружина фаоллаштирилган).

Узатма қутиси (B) ва тенгловчининг (C) иккала томони ўртасидаги масофани (A) ўлчанг ва у белгиланган узунликдалигидан ишонч ҳосил қилинг.

Характеристика


Тўхтаб туриш тормози кабели—Айланиш моменти. . . . . 37-1/2 ± 2-1/2 мм (1-31/64 ± 3/32 дюйм)

ДИҚҚАТ: Тўхтаб туриш тормозидаги цилиндр кабеллари ўта кучли босими остида. Кабеллар Жон Дир дилери томонидан ростланиши ШАРТ.

Агар кабелларни ростлаш керак бўлса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,0004440-UZ-17JAN17

Аккумуляторлар



H125572—UN—22JAN19

A услуб / B услуб

ҚАЙД: Аккумуляторлар чап қўл томонда ва ўнг қўл томонда бир хил.

1. Аккумулятор ёки аккумуляторларнинг тепа қисмини тозаланг ва ҳар бир ячейкаларидаги электролит миқдорини текширинг.
2. Керак бўлса, қуйиш бўғзи тубигача дистирланган сув билан тўлдиринг.
3. Аккумулятор клеммаларини, кабелларини тозаланг ва уланган жойларни тегишлича қотиринг.

OUO6075,0004A99-UZ-11JAN19

Гидравлик/гидростатик фильтр (S760 ва S770 машиналари)



H115753—UN—02SEP15


А—Фильтр

ҚАЙД: Фильтрларни алмаштирганда тизимдан суюқликларни тўкиш талаб этилмайди.

1. Фильтрни (А) олиб ташланг ва алмаштиринг.
2. Янги фильтрдаги зичлагични мойланг.
3. Фильтрни ўрнатинг. Қўл билан қотиринг, кейин эса 1/2 айланага қотиринг.


OUO6075,0004E01-UZ-13APR20

Гидростатик таъминот фильтри



H121740—UN—12JUN17

А услуб / В услуб



H121741—UN—12JUN17

С услуб

А—Фильтр

ҚАЙД: Машина созламаларидан келиб чиққан ҳолда, гидростатик зарядлаш фильтрининг услуби ва жойлашуви ўзгариши мумкин.

Фильтрларни алмаштирганда тизимдан суюқликларни тўкиш талаб этилмайди.

1. Фильтрни (А) олиб ташланг.
2. Фильтрни алмаштиринг ва янги зичлагични мойланг.
3. **А услуб ва В услуб:** Қўл билан қотиринг, кейин эса қўлланмага мувофиқ қотиринг.


Характеристика

Гидростатик таъминот фильтри—Айланиш моменти. . . . . 45 Нм (33 фунт/фут)

С услуб: Қўл билан қотиринг, кейин эса 1/2 айланага қотиринг.

OUO6075,0004E02-UZ-26JUN20

Асосий мотор узатиш қутиси фильтри



H115762—UN—02SEP15

А—Фильтр


ҚАЙД: Машина созламаларидан келиб чиққан ҳолда асосий мотор узатиш қутиси фильтри машинанинг турли жойларида ўрнатилган бўлади. Батафсил маълумотга эга бўлиш учун Сервис оралиғи жадвали - Ҳар 400 соатда (давоми) қисмига қаранг.

Фильтрларни алмаштирганда тизимдан суюқликларни тўкиш талаб этилмайди.

1. Фильтрни (А) олиб ташланг ва алмаштиринг.
2. Фильтрдаги янги зичлагични мойланг.
3. Фильтрни қўлда қотирган ҳолда ўрнатинг, кейин уни яна 1/2 айлантириб қотиринг.

OUO6075,00046D8-UZ-28MAR17

Мотор чиқиндиларини бошқариш ҳаво фильтри (Якуний Tier 4/Stage V учун)




H115760—UN—02SEP15

МУҲИМ: Агар дисплейда ҳаво фильтри ифлосланган ҳақида хабар кўрсатилса, бирламчи ҳаво фильтрини текширинг.

Хавфсизлик фильтри тиқилганини текширинг.

OUO6075,00047F9-UZ-15NOV17

Ўт ўчиргичлар



H123657—UN—02MAR18

ДИҚҚАТ: Ўт ўчиргич хавфсизлик камарларини ва маҳкамловчи қисмларни йилига камида бир марта текширинг. Агар ўт ўчиргич хавфсизлик камарларида ёки маҳкамлагич қисмларида қандайдир шикастланиш ёки ноодатий ейилиш, рангининг ўчиши ёки ейилиш каби белгилари пайдо бўлса, дарҳол бутун хавфсизлик камар тизимини янгиланг. Хавфсизлигингиз учун ўт ўчириш қисмларини машинангиз учун рухсат этилган эҳтиёт қисмлар билан алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Ўт ўчиргич ёрлиғидаги қўлланмага асосан (олд ва орқадаги) ўт ўчиргичларни текширинг.

Зарурият бўлса қайта зарядланг ёки алмаштиринг.

OUO6075,000490D-UZ-02MAR18

Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мойи (ўзгармас ва ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси узатмаси)



H115761—UN—02SEP15

A—Шчуп

Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мой миқдорини шчуп (A) ёрдамида текширинг. Зарурият бўлса, мой қуйинг.

OUO6075,00046D9-UZ-29MAR17

Тормоз суюқлиги (S760 ва S770 ProDrive™ бўлмаган машиналар)



H115754—UN—02SEP15

A—Резервуар қопқоғи


1. Резервуар қопқоғи (A) орқали қаранг ва тормоз суюқлигини текширинг.

ҚАЙД: Тормоз суюқлигига кирлар тушмаслигини таъминланг.

2. Тормоз суюқлигини қопқоққа 6 мм (1/4 дюйм) етмаган ҳолда қуйинг.

OUO6075,0004449-UZ-16JAN17

Сервис оралиғи жадвали — Ҳар 400 соатда (давоми)



H134411—UN—17MAY21

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 400 соатда
A	Хавфсизлик камарларини кўздан кечиринг	•
B	ProDrive™/Асосий мотор узатиш қутиси мойлаш фильтри (S760 ва S770 ProDrive™ машиналари) ProDrive™/Асосий мотор узатиш қутиси мойлаш фильтри (S780, S785 ва S790 ProDrive™ машиналари)	•
C	Қабул камераси фрикцион муфтасини мойланг	•
D	Ўроқнинг электромагнит муфта гайкасини қотиринг (ўзгармас тезлик ва ўзгарувчан тезликли қабул камераси)	•
E	Кўп тезликли қабул камераси редуктори узатма қутисини тозаланг (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)	•
F	Юкловчи шнеки узатма қутисидаги мойни текширинг	•
G	Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) бакидаги сапунни алмаштиринг (Якуний Tier 4/ Stage V учун) Ёқилғи бакидаги сапунни алмаштиринг	•
H	Ҳаво фильтри элементларини текширинг	•
I	Намлик датчигини тозаланг (жиҳозланган бўлса) Намлик датчигининг четловчи шнекини тозаланг (зарур бўлса) ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини тозаланг (жиҳозланган бўлса) ActiveVision™ дон элеватори камерасининг қуритиш картрижини алмаштириш/ тозалаш (жиҳозланган бўлса)[a]	•
J	Чиқинди тизимининг четловчи шнекини тозалаш (зарур бўлса) ActiveVision™ чиқиндилар тизими камерасини тозаланг (жиҳозланган бўлса) ActiveVision™ чиқиндилар тизими камерасининг қуритиш картрижини алмаштириш/ тозалаш (жиҳозланган бўлса)[a]	•

ActiveVision – Deere & Company савдо белгиси
[a]Агар ҳосил йиғиш мавсуми якунланган бўлса, қуритиш картрижининг яроқлилик муддатини узайтириш учун кейинги ҳосил йиғиш мавсуми бошланишини кутинг.

OUO6075,0004FC9-UZ-18MAY21

Хавфсизлик камарлари




H115757—UN—02SEP15

ДИҚҚАТ: Хавфсизлик камари ва маҳкамловчи болтларини йилига камида бир марта текширинг. Агар хавфсизлик камар тизими, шу жумладан, маҳкамлагичлар, қисқичлар, камар ёки тортиш мосламаларида қандайдир эскирганлик ёки ноодатий ейилиш, рангининг ўчиши каби белгилари бўлса, дарҳол бутун хавфсизлик камар тизимини янгиланг. Хавфсизлигингиз учун хавфсизлик камар тизимини фақат машинангиз учун рухсат этилган эҳтиёт қисмлар билан алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Хавфсизлик камари шикастланмаганини текширинг.

OUO6075,0004698-UZ-21MAR17

ProDrive™/Асосий мотор узатиш қутиси мойлаш фильтри (ProDrive™ машиналар)



H115763—UN—02SEP15


A—Фильтр

ҚАЙД: Фильтрларни алмаштирганда тизимдан суюқликларни тўкиш талаб этилмайди.

1. Фильтрни (A) олиб ташланг ва алмаштиринг.
2. Фильтрдаги янги зичлагични мойланг.
3. Фильтрни қўлда қотирган ҳолда ўрнатинг, кейин уни яна 1/2 айлантириб қотиринг.

OUO6075,00046DA-UZ-28MAR17

Қабул камераси фрикцион муфтаси




H115747—UN—01SEP15

Мой зичлагичга оқиб чиқмагунга қадар юқори қабул камераси фрикцион муфтасидаги фитингга мой қуйинг.

OUO6075,000444C-UZ-16JAN17

Ўроқнинг электромагнит муфта гайкаси (ўзгармас тезлик ва ўзгарувчан тезликли қабул камераси)



H134413—UN—17MAY21


A—Ўроқнинг электромагнит муфта гайкаси

Ўроқнинг электромагнит муфта гайкасини (A) техник хусусиятга кўра қотиринг.

Характеристика	
Ўроқнинг электромагнит муфта гайкаси—Айланиш моменти	328 Н·м (242 фунт/фут)

OUO6075,0005144-UZ-18MAY21

Кўп тезликли қабул камераси редуктори узатма қутиси (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)




H125585—UN—17JAN19

ДИҚҚАТ: Бу ҳудуддаги лойлар, мойлар, чўплар ва ҳосил қолдиқлари ёнғин хавфини туғдиради. Шамолнинг йўналиши, ҳосил тури ва унинг намлик даражаси сомон ва чиқиндиларнинг қаерда ва қанча тўпланишига таъсир қилиши мумкин. Мотор ишлаб турганида майдонни тозаламанг.

1. Дон бункерининг олд қисмида жойлашган сақлаш жавонни (жиҳозланган бўлса) олиб қўйинг.
2. Дон бункерининг олд қисмида жойлашган кириш эшигини олиб қўйинг.
3. Кўп тезликли қабул камераси редуктори узатма қутиси атрофидаги материалларни тозаланг.
4. Кириш эшигини ва сақлаш жавонини (жиҳозланган бўлса) ўрнатинг.

OUO6075,0004E94-UZ-17JUN20

Юкловчи шнеки узатма қутисидаги мой



H123565—UN—22FEB18


A—Шчуп

ҚАЙД: Юкловчи шнеки узатма қутиси суюкликдан тозаланиши шарт эмас.

Мой миқдорини шчуп (A) ёрдамида текширинг ва зарур бўлса мой қўшинг.

OUO6075,00048BF-UZ-22FEB18

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапуни (Якуний Tier 4/Stage V учун)




H125431—UN—04DEC18

A—Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапуни

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) бакидаги сапунни (A) чиқариб олинг ва алмаштиринг.

OUO6075,0004A60-UZ-04DEC18

Ёқилғи баки сапуни




H125430—UN—04DEC18

A—Ҳаво кириш мосламаси

Ёқилғи баки сапунини (A) ечиб олинг ва алмаштиринг.

OUO6075,0004A61-UZ-04DEC18

Ҳаво фильтри элементлари



H115759—UN—02SEP15


МУҲИМ: Агар дисплейда моторнинг ҳаво фильтри ифлосланган ҳақида хабар кўрсатилса, бирламчи ҳаво фильтрини текширинг.

Хавфсизлик фильтри тиқилганини текширинг.

Аспиратор трубкасида сизиб чиқишлар ва шикастланишлар бор ёки йўқлигини текширинг.

OUO6075,0004451-UZ-16JAN17

Намлик датчиги (жиҳозланган бўлса)



H125315—UN—06NOV18

A—Намлик датчиги

МУҲИМ: Статик электр токи намлик датчиги модулига шикаст етказиши мумкин. Шикастланишнинг олдини олиш учун машинада ишлашдан ёки уни тозалашдан олдин унинг металл юзасини камида битта даста теккизилганига ишонч ҳосил қилинг.

Намлик датчигида ички эҳтиёт қисмлар мавжуд, датчик қуласа, улар бўшаб қолиши мумкин, бу эса дарҳол билинмаслиги мумкин. Машинада ишлаганда ёки уни тозалаганда намлик датчигидан эҳтиёткорлик билан фойдаланинг.


Бегона ўтлар, яшил экинлар ёки майда донлар (канола) билан ишлаганда намлик датчигини (A) ечинг ва тозаланг.

- Датчикнинг олд қисмига эритувчилар ва бошқа тозаловчи воситаларни суртманг.
- Датчикни тозалаш учун қуруқ матодан фойдаланиш тавсия этилади. Агар бу ёрдам бермаса, шунчаки сув ва мато билан ишқаланг.
- Намлик датчигининг олд қисмини ювманг.

Намлик датчигини ўрнатинг ва унинг калибровкасини амалга оширинг. Батафсил маълумот учун Калибрлаш бўйича қўлланмага ва Оператор иш жойи ёрдамига қаранг.

OUO6075,000513D-UZ-14MAY21

Намлик датчигининг четловчи шнеки (зарур бўлса)



H132959—UN—18JAN21


A—Штифт (2 та)
B—Уч қопқоғи
C—Шнек

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Штифтларни (A) ва уч қопқоғини (B) олиб қўйинг.
2. Намлик датчигининг четловчисидан шнекни (C) олиб ташланг.
3. Шнек ва намлик датчиги четловчисининг ичидаги майдонни тозаланг.
4. Шнекни ўрнатинг ва текисланг.
5. Уч қопқоқни ўрнатинг ва штифтлар билан қотиринг.

OUO6075,0004FBB-UZ-18JAN21

ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси (жиҳозланган бўлса)



H125313—UN—06NOV18


A—ActiveVision™ Тоза дон элеватори камераси

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини (A) тозаланг.


OUO6075,0004FC3-UZ-27APR21

Қипиқ датчигининг четловчи шнеки (зарур бўлса)



H132960—UN—18JAN21

A услуб



H132961—UN—19JAN21

B услуб


A—Штифт (2 та)
B—Уч қопқоғи
C—Шнек

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Штифтларни (A) ва уч қопқоғини (B) олиб қўйинг.
2. Намлик датчигининг четловчисидан шнекни (C) олиб ташланг.
3. Шнек ва намлик датчиги четловчисининг ичидаги майдонни тозаланг.
4. Шнекни ўрнатинг ва текисланг.
5. Уч қопқоқни ўрнатинг ва штифтлар билан қотиринг.

OUO6075,0004FC4-UZ-19JAN21

ActiveVision™ қипиқлар тизими камераси (жиҳозланган бўлса)



H119876—UN—01NOV16

A услуб/B услуб

A—ActiveVision™ қипиқ тизими камераси


ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ қипиқ тизими камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,0004FC5-UZ-27APR21

ActiveVision™ камеранинг қуритиш картрижи (жиҳозланган бўлса)



H130473—UN—09JUN20

A—Қалпоқчали винт (2 та)
B—Тутқич пластинаси

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқаринг.


МУҲИМ: Қуритгич картрижи атрофида поя материаллари ва бошқа қолдиқлар тўпланиб қолиши мумкин. Олиб ташлашдан олдин қуритгич картрижи атрофини текширинг ва тозаланг.

ҚАЙД: ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси кўрсатилган. ActiveVision™ қипиқ тизими камераси шунга ўхшаш.

Камера объективининг ички томонида намлик тўпланганалиги кўринса, зарур ҳолда қуритгич картрижини алмаштиринг.

Агар ҳосил йиғиш мавсуми якунланган бўлса, қуритиш картрижининг яроқлилик муддатини узайтириш учун кейинги ҳосил йиғиш мавсуми бошланишини кутинг.


1. Қалпоқчали винтларни (A) ва тутқич пластинани (B) ечиб олинг.



H130389—UN—21MAY20

A—Қуритгичли контейнер (асбоб)
B—Ариқча
C—Қуритгичли картриж

2. Қуритгичли картриж таркибидаги алмаштириладиган қуритгичли контейнерни (A) арiқча (B) билан тенглаштиринг.
3. Қуритгичли картрижни (C) ActiveVision™ камерасидан чиқариб олинг.
4. Қуритгичли картрижни олиб ташланг.



H130390—UN—01JUN20

Қуритгичли контейнер (асбоб) ва Қуритгичли картриж

A—Қуритгичли контейнер (асбоб)
B—Қуритгичли картриж

5. Қуритгичли контейнерни (A) алмаштириладиган қуритгичли картриждан (B) чиқариб олинг.
6. Қуритгичли картрижни ActiveVision™ камерасига ўрнатинг.
7. Қуритгич асбобни арiқча билан текисланг.
8. Қуритгичли картрижни охиргача тортиб маҳкамланг.

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Тутқич пластина қуритгич картрижининг олти бурчакли шаклига мос келишига ишонч ҳосил қилинг.


9. Тутқич пластинани қуритгич картрижи устига ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан маҳкамланг.
10. Қалпоқчали винтларни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 6,8 N·m (60 фунт–дюйм)

OUO6075,0004E5D-UZ-26JUN20

Хизмат кўрсатиш интервали графиги - Ҳар 800 соатда




H119640—UN—13OCT16

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 800 соатда
A	Қабул камераси реверсори узатма қутиси мойини алмаштириш	•


OUO6075,00046DD-UZ-28MAR17

Қабул камераси реверсори узатма қутиси



H115801—UN—03SEP15

Ўзгарувчан тезлик/Кўп тезликка эга реверсор узатиш қутиси



H115802—UN—03SEP15

Ўзгармас тезлик

A—Тиқин
B—Шчуп

1. Қабул камерасини кўтаринг ва хавфсизлик тиргагини туширинг.

ҚАЙД: Мойни танлаш бўйича тавсиялар учун Ёқилғи ва смазкалар бўлимига қаранг.

2. Тиқиндан (A) мойни чиқаринг, тиқинни тозалаб артинг ва шчуп оғзини (B) қайта тўлдиринг.

ҚАЙД: Мойни совитиш воситасига эга узатма қутилари узатма қутиси бир неча дақиқа давомида ишлатишни талаб қилади. Бу совитиш воситаси мой билан тўлдирилишини таъминлайди.


Мой даражаси мой ўлчагичнинг тарамланган қисмида кўриниши керак.

3. Қабул камераси тўлиқ кўтарилган ҳолда мой миқдорини текширинг.

OUO6075,00046DE-UZ-28MAR17

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 1000 соатда

Сервис интервали жадвали - Ҳар 1000 соатда (ProDrive™ машиналари)




H119641—UN—13OCT16


Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 1000 соатда
A, B, C, D, E	Асосий мотор мотор корпуси мойини алмаштириш	•
F	Гидравлик бак фильтрни алмаштириш (S780, S785 ва S790 машиналари)	•

OUO6075,00046DF-UZ-28MAR17


Асосий мотор корпуси мойини алмаштириш



H115805—UN—03SEP15



H119733—UN—27OCT16



H115807—UN—03SEP15

A—Тиқинлар
B—Фильтр

C—Тиқин
D—Фильтр
E—Шчуп


1. Асосий мотор узатма қутиси мойи - мойни (A) тиқинлардан чиқаринг.
2. **S760 ва S770 ProDrive™ машиналари:** Фильтрни (B) олиб ташланг ва алмаштиринг. Янги фильтрдаги зичлагични мойланг. Қўл билан қотиринг, кейин эса 1/2 айланага қотиринг.
3. **ProDrive™ машиналари:** Трансмиссия мойи - Тиқиндан (C) мойни чиқаринг.
4. ProDrive™/Асосий мотор узатиш қутиси мойлаш фильтри - фильтрни (D) ечиб олинг ва алмаштиринг. Фильтрдаги зичлагични мойланг. Қўл билан қотиринг, кейин эса 1/2 айланага қотиринг.

ҚАЙД: Асосий мотор узатма қутисини тўлдириб юбориш машина ишлаётганда шчупи найчасидан мой чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

5. **Асосий мотор узатма қутисини тўлдириш**
   1. Мой шчупнинг (E) тубидаги чизиққа етгунича тўлдиринг.
   2. Шчупни ўрнатинг ва моторни минимум 1 дақиқа ишлатинг.
   3. Моторни ЎЧИРИНГ ва машина 5 дақиқа туриб мойдан ҳаво ажралишига имкон беринг.
   4. Шчупни чиқаринг ва мой миқдорини текширинг. Миқдор шчупнинг юқори чизиғида бўлгунича мой қўшинг.
   5. Мой миқдори шчупнинг юқори чизиғида бўлгунича тартибни такрорланг.

OUO6075,0004940-UZ-12APR18

Гидравлик бак фильтри (S780, S785 ва S790)



H115808—UN—03SEP15

A—Симлар жгути улагичи
B—Датчик
C—Қалпоқчали винтлар
D—Фильтр қопқоғи

ҚАЙД: Тизим ифлосланишининг олдини олиш учун фильтр қопқоғини ечиб олишдан аввал атрофини тозаланг. Фильтрни алмаштирганда тизимдан суюқликларни тўкиш талаб этилмайди.

Гидравлик бак фильтри - ишлаш самарадорлиги пасайгани сезилганда ёки диагностик хатолик коди пайдо бўлганда фильтрини ечинг ва алмаштиринг.

1. Симлар жгути коннекторини (A) датчикдан (B) ажратинг.

⚠ ДИҚҚАТ: Фильтр қопқоғидан пружина босимини бўшатиш учун қалпоқчали винтларни тенг ечиб олинг.

ҚАЙД: Керак бўлса, зичлагич остидаги фильтр қопқоғини текширинг ва алмаштиринг.

2. Қалпоқчали винтлар (C) ва фильтр қопқоғини (D) ечиб, олиб қўйинг.
3. Фильтр юқорисидаги пружинани ечиб олинг ва ушлаб туринг.
4. Фильтрни чиқариб, ташлаб юборинг.
5. Кўрсатилганидек алмашувчи фильтрни аввал ечиб олинган пружина билан ўрнатинг.
6. Аввал олиб ташланган фильтр қопқоқни ўрнатинг.
7. Пружинани сиқиш учун фильтр қопқоғидан фойдаланинг ва аввал ечиб олинган қалпоқчали винтларни ўрнатинг.

МУҲИМ: Фильтр қопқоғини ўрнатишда зичлагич жойида қолишини тасдиқланг.

8. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.


Характеристика	
Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	7 N m (62 фунт–дюйм)

9. Симлар жгутини датчикка уланг.

OUO6075,00044C6-UZ-22DEC16

ProDrive – Deere & Company савдо белгиси

Сервис оралиғи жадвали — Ҳар 1000 соатда (давоми)



H133703—UN—16MAR21

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 1000 соатда
A	Тормоз суюқлигини алмаштиринг (S760 ва S770 машиналар) (уч тезликли механик ёки тугмали ўтказиш трансмиссияси [PBST] билан жиҳозланган бўлса)	•

OUO6075,000503C-UZ-14MAY21

Тормоз суюқлигини алмаштириш (S760 ва S770 машиналар)




H100469—UN—25FEB11

A—Қопқоқ

ҚАЙД: Уч тезликли механик ёки тугмали ўтказиш трансмиссияси билан жиҳозланган бўлса.

1. Тормоз суюқлиги резервуаридан қопқоқни (A) олинг.



H103105—UN—23AUG11

A—Бўшатиш винти (ўнг томон ғилдирак цилиндри)
B—Бўшатиш винти (чап томон ғилдирак цилиндри)

МУҲИМ: Бўялган юзаларга шикастланишнинг олдини олиш учун найчани бўшатиш винтларига ўрнатинг.

2. Найчани ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтларига (A ва B) ўрнатинг.
3. Тормоз магистралларидан тормоз суюқлигини олиб ташлаш учун тормоз тепкиларини секин ерга босинг.
4. Тормоз суюқлиги мос контейнерга қуйилишига имкон беринг.

5. Тормоз суюқлиги оқизилганда ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтларини ёпинг.

ҚАЙД: Тормозларни бўшатиш учун иккита одам зарур. Бир одам тормозларни дамлаши ва резервуарни тўлдириши керак, бошқаси эса, тормозни бўшатиш учун бўшатиш винтларини очади ва ёпади.

Фақат тоза TY26180 ёки DOT 4 тормоз суюқлигидан фойдаланинг.

6. Зарур бўлса, тормоз суюқлиги резервуарини тўлдиринг.
7. Бўшатиш тартиби давомида вакуум яратишнинг олдини олиш учун резервуар қопқоғини бўш ўрнатинг.
8. Тормоз тепкиларини бирга қулфланг.
9. Чап томон ғилдирак цилиндрини бўшатиш винтини 1/4 айланиш билан бўшатинг.

ҚАЙД: Тормоз резервуаридаги суюқликни текширинг ва бўшатиш жараёнида керагича тўлдиринг.

10. Тормоз тепкилари қулфланган ҳолатида полга секин босинг, бўшатиш винтини қотиринг ва тормоз тепкиларини секинлик билан қўйиб юборинг. Ҳаво пуфакларисиз тоза суюқлик оқими бўлгунича такрорланг.

ҚАЙД: Бўшатиш тартиби бошланишидан олдин тизим қисман тўлдирилган бўлса, биринчи чиқишида барқарор, тоза суюқлик оқими пайдо бўлиши мумкин. Агар ғилдирак цилиндри ичи ёки атрофида ҳаво бўлса, ҳаво магистраллар бўйлаб бўшатиш винти орқали чиққунича бир неча марта айланади.

11. Чап томон ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтини ёпинг.
12. Тормоз тепкиларини қулфдан чиқаринг.
13. Ўнг томон ғилдирак цилиндрини бўшатиш винтини 1/4 айланиш билан бўшатинг.

ҚАЙД: Тормоз резервуаридаги суюқликни текширинг ва бўшатиш жараёнида керагича тўлдиринг.

14. Ўнг томон тормоз тепкисини секин босинг, бўшатиш винтини қотиринг ва тормоз тепкисини секин бўшатинг. Ҳаво пуфакларисиз тоза суюқлик оқими бўлгунича такрорланг.
15. Ўнг томон ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтини ёпинг.
16. Найчани ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтларидан олинг.
17. Иккита бўшатиш винтини техник хусусиятларига кўра қотиринг.

Характеристика	
Ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтлари—Айланиш моменти	12 Н·м (106 фунт–дюйм)

ҚАЙД: Тормоз суюқлигини қопқоққа 6 мм (1/4 дюйм) етмаган ҳолда қуйинг.

18. Тормоз суюқлиги резервуарида суюқлик даражаси мувофиқлигини текширинг.
19. Тормоз суюқлиги резервуарига қопқоқни ўрнатинг.
20. Тормоз тизимидаги сизишларни ва ҳар бир тепки маҳкам қаттиқ сезилишини текширинг.

OUO6075,000503D-UZ-14MAY21

Сервис интервали жадвали - Ҳар 2000 соатда



H119642—UN—13OCT16

ҚАЙД: John Deere Cool-Gard™ II ёки Cool-Gard TM II PG ишлатилса, совитгични алмаштириш интервали икки йил ёки 2000 соат қилиб белгиланган.


Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 2000 соатда
A	Гидравлик/гидростатик бак мойини алмаштириш	•
B	Мотор клапани тирқишини текшириш[a]	•
C	Асосий узатмалар мойини текшириш (иккала томондаги)	•
D	Асосий мотор трансмиссияси қутиси мойини алмаштириш (ProDrive™ бўлмаган машиналар)	•
E	Сепаратор узатмаси мойини алмаштириш	•
F	Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мойни алмаштириш (ўзгармас ва ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси)	•
G	Трансмиссия мойини алмаштириш (Механик узатиш ва Тугма переключателли трансмиссия)	•
H	Устидан ўтказувчи тўқмоқдаги узатма қутиси (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)	•

ProDrive – Deere & Company савдо белгиси
[a]*Сервис учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.*

OUO6075,0004DE8-UZ-02APR20


Cool-Gard – Deere & Company савдо белгиси

Гидравлик/гидростатик резервуар мойи



H115812—UN—04SEP15

А стиль



H115811—UN—04SEP15

В стиль

А—Оқава клапани
В—Қопқоқ
С—Кўриш ойнаси

ҚАЙД: Гидравлика тизими ифлосланишнинг олдини олиш учун гидравлик бакни тозаланг. Мой сиғимини характеристикалар бўлимида кўринг.

1. Мойни чиқариш учун оқава клапанини (А) очинг. Мой чиққанидан кейин клапанни ёпинг.
2. Қопқоқни (В) ечиб олинг ва қабул камераси тўлиқ туширилганда мой миқдори кўриш ойнасининг (С) юқори қисмида бўлгунича гидравлик резервуарни тўлдиринг.

OUO6075,000445A-UZ-22DEC16

Мотор клапани тирқиши




H115813—UN—04SEP15

Керак бўлса, мотор клапани тирқишини Жон Дир дилерига текширтиринг ва ростлаттиринг.

OUO6075,0004DE9-UZ-26JUN20

Асосий узатма мойи



H124881—UN—10AUG18

Бир шинали конфигурация ва HillMaster™ (чап) / Икки шинали конфигурация (ўн)

А—Оқава тиқини
В—Тўлдириш тиқини
С—Текшириш тешиги

МУҲИМ: HillMaster™ машиналари: Асосий узатма мойи миқдорини текширганда, атрофида турган шахсларни машинадан узоқроқ туриши ҳақида огоҳлантиринг.

ҚАЙД: HillMaster™ машиналари: Мой миқдорини аниқ ўлчаш учун асосий узатманинг кирувчи вали ўқнинг кардан вали билан битта даражада қилиб созлаш лозим.


Оқизиш учун икки томондаги оқава тиқинини (А) олинг.

Мой миқдори текшириш тешиги тубининг (С) 12 мм (1/2 дюйм) доирасида тўлдириш учун тўлдириш тиқинини (В) олинг.

OUO6075,0004A18-UZ-15AUG18

HillMaster – Deere & Company савдо белгиси

Асосий мотор трансмиссия корпуси мойи (ProDrive™ сиз машиналар)



H115815—UN—04SEP15


A—Оқава тиқинлари
B—Шчуп

Тиқинлардан (A) чиқаринг.

Тўлдиринг ва шчупдаги (B) мой миқдорини текширинг.

OUO6075,00046E2-UZ-28MAR17

Ажраткич узатмаси мойи




H125516—UN—17DEC18

A—Қопқоқ
B—Тўкиш
C—Оқава клапани
D—Шчуп

1. Қопқоқни (A) ечиб олинг ва чиқариш учун шлангни (B) бириктиринг.
2. Мойни чиқариш учун оқава клапанидаги (C) торс головкали қалпоқчали винтни очинг.
3. Керак бўлса, шчупни (D) тўлдиринг.

OUO6075,0004A84-UZ-17DEC18

Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мойи (ўзгармас ва ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси)



H115817—UN—04SEP15


A—Қопқоқ
B—Шчуп

Қопқоқдан (A) чиқаринг ва шчупда (B) қайта тўлдиринг.

Мой даражаси шчупнинг тарамланган қисмида кўриниши керак.

OUO6075,00046E3-UZ-28MAR17

Трансмиссия мойи (Механик узатиш ва тугма переключателли трансмиссия)



H115818—UN—04SEP15


Механик узатмали трансмиссия / Тугма узатмали трансмиссия

A—Трубка
B—Блок
C—Калибр тиқини

1. Трубкани (A) блокдан чиқариб олинг.
2. Чиқариш учун блокни олинг.
3. Текшириш тиқинини (C) ечиб олинг ва тешикнинг 12 мм (1/2 дюйм) гача тўлдиринг.

OUO6075,0004460-UZ-22DEC16

Устидан ўтказувчи тўқмоқдаги узатма қутиси мойи (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)




H115819—UN—04SEP15

A—Тиқин
B—Тиқин

Тиқиндан (A) чиқаринг ва тиқиндан (B) тўлдиринг. Мой миқдори узатма қутисининг ёнидаги тиқин тешиги билан бир текис бўлиши керак.

OUO6075,00046E4-UZ-28MAR17

Сервис оралиғи жадвали — Ҳар 2000 соатда (давоми)




H120324—UN—22DEC16

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 2000 соатда
A	Моторнинг олд картер сўндиргичини текшириng (Якуний Tier 4/Stage V)	•

ouo6075,1657720585940-UZ-13JUL22

Моторнинг картер сўндиргичини текшириng (Якуний Tier 4/Stage V)



H120326—UN—22DEC16

Якуний Tier 4/Stage V (A услуб / B услуб)


МУҲИМ: Вибрация сўндиргичи мосламасини таъмирлаб бўлмайди ва ҳар 2000 соатда текширилиши керак.

Олд моторнинг картер сўндиргичини John Deere дилерингизга текширтиринг.

ouo6075,1657721749711-UZ-13JUL22

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 2000 соат ёки уч йилда

Сервис интервали жадвали - Ҳар 2000 соатда ёки уч йилда




H125475—UN—10DEC18

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 2000 соат ёки уч йилда
A	DEF дозалаш фильтрини алмаштиринг (Final Tier 4/Stage V S780, S785 ва S790 машиналари)	•
B	DEF ички фильтрини алмаштиринг (Final Tier 4/Stage V S780, S785 ва S790 машиналари)	•

OUO6075,0004A6E-UZ-14DEC18

DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш (S780, S785 ва S790 машиналар)



H125506—UN—14DEC18

DEF дозалаш блоки фильтри

A—Фильтр қопламаси
B—Мувозанатловчи элемент
C—Фильтр асбоби
D—DEF дозалаш блоки фильтри

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF ички фильтри ҳар 2000 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

DEF дозалаш блоки фильтри сервиси қўшимча қопламалар ва қисмларни олиб ташлашни талаб қилади. Жойлашув бўйича маълумот учун DEF дозалаш блокига киришга қаранг.

1. DEF дозалаш блоки атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Фильтр қопламасини (A) олиб ташланг.
3. Тенглаштирувчи элементни (B) олиб ташланг ва йўқ қилинг.

ҚАЙД: Фильтр асбоби (C) захира фильтр билан таъминланади.

4. Фильтр асбоби (C) тўлиқ тушганлигини билдирувчи ШИҚ этган товуш сезилгунча ёки эшитилгунча DEF дозалаш блоки фильтр (D) асбобининг “Қора” учини DEF дозалаш блоки фильтрига киритинг.

ҚАЙД: Олиб ташлашга ёрдам бериши учун фильтр асбоби слотига отвёртка каби асбоб киритилиши мумкин.


5. DEF дозалаш блокидан DEF дозалаш блоки фильтр асбоби ва фильтрини тортинг. DEF дозалаш блоки фильтри ва фильтр асбобини ташлаб юборинг.
6. DEF дозалаш резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.
7. DEF фильтрнинг зичлагич ҳалқаларини тоза DEF билан смазкаланг. DEF дозалаш блоки фильтрини DEF дозалаш блокига эҳтиёткорлик билан киритинг.
8. DEF дозалаш блоки фильтрига янги DEF дозалаш блоки фильтр тенглаштирувчи элементини ўрнатинг.
9. Фильтри қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Фильтр қопламаси—Айланиш моменти. . . . . 23 N m (204 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BBB-UZ-30MAY19

DEF ички фильтрини алмаштириш (S780, S785 ва S790 машиналари)



H125448—UN—05DEC18

A—Оқава тиқини
B—Фильтр қопламаси

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF ички фильтри ва DEF дозалаш блоки фильтри ҳар 2000 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

1. DEF ички фильтр мосламаси атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Оқава тиқинини (A) олинг ва ташлаб юборинг.
3. DEF суюқлигини мос келадиган контейнерга оқизинг.
4. Фильтр қопламасини (B) олиб ташланг.



H125462—UN—06DEC18

A—Фильтр мосламаси
B—Фильтр

5. DEF корпусидан фильтр мосламасини (A) пастга тортинг.

ҚАЙД: Керак бўлса, бўшатиш учун фильтрни чертинг. Фильтр қопламаси ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

6. Фильтр қопламасидаги фильтрни (B) чиқариб, ташлаб юборинг.
7. Мослама резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.



H125463—UN—06DEC18

A—Пенопласт
B—Зичлагич
C—Фильтр қопламаси

8. Пенопластни (A) ечиб олинг ва ташланг ва фильтр қопламасидаги (C) зичлагични ташлаб юборинг.
9. Аввал ечиб олинган фильтр қопламасига алмашинувчи пенопласт ва алмашинувчи зичлагични ўрнатинг.



H125464—UN—06DEC18

A—Фильтр
B—DEF корпуси

ҚАЙД: Қоплама ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

10. Кўрсатилганидек алмашинувчи фильтрни (A) фильтр қопламасига сўнг DEF корпусига (B) ўрнатинг.
11. Фильтри қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Фильтр қопламаси—Айланиш моменти. . . . . 25 N m (221 фунт–дюйм)



H125465—UN—06DEC18

A—Зичлагич ҳалқа
B—Арикча

12. Алмашинувчи зичловчи ҳалқани (A) алмашинувчи оқава тиқинидаги арикчага (B) ўрнатинг.
13. Оқава тиқинини фильтр қопламасига ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.


Характеристика

Оқава тиқини—Айланиш моменти. . . . . 4 N m (35 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BBC-UZ-30MAY19

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 3500 соат ёки уч йилда

Сервис интервали жадвали - Ҳар 3500 соатда ёки уч йилда




H125475—UN—10DEC18

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 3500 соат ёки уч йилда
A	DEF дозалаш фильтрини алмаштириш (Final Tier 4/Stage V S760 ва S770 машиналари)	•
B	DEF ички фильтрини алмаштириш (Final Tier 4/Stage V S760 ва S770 машиналари)	•

OUO6075,0004A6B-UZ-14DEC18

DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш (S760 ва 770 машиналари)



H125605—UN—24JAN19

DEF дозалаш блоки фильтри

A—Фильтр қопламаси
B—Мувозанатловчи элемент
C—Фильтр асбоби
D—DEF дозалаш блоки фильтри

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF ички фильтри ҳар 3500 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

DEF дозалаш блоки фильтри сервиси қўшимча қопламалар ва қисмларни олиб ташлашни талаб қилади. Жойлашув бўйича маълумот учун DEF дозалаш блокига киришга қаранг.

1. DEF дозалаш блоки атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Фильтр қопламасини (A) олиб ташланг.
3. Тенглаштирувчи элементни (B) олиб ташланг ва йўқ қилинг.

ҚАЙД: Фильтр асбоби (C) захира фильтр билан таъминланади.

4. Фильтр асбоби (C) тўлиқ тушганлигини билдирувчи ШИҚ этган товуш сезилгунча ёки эшитилгунча DEF дозалаш блоки фильтр (D) асбобининг “Қора” учини DEF дозалаш блоки фильтрига киритинг.


ҚАЙД: Олиб ташлашга ёрдам бериши учун фильтр асбоби слотига отвёртка каби асбоб киритилиши мумкин.

5. DEF дозалаш блокидан DEF дозалаш блоки фильтр асбоби ва фильтрини тортинг. DEF дозалаш блоки фильтри ва фильтр асбобини ташлаб юборинг.
6. DEF дозалаш резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.
7. DEF фильтрнинг зичлагич ҳалқаларини тоза DEF билан смазкаланг. DEF дозалаш блоки фильтрини DEF дозалаш блокига эҳтиёткорлик билан киритинг.
8. DEF дозалаш блоки фильтрига янги DEF дозалаш блоки фильтр тенглаштирувчи элементини ўрнатинг.
9. Фильтр қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика	
Фильтр қопламаси—Айланиш моменти	23 N m (204 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BB9-UZ-30MAY19

DEF ички фильтрини алмаштириш (S760 ва S770 машиналари)



H125606—UN—24JAN19

A—Оқава тиқини
B—Фильтр қопламаси

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF ички фильтри ва DEF дозалаш блоки фильтри ҳар 2000 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

1. DEF ички фильтр мосламаси атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Оқава тиқинини (A) олинг ва ташлаб юборинг.
3. DEF суюқлигини мос келадиган контейнерга оқизинг.
4. Фильтр қопламасини (B) олиб ташланг.



H125462—UN—06DEC18

A—Фильтр мосламаси
B—Фильтр

5. DEF корпусидан фильтр мосламасини (A) пастга тортинг.

ҚАЙД: Керак бўлса, бўшатиш учун фильтрни чертинг. Фильтр қопламаси ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

6. Фильтр қопламасидаги фильтрни (B) чиқариб, ташлаб юборинг.
7. Мослама резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.



H125463—UN—06DEC18

A—Пенопласт
B—Зичлагич
C—Фильтр қопламаси

8. Пенопластни (A) ечиб олинг ва ташланг ва фильтр қопламасидаги (C) зичлагични ташлаб юборинг.
9. Аввал ечиб олинган фильтр қопламасига алмашинувчи пенопласт ва алмашинувчи зичлагични ўрнатинг.



H125464—UN—06DEC18

A—Фильтр
B—DEF корпуси

ҚАЙД: Қоплама ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

10. Кўрсатилганидек алмашинувчи фильтрни (A) фильтр қопламасига сўнг DEF корпусига (B) ўрнатинг.
